

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент кимё-технология институти**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ**

**“Ўзбекистон тарихи” фанидан маърузалар ўтиш учун**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент-2009**

Мазкур ўқув қўлланма “Ўзбекистон тарихи” фанидан бакалавриятнинг I-курс талабаларига маърузаларни ўтиш учун тайёрланган.

Бугунги ўқув жараёнида кўрғазмали материаллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, электрон дарсликларнинг янги авлодларини яратиш, жумладан, Power Point дастури орқали кўрғазмали материалларни яратиш янги педагогик технологияларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув қўлланмага мавзуларни ёритишга хизмат қилувчи кўрғазмали материаллар киритилган.

Унда мавзулар аниқ, лўнда ва қисқа ҳолда турли слайд ва диаграммалар кўринишида талабаларга тушунарли бўлиши учун қулай ва осон тарзда ихчамлаштирилган. Бундан ташқари дарсни қизиқарли ўтиши учун Power Pointнинг турли услубларидан фойдаланилган.

Талаба ёшларнинг дарсинг ва таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ушбу ўқув қўлланма муҳим аҳамият касб этади.

Муаллифлар: т.ф.д., доц. Ўлжаева Ш.М.  
Т.ф.н. Ҳасанова М.Ф.

**1-мавзу: «Ўзбекистон тарихи» фанининг предмети, назарий-методологик асослари, манба-лари ва аҳамияти. Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири.**

**Режа:**

1. “Ўзбекистон тарихи” фанининг предмети ва уни ўрганишнинг аҳамияти.
2. “Ўзбекистон тарихи” фанининг методологик тамойиллари
3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш ва уни ўрганишдаги асосий манбалар.
4. “Ўзбекистон тарихи” фанининг қомил инсон тарбиясидаги ўрни ва роли.
5. Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири.

**1. “Ўзбекистон тарихи” фанининг предмети** халқимизнинг энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганишдан, тушунтиришдан иборатдир.

“Ўзбекистон тарихи”ни ўрганишнинг аҳамияти шундаки:

“Ўзбекистон тарихи” фани ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди, ўз Ватанининг қадрига етишга, унинг озодлиги, келажаги учун жонини фидо қилишга тайёр бўлишга ёрдам беради; инсониятнинг қадимги даврдан ҳозирги кунгача босиб ўтган тарихий йўли, унинг сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий тажрибаси ҳақидаги билимлар асосларини эгаллаган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган баркамол шахсни тарбиялашга кўмаклашади; ёшларни тарихий, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамиятини англаб етишга одатлантиради; “Ўзбекистон тарихи” фани ижтимоий ҳаётини чуқур ўрганиб солиштириш орқали мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини теранроқ англаш ва зарур илмий, ғоявий, тарбиявий хулосалар чиқариш ҳамда миллий мафқурасининг шаклланишига ёрдам беради.

**2.** Инсоният тарихини, тарихий воқеа, ҳодисаларни тўғри ёритиш ва ўрганиш учун бир қатор муҳим назарий-методологик тамойилларга таянмоқ зарур.

- Билиш назариясининг **диалектик методи** ана шундай тамойиллардан биридир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради, хусусан, Ўзбекистон тарихини жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади;

- Тарихий воқеа ва ҳодисаларни ёритиш ва баён қилишда **холислик тамойили**га риоя қилиш, эҳтирос ва ҳис-ҳаяжонга берилмаслик, сиёсий гуруҳлар, ҳаракатлар ва фирқалар манфаатлари юзасидан ёритмасдан аслида қандай бўлса, шундайлигича баён қилиш, тарихий ҳақиқат устиворлигига эришиш;

- **Манбалар билан асосланганлик тамойили** – баён қилинаётган тарихий жараён, келтирилаётган ҳар қандай фактлар чинакам илмий ва асл манбаларга асосланган бўлмоғи лозим;

- Тарихий воқеа ва ҳодисаларга баҳо берганда чуқур назарий ва тарихий **илмийлик тамойили**га амал қилиш. Тарих фани бадиий ижод, халқ оғзаки ижоди, афсона ва эртаклар жамланмасига айланиб қолмаслиги, балки бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни инкор этиш мумкин бўлмаган асосли ҳужжатлар, далил ва рақамларга суянмоғи керак;

- Тарихни ўрганишда **тарихийлик тамойили** муҳим аҳамиятга эга. Тарихийлик қонидаси воқеа, ҳодисаларни ўз даврининг аниқ тарихий шароитидан, ўша давр муҳитидан, тарихий ривожланиш жараёнидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади;

- **Ижтимоий ёндашув тамойили** тарихий жараёнларни аҳолининг барча табақалари манфаатларини, тенг таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганишни тақозо этади;

- Мамлакатимиз тарихини ўрганишда миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф-одатлари, ислом дини тарихи, одамларнинг диний эътиқодлари, диний таълимотлари ва уларнинг асосчилари фаолиятини таҳлил қилишда ва ёритишда **ворисийлик тамойилига** амал қилинади;

- **Изчиллик ва узлуксизлик тамойили**, яъни воқеалар тартиби билан, маълум даврларга, бўлимларга, қисмларга ажратиб берилиши ҳамда бир-бирини тўлдириб бориши, хусусан, давр ва замон руҳини бериш ҳамда Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболдаги тарққиёти талаблари асосида баён этилишига эришмоқ керак.

**3. Жаҳон тарихи ва барча мамлакатлар тарихи сингари Ўзбекистон тарихи ҳам даврларга бўлиб ўрганилади.** Булар -

\*Ибтидоий –жамоа тузуми

\*Қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши

\*Ўрта асрлар даври

\*Подшо Россияси мустамлакачилиги даври

\*Мустабид совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври

\*Миллий истиқлол даври

Ўзбекистон тарихини ўрганишда **манбалар алоҳида аҳамиятга** моликдир. Тарих манбалар асосида ўрганилади. Манбаларнинг турлари ниҳоятда кўп, аммо уларнинг бари умумлаштирилиб, шартли равишда **иккига - моддий (ашёвий) ва ёзма манбаларга** бўлинади.

Инсон қўли ва ақл заковати билан яратилган, инсонлар ҳаёти ва меҳнат фаолиятида муҳим ўрин тутган, одамзотнинг узок ўтмишидан дарак берувчи маълумотларни ўзида жамлаган манбалар моддий манбалар дейилади.

Манбаларнинг иккинчи асосий гуруҳини ёзма манбалар ташкил этади. Мамлакатимиз халқлари тарихи ҳақида маълумот берувчи дастлабки ёзма манба бу зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган «*Авесто*»дир. Мазкур китоб бундан салкам 3 минг йил аввал яратилган, аммо ундаги маълумотлар «*Авесто*» яратилишидан анча илгари бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Ватанимиз тарихига оид маълумотлар юнон, рим, хитой, араб ва форс манбаларида ҳам учрайди.

**4. Ўзбекистон тарихини ўрганиш катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.** Тарих инсон маънавиятини бойитади, уни бугунги ўзгаришларнинг қонуниятлари, сабаб ва оқибатларини тўғри мушоҳада қилишга ўргатади, ватанпарварлик, ватанга ва ўз халқига садоқат, уни кўз қорачиғидай асраш туйғуларини шакллантиради. Ўз тарихини мукамал билган инсон ўзининг кимлиги, қайси халқнинг фарзанди ва кимларнинг авлоди эканлигини ҳамиша ёдда тутаяди. Тарихни билиш инсонни бугунги кун ва келажак ҳақида чуқур мушоҳада қилишга ўргатади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш

меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди».

Ватанимиз тарихи ёшларга халқимизнинг ўтмиши, тарихи ҳақида билим бериб қолмасдан балки уларни ватанпарвар, инсонпарвар, маънавий жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишларида дастур-ул-амал ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, тарих илми инсонни комилликка етакловчи асосий воситалардан биридир.

**5. Инсоният тарихининг дастлабки босқичи *ибтидоий жамият* дейилади.** Ибтидоий жамоа тузумининг бошланиши дунёнинг турли ҳудудларида турли даврларга тўғри келади. Хусусан, археологик манбаларга кўра, Африкада бу давр 2,5-3 миллион йил илгари бошланган бўлса, Америкада 20-30 минг йил илгари бошланганлиги тахмин қилинади. Бу даврнинг Ўрта Осиё ҳудудида қачон бошланганлигини аниқ айтиш қийин бўлса-да, кўпчилик тадқиқотчилар ибтидоий жамоа тузumi бундан миллион йиллар олдин бошланганлигини эътироф этадилар.

*1. Ибтидоий тўда даври.* Бу давр инсон пайдо бўлганидан ўрта палеолитнинг охирига қадар давом этади.

*2. Уруғчилик даври.* Ибтидоий жамоа тузумининг бу босқичи 40 минг йилликдан 3-2 минг йилликкача бўлган даврни ўз ичига олиб, уруғчиликнинг биринчи босқичи Матриархат (она уруғи) даври, иккинчи босқичи Патриархат (ота уруғи) даври деб юритилади. Кишилиқ жамиятининг бронза даврига келиб, ибтидоий жамоа даври тугаб, аста секин синфий жамият куртаклари пайдо бўла бошлайди. Замонавий тарихшуносликда Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жамият ривожланишининг алоҳида босқичлари қуйидагича даврлаштирилади:

Палеолит (қадимги тош даври - юнонча «палеос» - қадимги), «литос» - «тош»). Энг қадимги одамлар ясаган меҳнат ва ов қуролилари, асосан, тошдан бўлгани учун инсоният тарихининг дастлабки босқичи – қадимги тош даври деб аталади. Минтақамизда одамзоднинг пайдо бўлиши бундан 1 млн. - 700 минг йил илгари содир бўлганлиги тахмин қилинади. Палеолит даври ўз навбатида уч босқичга: *илк палеолит, ўрта палеолит ва сўнгги палеолит* босқичларига бўлинади.

*Илк палеолит.* Ўрта Осиёдаги илк палеолит даври моддий маданият ёдгорликлари милоддан 1 млн. - 100 минг йил аввалги даврларга оид бўлиб, ашел даври деб аталади

*Ўрта палеолит.* (Мустье даври) Бу давр милоддан аввалги 100 - 40 минг йилликлар билан ўлчанади.

*Сўнгги палеолит.* Бу давр милоддан аввалги 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади.

Мезолит (ўрта тош даври - юнонча «мезос» - «ўрта», «литос»-«тош») - милоддан аввалги 12-7 минг йилликлар билан ўлчанади.

*Неолит* (янги тош даври – юнонча «неос» - «янги», «литос»- «тош») - милоддан аввалги 6-4 минг йилликларга оид.

*Энеолит* (мис-тош даври) - милоддан аввалги 4-3 минг йилликлар билан чегараланади.

*Бронза даври* - милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар билан белгиланади.

*Темир даври* - милоддан аввалги 1 минг йилликнинг бошларидан бошланади.

**Сўнгги палеолит** қадимги тош асрининг якуний босқичидир. Оҳангарон ҳудудидан сўнгги палеолитга оид Кўлбулоқ макони, Тошкентнинг ғарбидан Бўзсув I

макони ҳамда Самарқанд шаҳридан шу даврга оид макон очилган. Бу маконлардан турли хил қуроллар, гулхан қолдиқлари, кўмир парчалари ҳамда ҳайвон ва ўсимликларнинг қолдиқлари топилган.

Сўнгги палеолитдан бошлаб одамлар ғорлардан чиқиб, сунъий турар жойлар - чайлалар, ертўлалар, кулбалар қура бошлаганлар. Натижада улар воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликлар, дарё ва кўллар бўйларига келиб жойлаша бошлаганлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, палеолит даврида замонавий одамнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етди. Сунъий тарзда олов чиқариш кашф этилди. **Инсоният ибтидоий тўда босқичидан уруғчилик тузумига ўтди.** Меҳнат қуроллари такомиллашиб, турлари кўпая борди. Ибтидоий инсонлар орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда **мезолит** даври **мил. ав. 12-7 минг йилликларни** ўз ичига олади. Бу даврга келиб музлик даври тугайди. Натижада иқлим мўътадиллашиб, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ўзгаради. ўқ ва ёйнинг кашф этилиши бу даврнинг катта ютуқларидан биридир. Ибтидоий санъат ҳам шу даврда кенг ривож топади. Ўрта Осиёдан мезолит даврига оид кўплаб ёдгорликлар топилган. Шулардан бири Бойсундаги **Мачай ғор-макони**дир. Бу ердан тош ва суякдан ясалган турли меҳнат қуроллари, одамнинг бош чаноғи ва тишлари ҳамда бўри, тулки, барс, сувсар, кўён, жайра, олмахон каби ҳайвонларнинг суяклари топилган. Топилмалар мачайликларнинг оловдан кенг фойдаланиб, гўштни оловда пишириб еганларликларидан далолат беради.

Фарғона водийсидан мезолит даврига оид **Обишир ғор-макони**да топилган ашёлар обиширликларнинг балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Ҳозирга қадар Марказий Фарғонадан 80 га яқин мезолит даври ёдгорликлари очиб ўрганилган. Бу маконлардан топилган тош қурол ва буюмлар ўзининг нисбатан нозиклиги ҳамда ихчамлиги билан палеолит даври қуролларидан фарқ қилади.

**Неолит** тош асрининг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бу даврда иқлим ҳозиргига анча яқин бўлиб, кишилар ер юзи бўйлаб кенг тарқала бошланганлар. Табиий шароитнинг бир хил эмаслиги неолит даври қабилаларида меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, турар жойлар ва хўжаликнинг турлича бўлишига олиб келди. Жумладан, Ўрта Осиёнинг жанубида яшовчи қабилалар ҳаётида ишлаб чиқарувчи хўжаликлар – деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик тараққий топган бўлса, шимолий ўлкаларда яшовчи қабилалар табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли ўзлаштирувчи ибтидоий хўжалик асосида тирикчилик қилиб, узоқ вақт ривожланишдан ортда қолганлар.

Неолит даври қабилалари кўпроқ дарё соҳиллари ва кўл бўйларида яшаб, балиқчилик, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик ҳамда қисман хунармандчилик билан шуғулланганлар. Бу даврга келиб мезолитнинг сўнгги босқичида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалган, парракчалар, найза ва камон ўқлари, пичоқлар, пармалар, қирғичлар, ўроқ ва бошқа қуроллар такомиллашган. Кулолчилик ҳам неолит даври кашфиётларидан ҳисобланади. Шунингдек, тўқимачилик ва қайиқсозлик ҳам шу даврда пайдо бўлди.

Ўрта Осиёнинг жанубида, хусусан, Копетдоғ этакларида суғорма деҳқончилик ва илк чорвачилик қарор топиб, даштлар, дарё ва кўллар атрофида овчилик ва балиқчилик ривож топади. Ўрта Осиёда яшаган неолит даври қабилалари

хўжалик шаклларига кўра Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятларига бўлинади.

**Энеолит** - лотинча «энеос»-«мис», «литос»-«тош» сўзларидан таркиб топган. Мазкур даврга бундай ном берилишининг сабаби инсонлар бу даврда ҳам тош, ҳам мис қуролларида фойдаланганликлари билан изоҳланади.

Мис дастлаб ердан соф ҳолда топилган. Мисдан ясалган қуроолларнинг энг қадимгилари металлга совуқ ҳолда уриб ишлов бериш йўли билан ясалган. Бошда одамлар мисни тошнинг бир тури деб билганлар. Мил. авв. IV минг йилликка келиб мисни эритиш йўли билан уни истаган шаклга киритиш мумкинлигини кашф қилганлар. Шу тариқа энеолит даврига келиб ибтидоий одамлар илк бор металл билан танишганлар.

Металлнинг кашф қилиниши ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада юксалишига олиб келди. Мисдан ясалган қурооллар тош қуроолларга нисбатан анча такомиллашган бўлса-да, мис пишиқ ва чидамли меҳнат қурооллари яшаш учун яроқсиз бўлган. Мисдан асосан ҳарбий қурооллар ва уй-рўзғор буюмлари ясалган. Шу боисдан мис қурооллар тошдан ясалган меҳнат қуроолларини турмушдан бутунлай сиқиб чиқара олмаган.

Мезолитнинг охири ва неолит даврида вужудга келган деҳқончилик энеолит даврида асосий ва муҳим хўжалик турига айланди. Деҳқончилик ва уй чорвачилиги эҳтиёждан ортикча маҳсулотнинг тўпланишига ҳамда мол айирбошлашнинг тартибга солинишига олиб келди.

**Бронзанинг** (мис ва қалай аралашмаси) кашф этилиши жамият тараққиётида илгари ташланган қадам бўлди. Чунки бронза мисга қараганда анча пишиқ, қаттиқ ҳамда чидамли металл ҳисобланади. Олимлар Ўртасида бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Мессопотамия бўлган деган фикрлар мавжуд. Ўрта Осиёда бронза даври мил. авв. III минг йилликдан I минг йилликнинг бошларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири бўлди. Бронза меҳнат қуроолларининг хўжаликда кенг қўлланилиши ишлаб чиқариш муносабатларини жадаллаштириб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга ҳам катта туртки берди.

Бронза даврига мансуб маданият излари Ўзбекистонда дастлаб Хоразм, кейинчалик Зарафшон ва Қашқадарё ҳамда Фарғона водийларидан топилган. Мазкур манзилгоҳларни ўрганиш бу даврда икки хил маданият ҳукм сурганлигидан далолат беради. Биринчиси - зироатчилик билан шуғулланувчи қабилалар маданияти. Бундай қабилалар деҳқончилик учун қулай ерларда ўрнашиб олиб, юксак деҳқончилик маданиятига эришганлар. Иккинчиси - ишлаб чиқарувчи кучлари биринчилари даражасидан паст бўлмаган ҳолда дашт ва тоғ олди яйловларида чорвачилик билан шуғулланувчи чорвадор қабилалар маданияти.

Бронза даврида Ўрта Осиё аҳолисининг ижтимоий тузумида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлган. Бу даврда она уруғининг мавқеи йўқолиб, ота уруғи ҳукмронлиги ўрнатилади. Металл эритиш ва хўжаликнинг ривожланиши туфайли жамиятда эркалар меҳнатига эҳтиёж кучайиб, уларнинг мавқеи орта бошлайди. Шу тариқа бронза даври жамият тараққиётида, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик

ва хунармандчиликнинг ривожланишида эркаклар етакчиликни қўлга оладилар. Аёллар эркаклар етиштирган маҳсулотларни истеъмол қилишда иштирок этсалар ҳам, унга эгалик қилишдан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик секин-аста эркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми (матриархат) ўрнини ота уруғи (патриархат) эгаллайди.

### *Мавзунини такрорлаш юзасидан саволлар*

1. Ўзбекистон тарихи фани нимани ўрганади?
2. Тарихни ўрганишда қандай методологик тамойилларга таяниш лозим?
3. Тарихни ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг тутган ўрни қандай?
4. Комил инсон тарбиясида Ватан тарихининг тутган ўрни ва аҳамияти қандай?
5. Ибтидоий жамият қандай даврларга бўлинади?
6. Палеолит даврига оид манзилгоҳлар қаерларда ва кимлар томонидан топиб ўрганилган?
7. Мезолит даврига оид манзилгоҳлар қаерларда ва кимлар томонидан топиб ўрганилган?
8. Неолит даврининг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.
9. Ишлаб чиқариш хўжалиги нима, у қачон шаклланди?
10. Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик қачон вужудга келди?
11. Бронза даврида инсоният ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
12. Президент Ислом Каримовнинг қайси асарларида Ватан тарихини ҳолисона ёритиш ва ўрганишнинг аҳамияти кўрсатилган?

### **Таянч тушунчалар**

**анимизм** – жон ва одамни қуршаган муҳитга рухларнинг мавжудлигига эътиқод.

**антропология** – одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ-тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан.

**археология** – қадимшунослик; қадимги моддий маданият ёдгорликларига асосланиб кишилик жамияти ўтмишини ўрганувчи фан.

**бронза даври** - милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар билан белгиланади.

**Замонбобо** – Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Замонбобо кўли бўйларида милоддан аввалги II мингйилликда яшаган чорвадор ва дехқонларнинг қадимий маданияти.

**илк палеолит** - Ўрта Осиёдаги илк палеолит даври моддий маданият ёдгорликлари милоддан 1 млн. - 100 минг йил аввалги даврларга оид бўлиб, ашел даври деб аталади.

**ишлаб чиқарувчи хўжалик** – анча вақт уруғни ўсимлик ва ҳайвон егулик маҳсулотлари билан таъминлаб келган зироатчилик ва чорвачилиқдир. Зироатчилик термачилиқдан бошланган, чорвачилик эса ов ва ҳайвонларни қўлга ўргатишдан келиб чиққан.



**матриархат** – энг қадимги тузум ривождаги бир босқич бўлиб, қариндошлик муносабатлари она томонга қараб белгиланган, уруғга ва оилага аёл киши сардорлик қилган.

**мезолит** (ўрта тош даври - юнонча «мезос» - «ўрта», «литос»-«тош») - миллоддан аввалги 12-7 минг йилликлар билан ўлчанади.

**неолит** (янги тош даври – юнонча «неос» - «янги», «литос»- «тош») - миллоддан аввалги 6-4 минг йилликларга оид.

**палеолит** (қадимги тош даври - юнонча «палеос» - қадимги», «литос» - «тош»). Минтақамизда одамзоднинг пайдо бўлиши бундан 1 млн. - 700 минг йил илгари содир бўлганлиги тахмин қилинади. Палеолит даври ўз навбатида уч босқичга: *илк палеолит, ўрта палеолит ва сўнгги палеолит* босқичларига бўлинади.

**патриархал оила** – ота томонидан яқин қариндошларнинг бир неча авлодларидан ташкил топган оиладир.

**патриархат** – энг қадимги жамоа тузумининг бир даври бўлиб, унда эркак киши жамият ҳаётида етакчи мавқега эга бўлган, қариндошлик муносабатлари ҳам ота томонга қараб белгиланган.

**Сополлитена** – Ўзбекистон жанубидаги бронза асри деҳқонлари манзилгоҳидир (мил.ав. II мингйилликда).

**сўнгги палеолит** - бу давр миллоддан аввалги 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади.

**темир даври** - миллоддан аввалги 1 минг йилликнинг бошларидан бошланади.

**уруғчилик** – ўзаро қон-қариндош бўлган кишилардан иборат дастлабки одамлар уюшмаси.

**цивилизация** - (лотинча «civilis»-фуқаровий, ижтимоий, яъни ҳарбийлар ва диндорлар ҳукмронлигисиз) — жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг ҳамда уларни янада кўпайтириб такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

**энеолит** (мис-тош даври) - миллоддан аввалги 4-3 минг йилликлар билан чегараланади.

**энг қадимги уруғчилик тизими** - инсоният тарихининг барча меҳнат қуроллари умумий бўлган, ҳамма одамлар ҳамкорликда меҳнат қилган бир давридир.

**этнография** – халқларнинг келиб чиқишини, хўжалигини, турмуш тарзини, маданиятини ўрганадиган фан.

**ўрта палеолит** - бу давр миллоддан аввалги 100 - 40 минг йилликларни ўз ичига олиб мустъе даври деб аталади.

## **2-мавзу: Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари**

### **Режа:**

*1. Давлатчилик тушунчаси. «Авесто» китобида қадимий давлатчилик тарихига оид маълумотлар. Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатлар тузилмалари.*

2. Аҳамонийлар ҳукмронлиги. Юнон-македон қўшинларининг Александр Македонский бошчилигида Ўрта Осиёга юриши. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.

3. Ўрта Осиё ҳудудларида антик давлатлар (Салавкийлар, Даван, Кушон, Қадимги Хоразм ва Қанг) нинг ташкил топиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.

1. Мил.ав. II минг йилликнинг охири - I минг йиллик бошларида Ўрта Осиё ҳудудида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтди. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ зироаткор аҳоли томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадор ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни жадаллаштиради.

Меҳнат қуролининг такомиллашувида катта аҳамият касб этган темирнинг кенг тарқалиши бу даврдаги ривожланиш жараёнларининг муҳим омили бўлди. Ўрта Осиёнинг жанубида темир буюмлар дастлаб мил.ав. X-VIII асрларда пайдо бўлган бўлса, мил.ав. VII-VI асрларга келиб темирдан меҳнат қуроли яшаш ўлканинг барча ҳудудларида оммалашди. Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши ҳам дастлабки давлатчиликнинг асосий омилларидан бўлган.

Аҳоли ўртасида турли ҳунармандчилик буюмлари, хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айрибошлаш кенг расм бўлган. Илк темир даврида ҳали пул муомаласи йўлга қўйилмаганлиги боис турли маҳсулотлар, озиқ-овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, жун ва терилар тўлов вазифасини ўтаган. Кейинчалик, мил.ав. V-IV асрларда Ўрта Осиёга дастлабки пуллар - аҳамонийларнинг олтин танга-пуллари ва юнон тангалари кириб келади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолининг таҳлили мил.ав. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган вилоятларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Сўнгги бронза даврида меҳнатнинг дастлабки йирик тақсмоти рўй бериб, чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши туфайли ихтисослашган ишлаб чиқариш тараққий қилиб, жамиятда ортиқча маҳсулот пайдо бўлади ҳамда бу маҳсулот маълум шахслар қўлида тўплана бошлайди. Қишлоқлар кенгайиб шаҳар тусини ола бошлайди ҳамда бу шаҳарлар секин-аста энг қадимги вилоятлар ва давлат уюшмаларининг маъмурий марказига айлана боради, **марказлашган бошқарув вужудга келади.**

Ўлкамиз ҳудудларида қадимги шаҳарсозлик маданиятининг асослари қуйидагилардан иборат: 1) аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;

2) ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши натижасида иқтисодий ҳамда маданий алоқалар, савдо-сотиқнинг тараққий этиши;

3) табиий-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шарт-шароитлар.

Тарихий адабиётларда Ўрта Осиёда илк давлатлар шаклланишининг қуйидаги муҳим даврлари **ажратилади: *Бронза даври*** (мил.ав. II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми). Унчалик катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари негизида илк давлат уюшмаларининг шакллана бошлаши, давлатчиликка ўтиш даври; ***Бронза асридан темир асрига ўтиш даври*** (мил.ав. X-VIII асрлар). Қуйи давлат ташкилотларининг ривожланиши ва ҳарбий сиёсий уюшмаларнинг вужудга келиши; ***Илк темир даври*** (мил. авв. VII-VI асрлар). Қадимги Бақтрия ва Хоразм сингари йирик давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши.

Археологик манбаларнинг далолат беришича, Ўрта Осиёнинг баъзи воҳалари (Бақтрия, Марғиёна, Катта Хоразм)да сўнгги бронза ва илк темир даврларидаёқ **дастлабки сиёсий бирлашмалар - давлат тузилмалари пайдо бўлган.**

Ватанимиз тарихини ўрганишдаги дастлабки ёзма манба сифатида “Авесто” катта аҳамият касб этади. “Авесто”нинг Яшт қисмида таърифланишича, илк синфий тенгсизлик даврида - давлатчиликнинг дастлабки куртаклари вужудга келаётган даврда Ўрта Осиё жамияти алоҳида оилалардан («**нмана**») ташкил топган. Ерга уруғ жамоаси («**вис**») эгалик қилган, бир неча уруғлар қабилага («**занту**») бирлашган, нисбатан йирик қабилалар бирлашиб вилоят («**дахю**») ни ташкил қилган, бу вилоятларни ҳукмдор («**кави**») бошқарган. Қабила бошлиқлари вақт-вақти билан тўпланиб, кенгашиб туришган, жамият ҳаёти ва диний маросимлар, кўшни халқлар билан муносабатларга оид муҳим масалалар ушбу кенгашда ҳал қилинган. “Авесто” қадимги жамиятни қоҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар, чорвадорлар ва хунармандлар каби табақаларга бўлади. Қадимги хўжаликда чорвачилик ва деҳқончиликка алоҳида эътибор берилганлиги “Авесто” маълумотларида ҳам қайд қилинган.

«Авесто»да Ўрта Осиёдаги кўплаб жуғрофий номлар тилга олиниб, жумладан шундай дейилади: «Энг яхши ерлар ва мамлакатларнинг биринчиси қилиб, мен Ахура-Мазда Арёнам Вайжони яратдим. Яхшиларнинг иккинчиси Суғдлар, Баҳди ва ҳакозо. Ҳаммаси бўлиб «Авесто» да 16 та мамлакат санаб ўтилади.

**2.** Қадимги юнон муаллифлари Геродот ва Ксенофонтларнинг хабар беришича, мил.ав. 545-539 йилларда Кир II Шарқий Эрон, Хоразм, Суғд ва Марғиёна вилоятлари ҳамда сак қабилаларини ўзига бўйсундиради. Мил.ав. 530 йилда Кир II кўчманчи массагетларнинг Эрон ҳудудларига қилган хуружларини баҳона қилиб, массагетлар юртига бостириб киради. Тўмарис бошлиқ массагетлар душман билан қаттиқ жанг қилади. Форс кўшинлари мағлубиятга учрайди, Кир II жангда ҳалок бўлади. Мил.ав. VI аср охири – V аср бошларида Ахоманийлар давлати ниҳоятда кучаяди. Эндиликда у жаҳоннинг энг йирик ва кудратли салтанатига айланади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг катта қисми бўйсундирилиб, Хоразм, Парфия, Бақтрия, Марғиёна, Суғд ва саклар юрти унинг таркибига кирган эди. Босиб олинган ҳудудларни бошқариш учун алоҳида сатрапия - ҳокимликлар жорий этилган. Уларни форс подшолари томонидан тайинланган ҳокимлар — сатраплар бошқарган. Ўрта Осиё вилоятлари 4 сатрапияни ташкил этарди.

*Доро* I хукмронлик қилган даврда босиб олинган кўпчилик вилоятлар, жумладан, Парфия, Марғиёна ва саклар юртида ахоманийлар хукмронлигига қарши кўзғолонлар кўтарилади. Гарчи кўзғолон бостирилган бўлса-да, Ўрта Осиё аҳолисининг ахоманийлар зулмига қарши озодлик кураши тўхтамайди. Ўрта Осиё халқлари устидан ахоманийлар хукмронлиги 2 асрдан кўпроқ давом этди. Бу давр мобайнида Ўрта Осиё вилоятлари билан ахоманийлар Эрони ва унга тобе бўлган мамлакатлар ўртасида савдо ва маданий алоқалар ўрнатилди. Бу даврда Ўрта Осиё аҳолиси илк бор зарб қилинган танга пуллар билан муомала қила бошлади.

Мил.ав. 334 йилда Юнон-Эрон уруши авж олиб, қисқа вақт ичида Ахоманийлар давлатининг қулашига олиб келди. Доро III нинг ўлдирилиши ва унинг қотили Бесснинг Суғдга томон қочиши Александрга Эроннинг шарқий вилоятлари томон юриш қилиши учун баҳона бўлди. Мил.ав. 329 йилнинг эрта баҳорида Александр ўз қўшини билан Ҳиндукуш орқали Бактрияга бостириб киради. Сўнг Ўкуз (Аму) дарёсидан ўтиб, Навтака қалъаси ва вилоятини эгаллайди. Бу ердан юнон-македон қўшинлари Суғд ва унинг марказий шаҳри Смараканса (юнонча Мароканда)га йўл оладилар. Шаҳарни қўлга киритгач, у ерда кичикроқ қўшин қолдириб юришни давом эттирадилар.

Суғд аҳолиси фотихларга қарши чиқиб, она юрт озодлиги ва мустақиллигини мардонавор ҳимоя қилади. Мил.ав. 329 йилнинг кузида Суғднинг марказида бошланган кўзғолонга маҳаллий саркардалардан бўлган Спитамен бошчилик қилади. Кўзғолончилар Смаракансада қолдирилган қўшинни кириб ташлаб шаҳарни эгаллайди. Александр кўзғолончиларга қарши жазо қўшинини жўнатади. Политимет (Зарафшон) соҳилида содир бўлган жангда Спитамен ғалаба қозонади. Александр кўзғолончиларга қарши асосий кучларини сафарбар этади. Чўл ичкарисига чекинган Спитаменни таъқиб этмай, Зарафшон воҳасининг 120 мингдан ортиқ тинч аҳолисини қириб ташлайди. Шу тариқа Суғд ва Бактрияда кўтарилган кўзғолон авж олиб, чорвадор сак ва массагет қабилалари ўртасида ҳам ёйилади. Икки йиллик натижасиз жанглардан сўнг Александр маҳаллий халқларни куч билан енгиб бўлмаслигини тушунади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик вилоятларини босиб олиш учун Александр 3 йил уриниб, Марғиёна, Бактрия, Суғд ва Сирдарё ёқаси аҳолисини бўйсундиришга муваффақ бўлди. Хоразм, Чоч (Тошкент) воҳаси ва Фарғона водийси ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Мил.ав. 327 йилда у Ҳиндукуш орқали Ҳиндистонни босиб олиш учун жўнайди.

**3.** Александр вафотидан сўнг Миср, Македония ва Салавкийлар каби 3 мустақил давлатларга ажралиб кетади. Бу янги давлатлар Александрнинг йирик саркардалари томонидан бошқарилди. Мил.ав. 312 йилда Бобилда ўз ҳокимиятини ўрнатган Салавк I бир неча йиллар давомида шиддатли урушлар олиб бориб давлат чегараларини Ғарб ва Шарққа томон кенгайтиради. Унинг давлатига Месопотамия, Эрон, Парфия, Бактрия ва Суғд ерлари бирлаштирилган эди. Бундай улкан мамлакат 70 дан ортиқ сатрапия, эпархия ва гиппархия деб номланган маъмурий ўлка ва вилоятларга тақсимланиб бошқарилган. Вилоятларга юнон-македонлар қаторида маҳаллий зодагон вакиллари ҳам ҳоким этиб тайинлана бошлайди.

Ўрта Осиё Салавкийлар давлатининг маркази Бобилдан узоқда жойлашган бўлсада, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида бу ўлка муҳим мавқега эга эди. Мил.ав. 293 йилда Салавк ўғли Антиохни Шарқий вилоятлар: Парфия, Марғиёна, Бактрия ва Суғднинг ноибни этиб тайинлайди. Антиохнинг ноиблиги даврида Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларига сакларнинг чопкунлари кучайиб кетади. Кўчманчилар ҳужумидан химоя қилиш мақсадида Мурғоб воҳасининг атрофи Антиохнинг фармони билан узунлиги 250 км ли мудофаа девори билан ўраб олинади.

Кўчманчиларнинг муттасил ҳужумларига қарамай, юнон-македон истилоси оқибатида вайрон бўлган хўжалик аста-секин тиклана бошлайди. Суғд, Бактрия ва Марғиёна вилоятларида суғориш тармоклари кенгайиб, янги қароргоҳлар қад кўтаради, деҳқончилик қишлоқлари ва ҳунармандчилик шаҳарларининг сони ортади. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг салмоғи ўсиб, айирбош савдо жонланади. Пул муомаласи ва танга пулларга эҳтиёж вужудга келади. Бу даврда Салавк ва Антиохнинг Бактрияда «драхма» ва «тетрадрахма» деб юритилган олтин, кумуш ва мис тангалари зарб этилиб, салтанатда Ўрта Осиё мулкининг иқтисодий мавқеи ошган.

Антиох ўзининг узоқ йиллик (мил.ав. 293—261 йй.) ҳукмронлиги даврида салавкийлар ҳукмронлигига қарши кўзғолонларни бостириб, кўчманчи қабилаларнинг ҳужумларига қарши курашади. Бироқ мамлакатнинг марказий қисми бошқаруви билан узвий боғланиб қолган Антиох ўз давлатининг шарқий қисми — Ўрта Осиё ерларига кам эътибор қаратади. Бундай вазият мил.ав. III аср ўрталарида яққол намоён бўлди. Натижада Салавкийлар давлатида ҳокимият учун ўзаро кураш авж олиб кетади. Бу эса бу улкан давлатни парчаланишига олиб келади.

**Қадимги Хоразм.** Мил.ав. IV асрда Хоразм Ахоманийлар давлатидан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олади. Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари, сўнгра Салавкийлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўз эркини сақлаб қолган Хоразм бу янги фотиҳлар билан мустақил давлат сифатида алоқада бўлади. Маълумки, мил.ав. VII-V асрлардаёқ узил-кесил шаклланган Хоразм воҳасининг ўтроқ хўжалигини, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Бундай ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг кенгайиши эса, ўз навбатида воҳада кўплаб шаҳар, қишлоқ ва қалъаларнинг қад кўтаришига, ҳунармандчиликнинг кулолчилик, темирчилик, тўқимачилик, заргарлик ва куролсозлик каби турли соҳаларининг юксак даражада ривож топишига олиб келган. Бу даврда қадимги Хоразмда айниқса, деҳқончилик воҳалари, аҳоли турар жойлари муҳофазасига катта аҳамият берилади. Шаҳар, қишлоқ ва қалъа дарвозалари ғуломгардиш, бурж ва нишон туйнуклари билан мустаҳкамланади. Улкан ва ўта мустаҳкам қалъалари туфайли бу қадимги диёр Хоразм («Ху-вар-зм»), яъни «яхши ёки ажойиб қалъали ўлка» маъносини англатувчи ном билан шуҳрат топган. Бундай қалъалар Авесто китобида «вар» атамаси билан тилга олинади. Ёзма манба ва археология маълумотларининг гувоҳлик беришича, мил.ав. III - мил. III асрларда Хоразм Сирдарёнинг ўрта оқимида ташкил топган Қанғ давлатининг таркибида бўлган.

**Даван — қадимги Фарғона давлати.** Фарғона водийси сой ҳавзаларида шаклланган катта-кичик ўтроқ деҳқончилик воҳалари кенгайиб, мил.ав. IV-1

асрларда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг турли соҳалари ривож топади. Бир нечта қишлоқ ва шаҳарлар қад кўтаради. Қадимда бу обод тарихий ўлка ва бош шаҳри табиатига монанд мазмунни англатувчи «Паркана», яъни «сув бўйи» ёки оддийгина «водий» деб юритилган. Қадимги Хитой ёзма манбаларида у Дайюань (Даван) номи билан тилга олиниб, Кува шаҳри (Қайқубат) унинг пойтахти бўлган.

Даванда ўтроқ зироаткор аҳоли билан бир қаторда тоғ олди ва даштлик ҳудудларда чорвадор қабилалар ҳам яшаган. Чорвачиликда, айниқса йилқичиликка эътибор кучли бўлган. Даван қадимда ўзининг зотли «самовий» арғумоклари билан шуҳрат қозонган. Даван тулпорлари, айниқса Хитойда жуда қадрланган. Мил.ав. II асрда Даванда қавийлик даражасидаги ҳокимлик ҳукм сурган. Давлат бошқарувида оқсоқоллар кенгаши муҳим ўринга эга бўлган. Давлат ва жамоаларга тегишли ҳаётий масалалар оқсоқоллар кенгашида ҳал этилган. Даванда пул зарб этиш бу вақтда ҳали юзага келмаган эди. Ташқи ва ички савдо пулсиз мол айирбошлаш воситасида амалга оширилган. Кўшни давлатлар, айниқса Хитой билан бўлган савдо муҳим ўринга эга бўлган.

Мил.ав. III аср бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи чорвадор сак қабилаларининг **Қ а н ғ давлати** ташкил топади. Қадимги Хитой манбаларида эса у «Кангкия», замонавий ўқилишда «Кангюй» ва «Кандзюй» шаклида тилга олинган. Бу давлатнинг ҳудуди қадимги Чоч (Тошкент) воҳаси, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Мил.ав. II-I асрларда Қанғ давлати ниҳоятда кенгайиб ўзига 5 та ўтроқ вилоят: Чоч, Кеш, Суғд, Бухоро ва Хоразм ҳокимликларини бўйсундиради ва йирик давлат бирлашмасига айланади. Мамлакат бир қанча эл, юрт ва ўтроқ деҳқончилик вилоятларига бўлинган. Давлатни хоқон бошқарган. Хоқонлик ворисий бўлиб отадан ўғилга мерос тариқасида ўтган. Давлат бошқарувида қабила оқсоқоллари ва ҳарбий саркардалардан иборат олий кенгаш муҳим ўринга эга бўлган. Қанғ давлатига тобе вилоятлар маҳаллий ҳокимлар қўлида бўлиб, улар хоқонликка муттасил бож тўлаб турган. Қанғ давлатига тобе ўтроқ вилоятларда ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари, мустаҳкам йирик қалъа ва ибодатхона кўп бўлган. Шаҳарлар турар жойларининг аксарияти паҳса ва хом ғиштлардан қурилган. Шаҳарнинг ташқи девори, қалъаси, дарвозалари, бурж ва нишон туйнуклари каби мудофаа иншоотларининг мустаҳкамлигига алоҳида аҳамият берилган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, хусусан, кулолчилик ва темирчилик анча ривож топган.

Қанғ давлати Хитой, Кушон, Парфия, Рим ва Кавказорти мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлган. Унинг ҳудудидан *Буюк ипак йўли* кесиб ўтганлиги туфайли ташқи савдо алоқаларда сарбонликни қўлда сақлаб туришга интиланган. Мил.ав. V асрига келиб Қанғ давлати парчаланиб, унинг ҳудудида бир неча мустақил давлатлар ташкил топади.

**Кушон подшолиги.** Мил.ав. I-аср охирида Гуйшуанг ябғуси Кужула Кадфиз 5 ҳокимлик (жабғулик)ни бирлаштириб, ўзини Гуйшуанг ҳокими деб эълон қилади. Тарихда бу давлат *Кушон подшолиги* номи билан шуҳрат топади. Қадимги Чағониён вилоятида жойлашган Далварзин мавзеи Кушон подшолигининг пойтахтига айлантиради. Кужула Кадфиз ҳокимлик даврида

«ябғу», «шоҳлар шоҳи» ва «буюк халоскор» каби жарангдор унвонлар битилган тангалар зарб этилади.

Кужула Кадфиз ўз давлат чегараларини кенгайтириш ва кудратини мустаҳкамлаш мақсадида бошқа худудларга юриш қилади. Мил.ав. 1 аср охири ва мил. 1 аср бошларида Кушон подшолиги нуфузи жиҳатидан Хитойнинг Хань давлати, Парфия подшолиги ва Рим салтанати билан рақобатлашадиган қадимги дунёнинг энг кудратли давлатларидан бирига айланади. Кужула Кадфиз вафотидан сўнг, подшолик тахтига ўғли *Вима Кадфиз* ўтиради. У пул ислоҳоти ўтказиб, мис чақалар билан бир қаторда олтин тангалар зарб этади. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмини ўз давлатига қўшиб олиб, Рим салтанати билан алоқа ўрнатади.

Вима Кадфиздан сўнг Кушонлар салтанати тахтига Канишка I ўтиради. Унинг ҳукмронлиги даврида (мил. 78—123) мамлакат ҳар жиҳатдан ривож топиб юксалади. Панжоб ва Кашмир вилоятлари қўшиб олиниб, давлат чегаралари янада кенгайтирилади. Подшолик пойтахти Бактрия шимолдан жанубга — Пурушапур (ҳоз. Пешовар шаҳри)га кўчирилади. Кушон подшолигининг чегаралари бу даврда жанубда Панжоб вилояти, шимолда эса Ҳисор тоғи тизмалари бўйлаб ўтади. Шаҳарлар сони ортиб, уларда буддавий динининг ҳашаматли меъморий обидалари: ибодатхона, монастирлар, ступа (саждагоҳ)лар қад кўтарди. Ибодатхоналар Будда ва унинг санам (бодисатва)лари ҳайкаллари билан безатилиб, шаҳар меъморчилиги билан узвий боғланган ҳолда тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик юқори даражада ривож топади.

Археология ёдгорликлари ва топилмалардан маълум бўлишича бу даврда ҳунармандчилик, айниқса кулолчилик, мисгарлик, заргарлик ва қуролсозлик тараққий этади. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг ортиши билан ички ва ташқи, хусусан, чорвадор аҳоли билан савдо алоқалари авж олади. Кушон подшолигининг Хань давлати ва Рим салтанати билан иқтисодий ва элчилик муносабатлари юксак даражага кўтарилади. Кучли табақаланиш оқибатида юзага келган кўзғолонларнинг авж олиши натижасида III аср ўрталарида Кушон подшолиги парчаланиб, барҳам топади.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Ўрта Осиёда илк давлат тузилмаларининг юзага келиши шарт-шароитлари ҳақида гапириб беринг.
2. Қадимги Хоразмда илк давлатчиликнинг вужудга келиши ва ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақида нималар биласиз.
3. Қадимги Бактрия давлатидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ёритиб беринг.
4. “Авесто” таълимоти қачон ва қандай тарихий шароитда вужудга келди, унда қандай ғоялар илгари сурилган?
5. Аҳамонийларнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари, уларга қарши халқ ҳаракатлари ҳақида нималар биласиз?
6. Аҳамонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қандай кечган?
7. Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари ва уни оқибатларини сўзлаб беринг.
8. Спитамен бошчилигидаги халқ кўзғолони ҳақида гапириб беринг.

9. Юнон-Бақтрия давлатининг вужудга келиши ва инқирозга юз тутишига нима сабаб бўлди?
10. Қанг давлати қандай вужудга келди, уни давлат бошқаруви ҳақида нималар биласиз?
11. Даван (Фарғона) давлати ҳақида гапириб беринг.
12. Кушон империясининг вужудга келиши сабаблари ҳақида сўзлаб беринг.
13. Кушонлар даврида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?
14. Кушон даври маданияти ҳақида сўзлаб беринг.

### ***Таянч тушунчалар:***

**арк** – шаҳарнинг девор билан ўралган мустаҳкам қисми; ички қалъа. Унда подшо ва унинг оиласи, шунингдек, давлат муассасалари жойлашган.

**Афросиёб** – ҳозирги Самарқанднинг шарқий қисмида жойлашган шаҳар.

**Бақтрия** – Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисми, Жанубий Тожикистон ва Сурхондарё вилояти.

**вайса** – “уй қули”. Ўрта Осиёда қадимги қулчилик шаклларида бири, улар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва бошқа ишлаб чиқариш вазифаларини бажарганлар.

**варзана** – “вис”лар бирикувидан вужудга келган йирик қўшни жамоа

**вис** – “нмана”лар бирикувидан ҳосил бўлган уруғ жамоаси

**дахю** – қабилалар иттифоқи

**Довон** - Фарғона водийсининг қадимги номларидан бири

**Еркўрғон** – ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудидаги қадимги шаҳар.

**Жанубий Сўғдиёна** – Қашқадарё воҳаси

**занти** – қабилалар уюшмаси

**Зулқарнайн** – Александр Македонскийнинг лақаби. Ўрта осиеда у шу лақаб билан аталган. Бу лақаб – “икки шохли”, “икки томонни тутувчи” деган маъноларни англатган.

**Кўзалиқир** - ҳозирги Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган шаҳар.

**Мароканда** – Самарқанднинг юнонча номи.

**Марғиёна** – Мурғоб дарёси водийсидаги қадимий вилоят. Ёзма манбаларда Марғиёна Марв вилояти ва воҳаси номи билан тилга олинади.

**Марв** - ҳозирги Туркменистон ҳудудида жойлашган шаҳар.

**массагетлар** – ҳозирги Амударёнинг қуйи оқимлари ва унга туташ бўлган ерларда яшаган қабилалар.

**Мидия** – Эроннинг шимоли-ғарбидаги ўлка.

**нмана** – катта патриархал оила

**Окс** – Амударёнинг қадимги номи

**Паркана** – Фарғона водийсининг қадимги номларидан бири

**Политимет** - Зарафшоннинг қадимги номи

**саклар** – ҳозирги Сирдарё бўйларида, Тошкент вилояти ва жанубий Қозоғистон ерларида, Фарғона водийсида яшаганлар.

**сака тиграхауда** – “тигра”- бу “ўткир”, “хауда”- “бош кийим”.

**сака-хаумоварка** – “хаома муқаддас ичимликни улуғлаган саклар”



**сака тияй пара сўғдам** – “сўғдларнинг нариги ёғидаги саклар”.

**сака тияй дарайё** – “дарё, денгиз нариги ёғидаги саклар”

**Сангиртепа** – ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган қадимги шаҳар

**сатрап** – вилоят бошлиғи.

**сатрапия** – ҳарбий-маъмурий ҳудуд.

**стадий** – қадимги юнонларда қўлланган масофа ўлчови. 1 стадий 150-190 метрга тенг бўлган.

**Сўғдиёна** – Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзасида жойлашган қадимий ўлка.

**сўғдлар** – ҳозирги Зарафшон ва Қашқадарё водийларида ҳаёт кечирганлар.

**талант** – оғирлик ўлчови, бир талант = 25,92 кг

**Танаис** – Сирдарёнинг қадимий номларидан бири.

**Узунқир** - ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудидаги қадимги шаҳар.

**Хоразм** – Амударёнинг ўрта ва қуйи қисмидаги ерларни ўз ичига олган.

**Экбатан** – Мидиянинг қадимги пойтахти.

**Эрши шаҳри** – Довон давлати пойтахти

**Яксарт** – Сирдарёнинг қадимги туркча номи.

**Ўкуз** – Амударёнинг қадимги номи.

**Қалъалиқир** - ҳозирги Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган шаҳар.

**Қанғдиз** – Қанғ давлатининг (иккита) пойтахтларидан бири. Оққўрғон тумани ҳудудига тўғри келади.

**Қизилтепа** - ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган қадимги шаҳар.

### **3 – мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши. Буюк ипак йўли: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.**

#### **Режа:**

*1. Ўтроқ ҳаёт кечирган энг қадимий аجدодларимиз.*

*2. IX-XII асрларда туркий қавмларнинг ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни.*

*3. XV аср охири XVI аср бошларида Ўрта Осиёга Дашти қипчоқ элатларининг кириб келиши. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши.*

*4. Буюк ипак йўли: шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва аҳамияти.*

**1.** Тадқиқотлар натижаларига қараганда мил. авв. II минг йилликнинг охири - I минг йилликнинг бошлари Ўрта Осиё ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлади. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар авж олди

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, боши чўзинчоқ, юзи тор ирқнинг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса, жануб аҳолисидан фарқ қилган боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзик бўлмаган қабилалар яшаган.

Фанда **жанубий қиёфали одамлар** Ўрта Ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. **Шимолий қиёфали одамлар** Жанубий Сибирь ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий қисмида Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А.Сагдуллаев тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги одамлар вакиллари кўшилиши жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврга келиб, ўлкамизда яшаб ўтган **бронза даври қабилалари Ўрта Осиё қадимги халқларига асос солганлар**. Бу давр ўлкамиз ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар юз берганлиги билан изоҳланиб, айнан мана шу бронза даври қабилалари Ўрта Осиёнинг қадимги элатларига асос солганлар. Ўрганилаётган даврнинг хусусияти шундаки, бу даврга келиб жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ зироаткор аҳоли томонидан ўзлаштирила бошлаган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқалиши кучаяди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари негизида ижтимоий-иқтисодий ва этник-маданий жараёнлар жадаллашади.

Мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларига шимолий-шарқдан янги этник гуруҳлар кириб кела бошлайди. Уларнинг асосий машғулоти чорвачилиқдан иборат бўлиб, автохтон маданиятдан фарқланувчи мазкур гуруҳлар маданияти фанда «**Тозабоғёб маданияти**» деган ном билан юритилади.

Этник жараёнлар мураккаб ҳодиса бўлиб, мутахассислар таъкидлаганидек, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганишни қанча эрта даврлардан бошласак, унинг таркибида ҳозирги кунларгача сақланиб келаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ тарикбига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида шунчалик кенг фикр юрита оламиз. Олдинга кетиб айтадиган бўлсак, замонавий ўзбек халқи антропологиясида ҳам мўғул ирқига хос унсурлар камчиликини ташкил қилгани ҳолда, европа ирқи унсурлари устунлик қилади. Шундай экан ўзбекларни тўла мўғул ирқига мансуб деб ҳисобловчи фикрлар илмий асосга эга эмас.

Ўзбек халқи ўзининг шаклланиши жараёнида бир неча муҳим боқичларни бошдан кечирган. Мазкур босқичлар маълум тарихий даврларда ўлкамиз ҳудудига турли халқларнинг бостириб кириши ҳамда ҳақлар ва маданиятларнинг мураккаб аралашуви жараёнлари билан боғлиқ. Ахамонийлар истилоси, Македониялик Александрнинг юришлари, Араблар босқини, Мўғуллар истилоси ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу истилолар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқларининг

маданияти, тили ҳамда турмуш тарзига маълум даражада ўз таъсирини ўтказган, албатта. Аммо бу юришлар туб аҳолининг ирки ва этник қиёфасини, антропологияси ва тилини, маданияти ва урф-одатларини кескин ўзгартира олмаган.

Замонавий тадқиқотлар ўзбекларга хос антропологик қиёфа Сирдаёнинг ўрта ҳавзаси, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Хоразм ҳамда Жанубий Қозоғистон ва Етгисув минтақасида мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаганлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи аجدодлари шаклланишининг муҳим босқичларидан яна бири Эфталийлар давлати ва Ғарбий турк хоқонлиги даврига тўғри келади. Бу пайтга келиб туркий тилда сўзлашувчи элатларининг бир-бирлари билан қўшилиши ва шаклланиши учун қулай шароит етилади. Ғарчи, мазкур давлатлар ҳудудларида яшовчи халқлар туркий ва эроний тилларда сўзлашиб, улар аралаш этносларни ташкил қилган бўлсаларда, иккала давлатда ҳам туркий тил устунлик қилган. Эфталийларнинг тили хусусида мутахассислар ўртасида турлича қарашлар мавжуд бўлсада, уларнинг туркий халқлар бўлганлиги ҳақиқатга яқин. Эфталийлар ўз ҳукмдорларини ябғу деб аташган. Бундай атама фақат туркий халқларга хос бўлиб, форслар эса ўз ҳукмдорларини шоҳ ёки подшоҳ деб аташган. Кўриб чиқиладиган даврда туркий халқларнинг монолит этник тил бирикмалари қарор топиб, улар Эфталийлар давлати ва Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий таянчи бўлиб қолдилар.

**2.** Ўзбек халқи шаклланишидаги энг муҳим босқичлардан бири IX-XII асрлар ҳисобланади. Бу даврга келиб Ўрта Осиё, жумладан Мовароуннаҳр ҳудудларида ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа узил-кесил қарор топиб, маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Шу билан бирга тожик халқининг шаклланиши ҳам шу даврга тўғри келади. Бир сўз билан айтганда узоқ давом этган этник жараёнлар натижасида кўриб чиқиладиган даврга келиб Мовароуннаҳр ҳудудларида қадимдан аралаш яшаб келадиган, маданияти, урф-одатлари ҳамда аجدодлари ягона бўлган туркий ва эроний тилларда сўзлашувчи элатлардан икки мустақил халқ, ўзбек ва тожик халқлари вужудга келди.

IX асрга келиб сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгач, давлат ишлари араб тилида юритилиб, дарий тилининг сарой тили сифатида раванқ топиши туркий тилнинг мавқеини тушириб, унинг ривожланишини тўхтатиб қўймади. Расмий ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида олиб борилиб, сарой адабиёти дарий тилида битилган бўлсада, аҳолининг ўзаро мулоқот тили аввалгича қолган. Умуман, бу давр тили ҳақида сўз кетганда туркий ва дарий тилларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Ривожланган ва ҳатто сўнгги ўрта асрлар даврида ҳам Мовароуннаҳр аҳолиси иккала тилда бирдай мулоқот қила олган.

X аср охирида Мовароуннаҳрни Қарлуқлар (Қорахонийлар) истило қила бошлайдилар. Қарлуқларнинг истилочилик ҳаракатлари Етгисув ва Шарқий Туркистоннинг унга қўшни бўлган вилоятларидан бошланади. X асрнинг

иккинчи ярмида бу ерларда ярим кўчманчи, ярим ўтроқ туркий қавмларнинг ҳарбий жиҳатдан кучли бўлган қудратли давлати вужудга келади.

Еттисувдаги туркий қавмлар уюшмаси арғу, тухси, қорлиқ, чигил, яғмо сингари элатлардан ташкил топган эди. Шулардан арғу, тухси, қорлиқ ва чигиллар маданий жиҳатдан анча тараққий қилган бўлиб, улар фақат овчи, чорвадорлардан иборат бўлмасдан, балки зироатчилик билан ҳам шуғулланганлар. Кўриб чиқиладиган даврнинг яна бир хусусияти шундаки, шу даврда бу ердаги сўғд мустамлакалари ва шаҳар аҳолисининг сўғдийлар ўрнашган қисмида туркийлашиш жараёни тезлашади. Туркийлашиш энг аввало туркий тил ва нутқнинг ғалаба қилишида ифодаланади. Буни ўша даврда яшаган тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ҳам эътироф этади.

Шундай қилиб, X аср охири XI бошларида Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан қарлук, ўғуз, чигил, яғмо ва бошқа туркий қабила ва уруғларнинг Шош, Фарғона ва бошқа вилоятларда яшовчи туркий аҳоли билан ўтроқ ҳаётга кўчиш жараёни тезлашади. Ўтроқ деҳқон ва ҳунарманд аҳоли билан аралашиб, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг бой тажрибаси ва анъаналари ўзлаштирилади. Туркий муштарак тил ва халқ оғзаки эпосига асосланган бадиий адабиёт юзасига келади. Натижада туркий тилда сўзлашувчи аҳолининг Мовароуннаҳрнинг асосий нуфузларидан бири сифатидаги мавқеи янада ортади.

Шу даврга келиб, туркий адабий тилнинг шаклланиш жараёни ҳам ниҳоясига етади. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийларнинг бебаҳо асарлари шу давр туркий адабий тилининг ёрқин намуналаридир.

Албатта, ўзбек халқи шакллангандан кейин ҳам этногенез жараёнлари давом этган. Бу борадаги кейинги йирик босқич мўғуллар истилоси билан боғлиқ. Мўғул истилоси ва уларнинг секин-аста маҳаллий халқлар таркибига кўшилиб кетиши натижасида Чигатой улуси аҳолисининг ташқи қиёфасида мўғул элементлари кучайган бўлсада, мазкур ҳодиса ўзбек халқи антропологиясини бутунлай ўзгартириб, аҳоли мўғуллашиб кетмади. Аксинча, Мовароуннаҳрга кўчиб ўтган мўғулларнинг ўзлари қисқа муддатда турклашиб туб аҳолига аралашиб кетди. Бу бир қанча сабаблар билан боғлиқ бўлиб, улардан энг асосийси Ўрта Осиёга бостириб келган Чингизхон қўшинлари таркибида мўғуллар камчилиқни ташкил қилиб, уларнинг кўпчилиги туркий элатлардан ташкил топганлиги билан изоҳланади.

**3. Ўзбек халқи этногенезида муҳим рол ўйнаган охири босқич XV аср охири - XVI аср бошларида Шайбонийхон бошлиқ Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга бостириб кириши билан боғлиқ. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрни эгаллаши воқеасига юртимизга қандайдир бегона халқнинг кириб келиши сифатида эмас, балки ҳукмрон сулола вакиллариининг алмашинуви сифатида қараш тўғрироқ бўлади.**

Ана шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиёда ўзбек хонларининг ҳукмронлик даври бошланади. Кўчманчи ўзбеклар деҳқончиликнинг юксак

маданиятини эгаллаган Мовароуннаҳр аҳолисига аралашиб, уларнинг кўплари аста-секин ўтроқ ҳаётга ўта борганлар ва шу зайдда Ўрта Осиёнинг туркий аҳолисига янги бир муҳим қатлам бўлиб қўшилганлар.

Кўчманчи ўзбеклар кейинчалик барча туркий аҳолига ўз номларини бердилар. Шу даврдан бошлаб Мовароуннаҳр аҳолисининг катта қисми ўзбеклар деб атала бошлади. Лекин ўзбекларнинг вакиллари Мовароуннаҳр ва Хуросонда илгариги асрларда ҳам яшаганлиги сир эмас. Хуллас, Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳр туб аҳолисига қўшилиб кетиши аҳолининг этник қиёфасида дастлаб Олтой турклари, сўнгра Чингизхон бошлиқ мўғуллар аралашуви натижасида юзага келган мўғул ирқи белгиларининг маълум даражада кучайишига сабаб бўлди. Шу боисдан замонавий ўзбек халқи қиёфасида икки ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, аҳолининг Дашти Қипчоқ ўзбекларининг таъсири кучлироқ бўлган қисмида мўғул ирқи белгилари устунлик қилади ҳамда улар “жўқчи” лаҳжада сўзлашишади, аҳолининг азалдан шу ҳудудда яшаб келаётган қисми эса кўпроқ европа ирқига мойил бўлиб, улар “йўқчи” лаҳжада сўзлашишади.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқи асосан икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида азалдан яшаб келган элатлар асосида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) дарёси бўйларида тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва қўйи оқимларигача бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи чорвадор қавмлар асосида шаклланган. Бу макон ўтмишда турли номлар, чунончи Дашти Қипчоқ, Олтин Ўрда, Ўзбек вилояти, Ўзбеклар мамлакати, Ўзбек улуси деган номлар билан аталган. Халқимизнинг бу қатламини шартли равишда шимолий қатлам деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг этник шаклланиши узоқ давом этган мураккаб жараёндир. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сўғдийлар, бохтарлар, хоразмийлар, саклар, массагетлар, қанғиллар ва довонликлар, шошликлар ташкил қилган. Турли даврларда турли мақсадларда кириб келган қабилалар, элатлар ва уруғлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли ташқаридан келган аҳолига нисбатан доимо устунлик қилган. Шу боисдан ташқаридан келиб қўшилган элатлар антропологик нуқтаи назардан маҳаллий аҳолининг этник қиёфасини ва ташқи кўринишини тубдан ўзгартира олмаган, қадимий халқларимизга хос антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда.

**«Ўзбек» этнонимнинг келиб чиқиши** масаласида мутахассислар ўртасида ҳозирга қадар ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, баъзи тадқиқотчилар бу этнонимнинг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312-1341) номи билан боғлайдилар. Бошқалари эса бу фикрни инкор этиб, «Ўзбек» атамаси Ўзбекхонга қадар Оқ ўрда минтақасида, унинг Ғарбий Сибирь ва Қозоғистон қисмида яшаган туркий қавмларга нисбатан ишлатилган, Ўзбекхоннинг номи эса худди

Шайбонийхон «шайбон» уруғи номи билан аталгани сингари қавм номидан олинган, деган фикрни илгари сурадилар. Шунингдек, «ўзбек» атамаси «ўзига бек», «эркин», «мустақил» маъноларини англатиб, XII-XIV асрлардан эътиборан халқимизга нисбатан ишлатила бошлаган деган қарашлар ҳам мавжуд.

Нима бўлганда ҳам юқорида таъкидланганидек, “ўзбек” этнонимининг пайдо бўлган даври ўзбек халқи шаклланган даврга нисбатан анча ёш ҳисобланади. Шунга қадар халқимиз хоразмийлар, сўғдийлар, фарғоналиклар, бохтарлар, мовароуннаҳрликлар, чигатоийлар деган турли умумий номлар ҳамда уруғ-қабила номлари билан аталиб келган. Ўрта Осиёда яшовчи барча туркий элатларга нисбатан эса умумий “туркий” атамаси қўлланган. Минтақа халқлари ўзларининг замонавий номларига кейинчалик эга бўлганлар. Аммо бу бир пайтда юз бермаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий саклар, массагетлар, сўғдийлар, бохтарлар, хоразмийлар, қанғилилар, доволликлар, чочликлар ташкил этган. Турли тарихий даврларда четдан келиб қўшилган аҳоли туб аҳолига қисман таъсир ўтказган бўлсада, унинг этник қиёфасини тубдан ўзгартира олмаган.

**4.** Милоддан аввалги II асрда очилган ва тарихда Буюк Ипак йўли деб аталган йўлнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо йўли эмас эди. У айна пайтда, дунё халқлари ўртасида маданий ҳамда давлатлараро йўли ҳам бўлган. Буюк Ипак йўли ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоддан аввалги 138 йилга тўғри келади. Буюк Ипак йўли Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Бу ерда йўл иккига айрилган: биринчиси — Шимоли-ғарбий Буюк Ипак йўли — Турфон, Торим воҳаси, Қашқар, Фарғона орқали ўтиб, Самарқандгача келган. Бу ерда Буюк Ипак йўли яна иккига бўлиниб, бири Марв, Ниса (Туркманистоннинг жанубида жойлашган шаҳар, ҳозир фақат харобалари ўрганилмоқда), Ҳамадон, Бағдод ва Миср орқали Ўртаер денгизигача етиб борган. Иккинчиси Бухоро ва Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган: бири Оролнинг шарқидан Жанубий Ўрол орқали Сақлаб юртига (Россияга) ва Сабар (Сибирь) турклари юртига борган. Хоразмда давом этган иккинчи йўл Манғишлоқ, Ҳазар (Каспий) денгизи шарқи-шимоли орқали Кавказ, Итил (русчасига Волга), Булғория (Татаристоннинг эски номи), Қрим, Қора денгиз йўли билан Европага борган.

Жануби-ғарбий Буюк Ипак йўли — Хўтан, Ёркент, Помир-Тянь-Шань тизмалари орқали ўтиб, Бақтриянинг пойтахти Зариаспа (Балх)га борган. Балхда жанубий йўл иккига ажралиб, бири Ҳиндистонга, иккинчиси ғарбга йўналган ва Марвда шимолий йўл билан туташган. Марвдан Буюк Ипак йўли Парфиянинг пойтахти Ниса, Эроннинг Гекатомпил, Апалия ва Эқбатана (Ҳамадон) шаҳарлари орқали Месопотамияга чиқиб, у ердан Дамашқгача борган, Қуддус ва Мисрга йўналган.

Буюк Ипак йўли XV—XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлар даври бошлангандан сўнг ўз-ўзидан сўна бошлади, чунки туя ва отга суянган карвон Ғарбий Европанинг елканли кема ва каравеллалари билан тенглаша олмас эди. Аммо унинг инсоният тараққиётидаги ижобий роли шубҳасиздир. Шу жумладан, Буюк Ипак йўли Марказий Осиёнинг ва, биринчи навбатда, Ватанимиз Мовароуннахрнинг иқтисодий ва маданий кўтарилишида жиддий ўрин тутган.

Буюк Ипак йўли юртимиз тарихида ҳам катта из қолдирган. У дунё халқларига ўн етти аср давомида хизмат қилган. **Бугунги кунда** дунё давлатлари бугун ҳам ўзаро алоқаларда энг қисқа ва камхаражатли йўллари барпо этишига интиломқдалар. Бу борада Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Европа ва Осиёни бир-бирига боғловчи “Европа-Кавказ-Осиё” йўли (ТРАСЕКА) барпо этишга киришилди. Бу Буюк Ипак йўлини тиклаш борасида муҳим амалий қадам бўлади.

1998 йилда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро йиғилиш ўтказилди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва жаҳоннинг 32 давлати вакиллари қатнашди.

ТРАСЕКА келгусида биргина Ўзбекистонга қандай фойда келтиради? Мутахассислар фикрича, биргина Ўзбекистон пахтасини ташишга кетадиган харажат 12 миллион долларга камайди.

Ташқи савдо юк ташиш харажати икки баробар камайтириш имконини беради.

Демак, Буюк Ипак йўли учинчи минг йилликда ҳам дунё халқларига хизмат қилади. Тўғри, ҳозир бу йўл аввалгидек Буюк Ипак йўли деб эмас, ТРАСЕКА деб аталади. Гап унинг қандай ном билан аталишида эмас. Энг муҳими, бу йўлнинг халқаро тинчлик, ҳамкорлик ва давлатлар равақига хизмат қилишида.

**Этногенез ҳақида.** Тарих фанида халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник шаклланиши масаласи ўта муҳим ва долзарб масалалар сирасига киради. Чунки жаҳондаги кўплаб халқлар сингари ўзбек халқининг шаклланиши жараёнининг бошланиши ҳам қадим замонларга бориб тақалади ҳамда мураккаб ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнлар билан боғлиқ. Дунёда қадимдан мустақил элат сифатида шаклланган, бошқа элатлар билан мулоқотга киришмаган, ассимиляция жараёнларини бошдан кечирмаган бирорта ҳам элат, миллат ёки халқ мавжуд эмас. Шунингдек, айрим элатлар аввалдан маълум ном билан аталиб келган бўлсалар, баъзи халқлар замонавий номларига кейинчалик эга бўлганлар. Яъни халқнинг номи (“этноним”) ўзига нисбатан анча ёш бўлиши мумкинлигига тарихда мисоллар талайгина. Ўзбек халқи ҳам ана шундай миллатлар сирасига киради. Этногенез масалаларини таҳлил қилганда бу ҳолни албатта ёдда тутиш лозим.

Қадимги халқларнинг этник қиёфаси, уларнинг урф-одатлари ва маросимлари ҳақидаги маълумотларни юнон, хитой, рим, арман, араб, форс ва туркий тилларда ёзилган қадимги ҳам ўрта аср муаллифлари ва сайёҳлари асарларида учратиш мумкин. Улар ўз асарлари ва

саёҳатномаларида халқларнинг ташқи қиёфасидаги умумийлик, баъзи урф-одатларнинг яқинлиги ва тилларининг ўхшашлигини қайд қилганлар. Аммо бу жараёнларнинг асл сабабларини очиб бериш масаласини улар ўз олдларига мақсад қилиб қўймаганлар. Ўрта асрларда эса бу масалага у ёки бу халқ эмас, балки кўпроқ эътиқод нуқтаи назаридан ёндашилган ҳамда асосий эътибор халқларнинг қайси дин вакили эканлигига қаратилган, мусулмон халқларга ягона ислом миллати сифатида қаралган. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида бу борада олиб борилган тадқиқотлар нисбатан самарали бўлишига қарамадан бу тадқиқотлар ҳам халқларнинг этник келиб чиқиши, маданияти ва тилларидаги ўхшашлик сабаблари ва моҳиятини тўла очиб бера олмади. Моддий-ашёвий, лингвистик, этнографик ва ёзма манбаларнинг тўла ўрганилмаганлиги ҳамда этник тарих масаласининг кун тартибига ҳозиргидаги сингари қўйилмаганлиги бунинг асосий сабаби дейиш мумкин.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, халқларнинг этногенезини ўрганишда қуйидаги муҳим жиҳатларни эътиборда тутиш лозим:

- ҳар бир халқнинг келиб чиқиши тарихи кўп қиррали жараён бўлиб, у ўз ичига шу халқнинг маданияти ва ижтимоий тузилмаси, унинг биологик хусусиятлари, ўзининг жамиятда тутган ўрнини тушуниши, тили ва ўзлигини англаши жараёнлари ва хусусиятларини қамраб олади;

- этногенез масаласига бир томонлама қараб, уни соддалаштирмасдан, шу халқнинг келиб чиқиши тарихида маълум аҳамият касб этган барча таркибий қисмлар, ҳар бир ҳолат эътиборга олиниши лозим;

- этногенез мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, мазкур жараённи босқичма-босқич тиклаш мақсадга мувофиқдир. Шундагина айрим халқлар этногенезига оид муаммоларни илмий нуқтаи назардан тўғри ва ҳаққоний очиб бериш мумкин бўлади.

Этногенез жараёни турли халқларнинг аجدодлари тарихидан бошланади. Ўзбек халқининг аجدодлари тарихи жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Узоқ тарихий тараққиёт йўлида аجدодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар, қабилалар, халқлар ва эатларнинг ўзаро аралашиб, қоришиб кетиши, маданий анъаналарнинг уйғунлашиб янги асосларда тараққий топиши тарзида кечган.

Айрим этносларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгилардан бири бу уларнинг ўзига хос маданий хусусиятлардир. Бу хусусиятлар ҳар бир халқнинг тарихий-маданий ривожланиш жараёнида шаклланади ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади. Фанда бу жараён «**этник анъаналар**» ёхуд «этник ворислик» дейилади. Бундай анъаналар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши ҳамда у яшаётган табиий географик муҳит билан боғлиқ тарзда муайян тарихий даврларда шаклланади. Этносни қисқача қилиб ягона тил ва маданият жиҳатидан уюшган жамоа ёки этник жамоа дейиш мумкин. Фақат алоҳида халқлар эмас, балки уларнинг шаклланиш жараёнида иштирок этган қариндош гуруҳлар ҳам этник жамоа таркибига қиради.



Кишилик жамиятининг тарихий ривожланиши жараёнида қонқариндош жамоалар аста-секинлик билан уруғ жамоаларига айланиб борган. Уруғ - бирга яшаб, ҳамкорликда меҳнат қилган қариндошлар уюшмаси бўлиб, халқларнинг этник шаклланишида дастлабки муҳим босқичлардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Этногенез нима?
2. VI –VII асрларда Ўрта Осиёда содир бўлган этник жараёнлар ҳақида нималар биласиз?
3. IX – XII асрларда ўзбек халқининг этник шаклланишига туртки бўлган омиллар ҳақида гапириб беринг.
4. Ўзбек халқининг вужудга келиши жараёни ҳақида сўзлаб беринг.
5. Буюк ипак йўли Ватанимиз халқлари ҳаётида қандай ўрни тутган?
6. Амир Темур ва Темурийлар даврида Буюк ипак йўлининг шуҳрати нима сабабдан ортиб кетди?
7. Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида нималарни биласиз?

## **ЭТНОГЕНЕЗ**

**Этногенез** (этно... ва ...генез) - халқнинг келиб чиқиши. Тарих фанидаги мавжуд илмий методологик ишланмага кўра, Этногенез деб илгаридан мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос (элат)нинг вужудга келишига айтилади. « Этногенез » тушунчаси фанга илк мартаба 20-асрнинг 20-йилларида Н.Я.Марр томонидан киритилган.

**қалъа** – мудофаа мақсадида қурилган, стратегик жиҳатдан қулай ва мустаҳкам таянч пункти.

### **4- мавзу: Илк ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.**

#### **Режа:**

1. *Кидарийлар, хионийлар, эфталийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.*
2. *Турк хоқонлиги. VI-VIII асрларда этник-маданий жараёнлар.*
3. *Араб халифалиги даврида Ўрта Осиё. Ислом динининг ёйилиши.*

1. Милодий IV-VI асрлар Ўрта Осиё тарихида кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши ҳамда янги сиёсий уюшмаларнинг юзага келиши билан изоҳланади. Аммо шуни эътиборда тутиш лозимки, ўрганилаётган даврда Ўрта Осиёга келиб жойлашган қавмлар Амударё ва Сирдарё ҳудудларида ҳаёт кечириб келаётган чорвадор халқларга маданий ва тил жиҳатидан анча яқин элатлар эдилар.

Шундай элатлардан бири *кидарийлар* бўлиб, улар ҳақидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солномасида ҳамда ғарб

муаллифларидан Приск Панийский асарларида учрайди. Ушбу маълумотларнинг таҳлили кидарийлар сулоласининг асосчиси, дастлабки ҳукмдор Цидоло ёки Кидара IV асрда ҳумронлик қилганлигини кўрсатади. Аммо бу маълумотлар тўлиқ эмас. Баъзи манбаларда Кидара Кушонлар давлатининг сўнгги ҳукмдори сифатида тилга олинади. Ушбу маълумотлардан кидарийлар кушонларнинг бевосита давомчилари бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам тангаларини ўрганган олимлар фикрича, кидарийлар Тохаристон ва Гандхарани 412-437 йиллар оралиғида ўз қўллари остида бирлаштирганлар.

Кидарийлар ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда чекланган. Уларда кидарийларнинг 456 йили Ҳиндистонга бориб Гупта давлатини босиб олганликлари, у ерда 75 йил ҳукмронлик қилганликлари, 477 йили Гандхарадан Хитойга элчилар юборганликлари маълум, холос, кенгрок маълумотлар ҳозирча мавжуд эмас.

IV аср ўрталарида ўлкамизга шимолдан кўчманчи *хионийлар*нинг ҳужуми бошланади. Уларга тадбиркор ҳукмдор Грумбат бошчилик қилган. Хионийлар 353 йили Сўғдга юриш қиладилар ва уни босиб оладилар. Шу тариқа Ўрта Осиёда Хионийлар давлати ташкил топади.

IV асрнинг 60-70-йилларига келиб хионийларнинг форслар билан муносабатлари бузилади. Эрон шоҳи Шопур II хионийларга қарши курашиб, икки маротаба енгилди. Маълумотлар етарли бўлмасда, мутахассислар хионийлар кидарийлар билан иттифокда бўлганлигини тахмин қиладилар. Бунда улар шу даврда Сирдарё ва Амударё оралиғидаги ерлар хионийлар таъсири остида бўлганлиги ҳамда баъзи манбаларда хионийлар кидарийлар билан ёнма-ён тилга олиншига асосландилар.

*Эфталийлар* ҳақидаги маълумотлар Рим, Византия, Сурия, Арман, Хитой ва Форс манбаларида ҳамда Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида учрайди. Эфталийларнинг келиб чиқиши ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотчилар эфталийларни Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида яшовчи қадимги маҳаллий элатлардан, бошқалари эса уларни Орол олди ва Хоразмдан келиб чиққанлигини қайд қиладилар. Манбалардан бирида (Лазер Парбский, V аср) эфталийлар етти хонадондан иборат массагетларнинг етакчи уруғларидан бири сифатида баён қилинади.

Хитой манбаларида эфталийлар юечжиларнинг бошқа бир шохобчаси, яъни гаогюй қабиласининг тармоғи, ёхуд Қангюй авлодлари сифатида талқин қилинади. Ўзларини алхонлар деб атаган эфталийлар Бактрия-Тохаристон ерларида яшаган азалий бохтар қавмидан чиққан этник гуруҳ эканлигини қайд қилувчи фикрлар ҳам мавжуд. Замонавий тадқиқотлар эфталийларнинг ҳақиқий ватани Бактрия-Тохаристонга мувофиқ келишини кўрсатмоқда.

Манбаларда ёзилишича, эфталийлар ягона ҳукмдор измига итоат этувчи, батартиб халқ бўлиб, фуқаролар орасида ва қўшни давлатлар билан муносабатларда улар учун адолат асосий мезон ҳисобланган.

Эфталийлар қудратли ва улкан давлат барпо этдилар. Унинг ҳудудлари Кушон давлати ҳудудларидан ҳам катта эди. Унинг ҳудудига Ўрта Осиёнинг

асосий қисми, Шарқий Туркистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг ярми Гандхара билан биргаликда таркибига кирган. Эфталийлар Эрон сосонийларининг ҳарбий қудратини синдира олдилар. Сосонийларнинг шарққа юришлари эфталийларнинг қаршилиги туфайли тўхтади. Улар Эрон шоҳларининг ички сиёсатига ҳам аралашиб, ҳатто кимни тахтга ўтқазиб масаласини ҳал қилиш уларнинг қўлида бўлган. Эрон давлати ҳар йили эфталийларга катта миқдорда ўлпон тўлаб турган.

Эфталийлар манбаларда дастлаб 453-454 ва 457 йиллар воқеалари билан боғлиқ тарзда тилга олинади. Уларда келтирилишича, эфталийлар уларга ҳужум қилган **Яздигерд II** кўшинини тор-мор келтириб, Эроннинг ичкарасига ҳам талон-тарож юришларини амалга оширганлар. Мазкур воқеалар 453-454 йилларда содир бўлганлиги қайд қилинади. Шунингдек, 457 йилда **эфталийлар ҳукмдори Вахшунвар** Чағониён, Тохаристон ва Бадахшонни ўзига бўйсундирган. 456 йилда эфталийлардан Хитойга дастлабки элчилар келган.

**459 йили Эрон тахтига ўтирган Перўзнинг ҳокимиятга келиши манбаларда эфталийлар билан боғлиқ равишда баён қилинади. Дастлаб эфталийлар ёрдамида ҳокимиятга келган Перўз кейинчалик уларнинг ғанимига айланади ҳамда 459-484 йилларда эфталийларга қарши уч марта юриш қилади ва ҳар гал мағлубиятга учрайди. Мазкур мағлубиятлар натижасида Хуросон ҳудуди тўлалигича эфталийлар тасарруфига ўтади.**

Эфталийлар жамияти ижтимоий-иқтисодий тузумининг таҳлили бу даврда аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан машғул бўлиб, қолган қисми эса кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Эфталийларнинг кўпчилиги маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқ турмуш тарзига ўтган ҳамда шаҳар ҳаётини ўзлаштирганлар. Кўчманчи турмуш тарзини афзал кўрганлари эса кигиз ўтовларда яшаб, кенг ва серсув яйловларга эга бўлишган. Шу боисдан улар манбаларда *гоҳ чорвадорлар, гоҳ шаҳарликлар* сифатида тилга олинади.

Эфталийлар давлатида аҳоли турли динларга эътиқод қилган. Мамлакат ҳудудларида зардуштийлик ва буддавийлик динлари кенг ёйилган. Шунингдек, шаҳарларда несторианлар (насонийликнинг илк кўриниши) ва ибронийлар (яхудийлар) жамоалари ҳам мавжуд бўлган.

**Эфталийлар даврида хунармандчиликнинг қулолчилик, шишасозлик, чилангарчилик, бўзчилик, заргарлик, қуролсозлик каби соҳалари раванқ топган. Бу даврда шаҳарлар сони ортиб, биргина Зарафшон воҳасида ўнга яқин савдо хунармандчилик шаҳарлари мавжуд бўлган. Шунингдек, бу даврда рангли ойналар ишлаб чиқариш ҳам кенг ёйилган. Эфталийлар Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой сингари қудратли ва бой мамлакатлар билан халқаро савдо муносабатларини кенг йўлга қўйганлар.**

2. V асрнинг 2-ярми — VI асрнинг 1-ярмида Олтой ва Жанубий Сибирда Ашина қабиласининг ябғулари Асаншод, Туу ва Буминлар бошчилигида туркий қабилаларнинг иттифоқи вужудга келади. Қадимги турк манбаларида бу иттифоқ «турк», «туркэл», «туркют» ва «турк будун» каби

номлар билан тилга олинган. Хитойликлар Ашина қарамоғидаги одамларни «*тукю*» деб атайдилар. «Турк» сўзининг луғавий маъноси «кучли, чидамли» демакдир. V асрда Ашина теварагига тўпланган ўрда аскарлари «турк» номи билан аталган бўлсалар, VI-VII асрларда фақат турк тилида сўзлашадиган аҳоли шу ном билан аталарди.

VI аср ўрталарида Бумин бошлиқ турк иттифоқи теле қабиласини ўзига бўйсундиргач, Марказий Осиёдаги энг кучли Жужан хоқонлигига қақшатқич зарба беради. 551 йилда Бумин «хоқон», яъни ҳукмдор унвонига муяссар бўлиб, Турк хоқонлигига асос солади. Олтой хоқонлигининг маркази бўлиб қолди.

Ҳукмронликни мустақамлаб олгач, Бумин ва унинг укаси *Истоми* хоқонлик чегараларини кенгайтиришга киришади.

Қисқа вақт ичида Енисей дарёси бўйларида яшовчи қирғизлар ва шу атрофдаги бошқа халқлар жануби-ғарбий Манжуриянинг мўғул қабилалари—киданлар бўйсундирилади. Шимолий Хитой вилоятлари босиб олиниб, Хитой императори турклар билан сулҳ тузишга, кейинчалик эса ҳатто йилига 100 минг тўп ипак мато ҳисобида хоқонликка ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлади.

555 йилдаёқ турклар Шарқий Туркистоннинг обод деҳқончилик вилоятларининг каттагина қисмини ва бой ҳунармандчилик шаҳарларини ҳамда Сирдарё ва Орол денгизи бўйларигача чўзилган кенг дашт минтақасини бутунлай эгаллаб олади, хоқонлик ҳукмронлиги Хоразмга ҳам ёйилиб, унинг чегараси Эфталлийлар давлати ерларига бориб туташади.

Шундай қилиб, VI асрнинг 70—80 йилларида Енисейнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манжуриядан то Киммерий Босфоригача чўзилган улкан майдонда аҳолиси аксари кўчманчи чорвадор қабилалардан иборат Турк хоқонлиги ташкил топди.

Турк хоқонлиги чинакам марказлашган давлат эмас эди. Унинг асоси туркий қабилаларнинг иттифоқидан иборат бўлган. Бу иттифокни хоқон бошқарар эди. Ҳукмдорнинг ҳокимияти уруғ-аймоқ удумларига таянган ғарбий-маъмурий бошқарувга асосланган.

Мамлакат аҳолиси кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқонлардан иборат эди. Кўчманчи чорвадор аҳоли будун ёки қора будун (қора халқ) деб аталарди.

VI аср охирларида бошланган ўзаро қабилавий урушлар ва сулолавий курашлар оқибатида Турк хоқонлиги 603 йилда икки мустақил давлатга ажралиб кетади. Улардан бири Мўғулистонда ташкил топган Шарқий турк хоқонлиги, иккинчиси эса, Ўрта Осиё, Жунғария ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз тасарруфига олган Ғарбий турк хоқонлиги эди. Ғарбий хоқонлигининг маркази Еттисув эди.

VII асрнинг 1-чорагида Ғарбий хоқонлик ниҳоятда кучаяди. Унинг шарқий чегараси Олтойга, жанубда эса Ҳинд дарёси бўйларига бориб тақалади. Хоқон Тун ябғу ҳукмронлик қилган йилларда бошқарув тартиблари ислоҳ этилади. Ўтроқ аҳоли вилоят ҳокимларини хоқонлик маъмурияти билан бевосита боғлаш ва улар устидан назоратни кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга хоқонлигининг ябғу унвони берилиб, улар хоқоннинг ноибига айланадилар. Натижада Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Тохаристоннинг

деярли мустақил ҳокимликлари устидан сиёсий назорат кучайтирилиб, улар ҳузурига ҳоконликнинг вакиллари — тудунлар юборилади. Тудунлар вилоятларда божу ясоқларни жамғариш устидан назорат қилар ва уларни ҳокон қароргоҳига жўнатиш билан шуғулланарди.

Бироқ ҳоконликнинг ҳарбий-маъмурий таянчи ҳисобланган дулу ва нушиби каби қабила уюшмалари зодагонлари ўртасида ҳокимият учун тобора кучайиб борган кураш оқибатида Ғарбий турк ҳоконлиги заифлашиб, бўлиниб кетади. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси қўшинлари 657—659 йилларда Еттисувга бостириб киради. Натижада ҳоконлик хитойларга қарам бўлиб қолади. Ғарбий туркларнинг уларга қарши муттасил кураши натижасида VII аср охирига келиб ҳоконлик мустақилликни тиклаб олади. Чочдан то Бешбалиқ ва Турфонгача бўлган вилоятларда дулу қабила иттифоқидаги туркашлар ҳукмронлиги ўрнатилади. Янгитдан тикланган бу турклар давлати тарихда Туркашлар ҳоконлиги номи билан юритилади. Кейинчалик Туркашлар ҳоконлиги Шарқда ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида Тан империясининг босқинларини даф этиб, Хитой қўшинларини Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ерларига бостириб киришларига йўл қўймайди. Ғарбда эса Мовароуннаҳрга жадал босиб келаётган янги ғаним — Араб халифалиги лашкарларига қарши Бухоро, Суғд ва Чоч аҳолиси билан бир сафда туриб шиддатли жангларда қатнашади.

3. Амударёдан шимолда жойлашган ерларни араблар «Мовароуннаҳр», яъни «дарёнинг нариги томони» деб атадилар. Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ҳамда ҳозирги Жанубий Туркманистоннинг Амударёгача бўлган ерлари Хуросон деб юритилар, унинг маркази Марв шаҳри эди. Бу вилоятни бошқариш учун халифалик томонидан махсус волий тайинланарди, унинг қароргоҳи Марвда бўлган. Мовароуннаҳрга қаратилган ҳужумлар Хуросон волийси томонидан уюштирилар эди.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юришлари ўз мақсад ва режалари билан икки даврга бўлинади. Дастлаб халифалик босиб олишни эмас, балки маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳарбий қудратини синаб кўриш режасини амалга оширди. Араблар ўз ҳарбий мавқеларини кучайтириш мақсадида Басра ва Куфадан 50 минг араб оиласини Хуросон вилоятига кўчириб ўрнаштирдилар. Арабларнинг Мовароуннаҳрга илк бор ҳужумлари 654 йилда Маймуғ ва 667 йилда Чағониёндан бошланди.

Хуросон волийлари VIII аср бошларигача Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларига ҳужум қилиб, кўпгина жойларни талаб Марвга қайтиб турган. Натижада Мовароуннаҳрнинг бир қанча вилоятлари таланиб, хонавайрон этилган тортади. Бир ойдан ортиқ давом этган Араблар юришларига қарши курашиш мақсадида Мовароуннаҳрнинг маҳаллий ҳукмдорлари ўртасида ҳарбий иттифоқ тузиш учун уринишлар бўлган, лекин сиёсий тарқоқлик натижасида бу уринишлар самара бермаган. Араб лашкарбошилари эса бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган.

VII аср охирларида бутун халифаликни қамраб олган чуқур ички зиддиятлар ва синфий қарама-қаршиликлар бартараф этилиб, мамлакатда тартиб ўрнатилгач, араблар Мовароуннаҳрни узил-кесил босиб олишга киришдилар. 705 йилда *Қутайба ибн Муслим* Хуросонга волий қилиб

тайинланди. Унга Мовароуннахрдан то Хитой чегараларигача бўлган вилоятларни халифаликка бўйсундиришдек жиддий вазифа юкланди. Қутайба 705—715 йилларда бу вазифани уддалаган.

Мовароуннахр бутунлай босиб олингач, бу ўлкада халифалик ҳукмронлиги мустаҳкамланди. Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва йирик қишлоқларига ҳарбий қисмлар жойлаштирилди. Истилочилар Мовароуннахрда ўзларининг солиқ тартибини жорий этдилар. Экин ерларидан 0,20-0,25 ҳисса миқдорда хирож, чорва, хунармандчилик ва савдо-сотикдан қирқдан бир ҳиссасида закот ҳамда исломни қабул қилмаган мажусийлардан жизя каби жонбоши солиғи олинадиган бўлди.

Араблар Мовароуннахрда ўрнатилган сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ислом дини тарғиботини ерли аҳоли ўртасида бутун чоралар билан кучайтирдилар. Улар ерли аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, насроний, моний, буддавий ва қавм динларни хурофий сохта динлар деб эълон қилди. Айниқса Мовароуннахр аҳолисининг асосий дини ҳисобланган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Ибодатхоналар ўрнига жоме масжидлар бино қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон ҳуқуқи жорий этила бошлади.

Араб халифалигининг маҳаллий халқ манфаати ва тартиботига қарши сиёсати халқ орасида норозиликни кучайтириб кўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлди. Биринчи бўлиб, 720 йилда Суғд аҳолиси кўзғалди. Кўзғолонга Самарқанд ихшиди Ғурак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилик қилдилар.

723 йилда арабларга қарши Фарғона ҳокими лашкар тортади. Унга Чоч, Насафдан ва Ғарбий Турк хоқонлигидан ёрдамга борадилар. Иттифоқчилар душманга қаттиқ зарба бериб, уни Хўжанддан то Самарқандгача таъқиб қиладилар. Халифаликнинг солиқ сиёсатиға қарши 725 йилда Хутталонда, 728 йилда эса яна Суғдда кўзғолон кўтарилади.

VIII асрнинг 1-ярмида Мовароуннахрда халифаликка қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари араб истилочиларига қарши курашнинг биринчи босқичи эди. Кўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, уларнинг олдиға кўйган мақсад ва талаблари ҳам турлича бўлган. Мовароуннахр халифаликдаги энг нотинч ва исёнкор ўлкалардан бири бўлиб қолаверди.

Бу даврда Мовароуннахр ва Хуросонда содир бўлган мураккаб сиёсий вазиятнинг тадрижий ривожига ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар мамлакат аҳолисининг маданий ҳаётиға ҳам кучли таъсир этади.

Мовароуннахрда араб тилининг давлат ва фан тили сифатида жорий этилиши билан уни ўзлаштиришға бўлган интилиш ҳам ортди. Айниқса, маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб, уни мустаҳкамлашнинг гарови деб билдилар. Уни ўзлаштиришға астойдил киришдилар.

Натижада кўп вақт ўтмай Мовароуннахрда араб тили ва ёзувини ўз она тилидек ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлади. Араблар орасида бу пайтда жойларда ҳокимиятни бошқаришға яроқли билимдон маъмурлар жуда

оз бўлган. Чегаралари тобора кенгайиб бораётган Аббосийлар халифалиги учун икки тилни билувчилар жуда зарур эди. Дастлабки маълумотларини ўз она ватанлари Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросондаги мадрасаларда олган ўрта осиелик олимлар халифаликнинг марказий шаҳарлари бўлмиш Бағдод, Дамашк, Қоҳира, Куфа ва Басрага бориб билимларини оширдилар ва асарларини ўша даврда илм тилига айлантирилган араб тилида ёзишга мажбур бўлдилар.

Халифалик пойтахти Бағдод шаҳри Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази эди. VIII аср охирида Бағдодда «*Байт ул-Ҳикмат*» («Донишмандлар уйи») — ислом Шарқининг Фанлар академияси ташкил этилиб, унда катта кутубхона ҳамда расадхона мавжуд эди.

VIII-IX асрларда илмий тадқиқотлар билан бирга қадимги юнон, сурия, форс ва ҳинд олимларининг илмий ва адабий мероси ўрганилди ва араб тилига таржима қилинди.

#### **4-мавзу. Илк ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.**

1. Ўрта Осиёда кидарийлар давлати қандай ташкил топди?
2. Хионийлар ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
3. Эфталитар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида нималар биласиз?
4. Эфталитар давлатида савдо алоқалари қандай амалга оширилган?
5. Эфталитар давлатида маданий ҳаёт қандай бўлган?
6. Турк хоқонлигининг ташкил топиши шарт-шароитлари ҳақида гапириб беринг.
7. Турк хоқонлигида давлат бошқаруви масалалари қандай эди?
8. Ғарбий турк хоқонлигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қандай кечган?
9. Ўрта Осиёда илк ўрта аср шаҳарларининг шаклланиш жараёни ҳақида гапириб беринг.
10. Илк ўрта асрларда аҳоли қандай табақаларга бўлинган?
11. Илк ўрта асрларда маданий ҳаёт ҳақида гапириб беринг.
12. Ўрта Осиё Араб халифалиги томонидан қандай забт этилди?
13. Араб халифалиги истилосининг иқтисодий ва маънавий оқибатлари ҳақида гапириб беринг.
14. Нима учун Араб халифалигига қарши халқ ҳаракатлари бошланди?
15. Абумуслим кўзғолонининг натижалари қандай бўлди?
16. Аббосийлар ҳукмронлигини ўрнатилиши ҳақида нималар биласиз?
17. “Оқ кийимлилар” кўзғолонининг оқибатлари ҳақида сўзлаб беринг.

#### ***Таянч тушунчалар:***

**Аббосийлар** – араб халифалари сулоласи бўлиб (749-1258 йй.), бу сулолага Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиваччаси Абу-ул Аббос ас-Саффоҳ (749-754 йй.) асос солган. Аббосийлар сулоласи беш аср, яъни 749 йилдан 1258 йилгача ҳукм сурган. Аббосийлардан 38 киши халифа бўлган.

**ажам** – араблар ўзлари босиб олган худудлардаги бошқа халқларни, жумладан, Яқин, Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларини шундай атаганлар.

**амир ал-мўъминин** – мўминларнинг ҳукмдори. Илк ислом даврида халифаларнинг кенг қўлланилган унвони. Бу унвонни дастлаб халифа Умар олган. Кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан юритилган.

**амир ул-умаро** – ҳарбий ишларни бошқарган

**бантак** – кул

**бий** – уруғ ва қабила оқсоқоли

**бухорхудот** – Бухоро маҳаллий ҳукмдорлари, йирик ер соҳиблари

**вазир ул-вузаро** – улуғ вазир

**вақф** – масжид, мадраса ва муқаддас жойлар учун ажратилган мулк бўлиб, улар солиқдан озод этилган.

**вағн** – ибодатхона

**вағнпат** – коҳин, ибодатхона руҳонийси

**вағнзе** – ибодатхона тасарруфидаги ер ва мулклар.

**гувокор** – савдогар

**девон ад-дар** – кенгаш, у ўз навбатида учга бўлинган.

**доя** – чўри

**деҳқон** – “қишлоқ ҳокими”, заминдор

**жизя** – жон солиғи; ғайридинлардан олинадиган жонбош солиғи;

**ихшид** – вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари

**икта** – давлат ерлари халифа томонидан ҳарбий йўлбошчилар ва амалдорларга умр бўйи ёки меросийлик тариқасида берилган.

**кадивар** – йирик заминдорга муте қишлоқ аҳолиси

**кашоварз** – зироаткор

**корикор** – хизматкор

**кўшк** – истехкомли баланд кўрғон

**мулк** – хусусий ер эгаларига қаршли ерлар

**муфатих** – вақф ишларини амалга оширувчи шахс

**наф** – илк ўрта асрларда Суғдда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси шундай номланган.

**озод** – мулкдор

**озодкор** – шаҳар хунарманди

**тудун** – турк хоқонлигининг вилоят ҳокимликларидаги вакили

**Уммавийлар** – араб халифалари сулоласи (661-750 йй.). Асосчиси маккалик йирик савдогар ва курайшийлар зодағони Абу Сўфённинг ўғли Муовиядир. Муовия халифа Али ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган.

**ушр** – мусулмон мамлакатларида натура шаклида ундирилган солиқ. Ушр солиғи ҳар йили деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари ва бошқалардан олинган.

**хирож** – ер солиғи; Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солиғи. Хирож Ўрта Осиёда VII асрда араблар томонидан жорий қилинган; ҳосилнинг 20-25% ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи;

**хоқон** – ҳукмдор, подшо

**хутба** – жума ва улуғ айём кунлари масжидда имом хатиб томонидан айтиладиган ояту ҳадислар, панд-насиҳатлар. Шунингдек, ўрта асрларда халифа ва маҳаллий ҳукмдор номини тилга олиб имом томонидан ўқиладиган дуо ҳам хутба дейилган.



**Чағониён** – Ўрта асрларда Мовароуннахрдаги қадимий вилоят. Уни ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳамда қисман Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлган.

**шайх ул-ислом** – энг юқори поғонада турувчи ҳуқуқшунос шахс

**шод** – Турк хоқонлигидаги туман – ўн минглик лашкар бошлиғи

**ябғу, жабғу** – эл-юрт ҳокими, маҳаллий ҳоким

**ўрда** – 1. Туркий ва мўғул халқларида ҳарбий-маъмурий ташкилот, манзилгоҳ. Ўрта асрларда олий ҳукмдорлар қароргоҳи, пойтахти; 2. Подшоҳ, хон ёки бирор олий мартабали шахснинг ҳарами.

**қаср** – сарой

**Қуръони Карим** – мусулмонларнинг муқаддас китоби

**қўрғон, қўрғонча** – атрофи баланд пахса девор билан ўралган дарвозали турар жой

**ғазавот** – дин учун кураш. Исломда ғайридинларга қарши мусулмонларнинг муқаддас уруши.

**Ҳадиси Шариф** – Муҳаммад пайғамбарнинг насихатлари, кўрсатмалари ва фаолияти билан боғлиқ ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар.

## **5-мавзу: IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги: сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт**

### **Р е ж а :**

- 1. IX-XII аср бошларида Тоҳирий, Саффорий ва Сомонийлар давлатлари. Уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти.*
- 2. Қорахонийлар, Ғазнавийлар давлатларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти.*
- 3. Хоразмшоҳ сулоласининг ўрнатилиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.*

**1.** Араб халифалиги ҳудудида маҳаллий халқнинг ҳукмрон маъмурлар зулмига қарши кўзғолонлари авж олгач, халифалик ўзларига содиқ маҳаллий зодагонларни тобеъ ерларни бошқаришга жалб қила бошладилар. Шу муносабат билан Хуросондаги тоҳирийлар хонадони кучаяди. Сейистон ҳокими Абумуҳаммад Талха ибн Абдуллоҳ қўлида мазкур хонадон бошлиғи Розик хизмат қилган. Унинг Мусъаб, Хусайн ва Тоҳир деган фарзандлари Ҳирот вилоятидаги Бушанж шаҳрини бошқаришган.

Маълумки, Хорун ар-Рашид (786-809 йй.) вафотидан кейин унинг ўрнига катта ўғли Амин халифа бўлди. Хуросон ноиб бўлиб турган унинг кичик ўғли Абдулла (кейин Маъмун лақабини олган) ҳокимият учун курашда Тоҳир ёрдамидан фойдаланади. Тоҳир қўмондонлигидаги қўшинлар Амин лашкарларини тор-мор келтиради. 813 йили Маъмун Бағдодни эгаллагач, Тоҳирни сипоҳсолор этиб тайинлайди. 821 йилда эса Тоҳир Хуросон вилоятига ноиб бўлади. 822 йили Тоҳир ўлдирилгач, унинг ўғли Талха (822-828 йй.) ҳоким бўлади. Ундан кейин Тоҳирнинг иккинчи ўғли Абдуллоҳ (828-844 йй.) тахтга ўтирди. 833 йилда Маъмун вафот этгач, Абдулла ўзини халифаликдан мустақил деб эълон қилди. Давлат пойтахти Марв (кейин Нишопур) бўлди. Тоҳирийлар давлатига Табаристон, Журжон, Рай, Кирмон, Хуросон, Сейистон, Мовароуннахрнинг жанубий қисми кирган. Халифа Маъмунга хизматлари эвазига мулкка эга бўлган Сомонхудоғнинг набиралари Нух (Самарқанд), Аҳмад (Фарғона), Яхё (Чоч ва Истаравшан), Илёс (Ҳирот)лар номига бўлса ҳам, тоҳирийларга қарам эди.

IX аср ўрталарида аҳолининг қуйи табақасидан бўлган саффорийлар мавқеи кучаяди. Яъқуб ибн Лайс ва унинг Амир, Тоҳир ва Али деган инилари 861 йилда Сейистонни, 867 йили Ҳирот ва Бушанжни, 869 йилда Кирмон ва Форсни қўлга киритадилар. 871 йилда халифа Муътамад (870-892 йй.) Яъқубни Балх ва Тохаристон ҳокими этиб тайинлаш ҳақида ёрлиқ жўнатади. 873 йилда Яъқуб тоҳирийлар ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳирнинг қўшинларини тор-мор келтириб, тоҳирийлар давлатига барҳам беради, янги *Саффорийлар давлати* ташкил топади. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришдан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлди.

**Сомонийлар давлатига** Сомон қишлоғи (Балх яқинида, баъзи манбаларда Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудоғнинг авлодлари асос солган. Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош (Тошкент) ва Уструшона вилоятларида Сомонийлар хонадонининг вакиллари ноиб эди.

Халифа Маъмунга бўлган садоқатлари эвазига 819-820 йилларда Сомонхудоғнинг набиралари Нух Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Яҳё Чоч ва Истаравшанга, Илёс Ҳиротга ҳоким этиб тайинландилар.

839-840 йилларда Нух ибн Асад Исфижоб вилоятини босиб олди ва уни мустаҳкамлади. У Сўғднинг бир қисми ва Фарғонага ҳоким бўлиб олди. Лекин Сомонийлар давлатини буёд этишда Аҳмаднинг ҳиссаси кўпроқ бўлди. Унинг Наср, Яъқуб, Яҳё, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳомид исмли ўғиллари бор эди. Нух ибн Асад 842 йили вафот этгач, Самарқандни укалари Аҳмад ва Яҳё бошқарди; кейин ҳокимлик Наср (865-892 йй.) қўлига ўтди. 856 йилда Яҳё ибн Асад вафот этгач, Чоч ва Истаравшан Аҳмаднинг иккинчи ўғли Яъқубга насиб этди. Бухорода тоҳирийлар мавқеи суст эди. 874 йилда Ҳусайн ибн Тоҳир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари илтимоси билан наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмад (849-892 йй.)ни ҳоким қилиб жўнатади.

Наср Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга киришди. 875 йилда у Шовгар (Туркистон яқинида)ни қўлга киритди. Халифа Муътамаддан Мовароуннаҳрни бошқариш учун ёрлиқ олишга муваффақ бўлди. Бу пайтда Бухорода кучайиб кетган Исмоил акасига тобеъ бўлишни истамади. 888 йили икки ўртадаги жангда Наср енгилди. 892 йилда Наср вафот этгач, Исмоил Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди (892-907 йй.). 893 йилда у Тарозни, сўнг Истаравшанни қўлга киритди.

Мустаҳкамланиб бораётган Сомонийлар давлатини заифлаштириш мақсадида Араб халифаси 898 йилда Мовароуннаҳр ҳокимлигидан Исмоилни тушириб, ўрнига саффорийлар сулоласидан Амир ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлиқ жўнатади. 899-900 йиллардаги ҳарбий тўқнашувларда Исмоил Амир ибн Лайс бошлиқ саффорийлар қўшинларини тор-мор келтирди. Халифа Исмоил ибн Аҳмадни ҳоким сифатида тан олишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Хоразм, Исфижоб, Чағониён ва Хутталондан ташқари (уларнинг ҳокимлари сомонийларга тобе эдилар) улкан ҳудуд (Мовароуннаҳр ва Хуросон) сомонийлар томонидан бўйсундирилган эди. Улар бу ерда 100 йилча ҳукмронлик қилдилар.

Юртга аввал Нух, сўнгра Аҳмад бошчилик қилади. Улар ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этадилар. Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср I (865-892 йилда Самарқанд ҳокими; 875 йилдан Мовароуннаҳр амири) Самарқандни

марказга айлантиради. Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чағонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннахрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши билан мустақил бўлиш учун қулай шароит пайдо бўлади. Чунки саффорийлар Мовароуннахрга ҳукмронлик қилишни уддасидан чиқа олмадилар. Бухоро зодагонларининг илтимосига биноан, Самарқанд ҳукмдори Наср ибн Аҳмад Бухорога ноиб қилиб укаси Исмоилни (874) юборади. Шундай қилиб, IX асрнинг охириги чорагида Мовароуннахр Сомонийлар тасарруфига ўтган.

Сомонийларнинг тобора кучайиб бориши Араб халифалигини хавотирга солган. Шу боисдан халифа Саффорийлар билан Сомонийларни тўқнаштириб, Хуросон ва Мовароуннахрда ўз таъсирини қайта тиклашга ҳаракат қилади. Натижада 900 йилда улар ўртасида бошланиб кетган уруш Исмоилнинг ғалабаси билан тугайди. Бутун Хуросон Сомонийлар қўл остита ўгади. Халифа Исмоилга ҳукмдорлик ёрлиғини юборишга мажбур бўлади.

Сомонийлар ўз тасарруфидаги улкан мамлакатни бошқаришда даставвал ихчам давлат маъмуриятини ташкил этдилар. Маъмурият подшо саройи ва девонлар (марказий ҳокимият)дан иборат эди. Наршахийнинг маълумоти бўйича, Сомонийлар ҳокимияти, асосан, ўнта девон бошқарувида идора этиларди. Улар орасида вазир девони бош бошқарув маҳкамаси бўлиб, давлатнинг маъмурий, сиёсий ва хўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб туриларди. Барча девон бошликлари вазирга тобе эди.

Наср II ибн Аҳмад (914—943) даврида Бухоронинг Регистон майдонида 943 йил Дор ул-мулк саройи (вазирлар маҳкамаси) ва унинг қаршисида девонлар учун махсус сарой қурилган. Маҳкама хизматчилари араб ва форс тилларини пухта эгаллаган, Қуръон тафсири ва шариатнинг асосий қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан етарлича хабардор бўлган саводли аслзодалардан танлаб олинган. Вилоят девонлари маҳаллий ҳокимга, айни вақтда марказий маҳкаманинг тегишли девонига бўйсунарди. Вилоят ҳокимлари баъзан вазир деб юритиларди. Улар сулолавий хонадонга тегишли амирзодалар ёки собиқ маҳаллий ҳукмдорлар ҳамда зодагон деҳқонлардан тайин этиларди. Мовароуннахрда ислом руҳонийларининг обрўси ошиб, пойтахт Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳарларда кўплаб ибодатхоналар, жумладан жоме масжид, хонақоҳ (ғарибхона)лар бино қилинди. Худди шу даврда мусулмон Шарқидаги илк мадрасалардан бири (Форжак) Бухоро шаҳрида қад кўтарди. Масжид, Мадраса ва хонақоҳлар қуриш учун махсус жойлар ва уларнинг сарфу харажати учун катта-катта мулклар ажратилиб берилади. Натижада диний муассасалар тасарруфидаги ер-мулклар тобора кўпайиб, янги турдаги хўжалик — *вақф* таркиб топади. Шу тарика масжид ва мадрасалар тасарруфида катта-катта ер ва мулклар тўплана борди.

Сомонийлар мамлакатни ташқи ва ички душман хуружларидан муҳофаза қилишга катта эътибор берадилар. Сомонийлар давридаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий кўтарилиш маданий ҳаётнинг равнақига имкон берди. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Гурганж, Марв ва Нишопур каби шаҳарлар илмий ва маданий марказ сифатида тараққий қила бошлайди. Бу даврда қишлоқ аҳолисининг аксарияти суғдий, туркий ёки хоразмийча сўзлашса-да, марказий шаҳарларда форсий-дарий адабий тили вужудга келади. Бу тил давлат тили сифатида қабул қилинади. Форсий-дарийда назм, наср ва илмий асарлар ёзила бошлайди. IX-X асрларда, айниқса, Бухоро шаҳри ма-

даний жиҳатдан юксалади. Пойтахтда амир саройида турли соҳаларга оид кўлёзма китоблар сақланадиган каттагина кутубхона барпо этилади.

2. X асрнинг 1-ярмида Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи кўчманчи турк қабилалари (қарлуқ, чигил ва яғмо)нинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлди. Уларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши тезлашди. Бундай ўзгаришларда Еттисув ва Қашқар орқали ўтган қадимги қарвон йўли ҳам муҳим роль ўйнади. Шунингдек, кўшни Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси билан олиб борилган иқтисодий ва маданий алоқаларнинг таъсири кучли бўлди. X аср ўрталарида Иссиқкўлнинг жануби ва Қашқарда яшаган яғмо қабилалари кучайиб, кўшни чигил қабилалари билан ягона иттифоққа бирлашади. Сўнгра улар Еттисувдаги қарлуқларни бўйсундириб, у ерда Қорахонийлар давлатини ташкил қилдилар. Давлат сулоласининг асосчиси Абдулкарим Сотуқ Буғрохон (Қорахон) номи билан аталган.

992 йилда Қорахоннинг набираси Ҳорун ибн Мусо ибн Сотуқ Буғрохон бошлиқ қабилалар Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб Бухорони деярли қаршиликсиз ишғол этганлар, чунки Сомонийларнинг марказий ҳокимияти ички зиддиятлар туфайли кучсизланиб қолган эди. Буғрохон ватани Қашқарга қайтишда йўлда вафот қилади. Вазиятдан фойдаланиб амир Нух ибн Мансур Бухоро тахтини Ғазна ҳукмдори Сабуктегин ёрдамида 994 йил қайтариб олади. Нух Сабуктегинни Хуросон ноиб қилиб тайинлайди. Натижада Ғазна ва Хуросонда Сабуктегин ва унинг ўғли Маҳмуднинг сиёсий ҳукмронлиги мустаҳкамланиб, *Ғазнавийлар давлати* ташкил топади.

996 йилда Қорахонийлар Наср ибн Али бошчилигида Мовароуннаҳрга яна ҳужум бошлайди. Сабуктегин ўғли Маҳмуд Ғазнавий бошчилигида 20 минглик кўшин юбориб Бухорони эгаллайди. Сомонийларга Мовароуннаҳрнинг марказий қисмигина берилади, холос. Бироқ 999 йил баҳорида Наср ибн Али Бухорони босиб олиб, Сомонийлар ҳокимиятига бутунлай барҳам берди. Қорахонийлар билан 1001 йил тузилган шартномага мувофиқ Амударёдан шимолдаги ерлар Қорахонийлар тасарруфига ўтади. Султон Маҳмуд эса Амударёдан жанубдаги ерлар, шу жумладан, Хуросонга ҳукмдор бўлиб олади. Қорахонийлар давлати пойтахти дастлаб Қашқарда, сўнг Боласоғун, Ўзган шаҳарларида бўлиб, кейин яна Қашқарга кўчирилган. Шундай қилиб, X аср охирида Сомонийлар мулки ўрнида 2 та давлат ташкил топди: бири, - Қашқардан Амударёгача чўзилган, Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдни ўз ичига олган Қорахонийлар давлати; 2-си Сабуктегин ва Султон Маҳмуд даврида кучайган ва Ҳиндистон шимолдан Каспий денгизи жанубга қадар вилоятларни эгаллаган Ғазнавийлар давлати эди.

Гарчи Амударё чегара қилиб белгиланган бўлса-да, аммо Қорахонийлар Хуросонни ўз тасарруфидаги вилоятлар деб ҳисобларди. Орадан кўп вақт ўтмай Қорахонийлар билан Ғазнавийлар ўртасида шиддатли урушлар бошланади. 1006 ва 1008 йилларда Қорахонийлар Хуросон устига 2 марта кўшин тортадилар, Балх, Тус ва Нишопур шаҳрлари забт этилади. Лекин Султон Маҳмуд Ғазнавий Хуросонни ўз давлати тасарруфида сақлаб қолишга муваффақ бўлади ва 1011-12 йилларда Қорахонийлар билан сулҳ тузади. Хоразмда 1016 йил халқ кўзғолони вақтида хоразмшоҳ Абулаббос Маъмун қатл этилди. 1017 йилда Султон Маҳмуд шу баҳонада Хоразмни босиб олади. Хоразмга ўз ҳожиби Олтинтошни ноиб тайинлаб, кўп бойлик ва асирлар билан Ғазнага қайтади. У ўзи билан бирга Абу Райҳон Беруний ва бошқа бир қанча олим ва шоирларни мажбуран олиб кетади.

1030 йилларда Сирдарё этакларида яшовчи ўғузлардан ажралиб *Салжуқийлар* номи билан Хуросонга бориб ўрнашган ўғуз қабилалари кучайиб, уларга ўз вақтида ер-мулк бериб ҳомийлик қилган Ғазнавийларга қарши тазйиқ кўрсатадилар. Салжуқийлар билан жиддий кураш бошланади. Бундай вазиятдан фойдаланган Қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори Иброҳим Бўритакин 1038 йилда Амударё юқори оқимидаги вилоятлардан Хутталон, Вахш ва Чағониённи Масъуд I Ғазнавийдан тортиб олади. Кўп вақт ўтмай у Мовароуннаҳр, жумладан, Фарғонани ўзига бўйсундириб, мустақил сиёсат юрита бошлайди. Натижада, Қорахонийлар 2 мустақил давлат — пойтахти Боласоғунда бўлган Шарқий Қорахонийлар ва маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлатига ажраб кетади. Бу ғалабалардан сўнг Иброҳим Тамғач «Буғроҳон» унво-нига сазовор бўлади.

1040 йилда *Данданакон жангида* Масъуд Ғазнавий салжуқийлардан қақшатқич зарбага учрайди. Ғазнавийлар тасарруфида Ғазна, Кобул, Қандаҳор ва Панжоб вилоятларигина қолиб, у кичик давлатга айланади. Салжуқийлар Тўғрулбек замонида 1055 йилда Бағдодда ўз сиёсий ҳукмронликларини ўрнатадилар. Аббосий халифа эса фақат диний ишлардагина мутасадди бўлиб қолади ва Тўғрулбекни «Шарқ ва Ғарб султони» деб тан олишга мажбур бўлади. Салжуқийлар Хоразм томондан Хутталон, Чағониён, Жанд ва Савронга юриш қилиб, Қорахонийлар билан бир неча бор тўқнашадилар. 1130 йилда султон Санжар Қорахонийлар давлати пойтахти Самарқандни ишғол этади. Натижада Қорахонийлар Санжарга тобе бўладилар.

Қорахоний ҳукмдорлари гарчи ўтроқ ҳаётга кўчмаган бўлсалар ҳам, деҳқончилик воҳалари ва шаҳар маданиятига эътибор билан қарадилар. Боласоғун, Қашқар, Тароз, Ўзган, Самарқанд ва Бухоро пойтахт шаҳарлар бўлиб қолди. Айни вақтда Мовароуннаҳр, айниқса, Зарафшон водийсида кўпгина деҳқончилик майдонлари ва боғлари топталиб яйловга айлантирилди. Натижада мулкдор деҳқонлар билан чорвадор кўчманчилар ўртасида зиддият кучайиб, Қорахонийларнинг тазйиқи билан нуфузли деҳқонлар ер-мулк ва кўрғонларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Улар мамлакатда тутган сиёсий мавқеларидан ҳам ажралдилар. Шу вақтдан «деҳқон» истилоҳи ҳам «қишлоқ ҳокими»ни англатувчи асл маъносини йўқота бориб, қишлоқ меҳнаткашлари учун умумий номга айланди. Зодагон деҳқонлардан мусодара қилинган ерлар давлат тасарруфи («мулки султони»)га ўтказилди. Бундай ерлардан тушган даромад давлат хазинасини тўлдирарди, маълум қисми эса иқто қилиб бериларди.

3. Хоразм давлати ўз мустақиллигига ғазнавийлар ва салжуқийлар ҳукмронлигига қарши кураш жараёнида эришди. 996 йилда, Шимолий Хоразм шоҳи Маъмун ибн Муҳаммад (995-997 йй.) икки қисмга бўлиниб кетган ўлкани бирлаштириб хоразмшоҳ унвонини олади ва Урганчни ўз пойтахтига айлантирди.

Маҳмуд Ғазнавий Хоразмнинг моддий бойликлари ва маданий салоҳиятини (Урганчда ташкил этилган Маъмун академиясини назарда тутилмоқда) ҳисобга олиб, Хоразм шоҳини ўзига тобе этиш мақсадида, ўз сингилларини хоразмшоҳ Али ибн Маъмун (997-1009 йй.), унинг укаси Маъмун ибн Маъмунга узатади. Маъмун ибн Маъмун (1009-1016 йй.) шоҳлигининг сўнгги йилларида Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмга нисбатан тазйиқи кучайди. 1017 йилда шоҳнинг Ҳазораспда турган қўшинида Маъмунга қарши фитна уюштирилиб, суиқасд қилинади. Исёнчилардан ўч олиш баҳонасида Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга бостириб кириб уни эгаллайди, Хоразмда ўз одами Олтинтошни ноиб қилиб қолдиради. 1043 йилда Хоразмни

салжуклар босиб олди. Салжук султони Маликшоҳ (1072-1094 йй.) ўз таштдори Ануштегинни 1076 йилда Хоразм ҳокими этиб тайинлайди. Султон Санжар (1118-1157 йй.) ҳукмронлиги даврида Ануштегиннинг набираси Отсиз (1127-1156 йй.) Хоразмнинг мустақиллиги учун курашди. Ўз давлатини кучайтириш мақсадида Жанд шаҳрини, ғарбда Манғишлоқ ярим оролини босиб олди. Султон Санжар унинг бу журъатидан ташвишга тушиб, Отсизнинг таъзирини бериш мақсадида, 1138 йил унга қарши кўшин тортди. Отсиз енгилиб, чекинди. Отсиз ўз ақл-заковати ва моҳир саркардалиги туфайли яна ҳукмдор этиб тайинланди.

Мустақиллик учун курашни Отсизнинг ўғли Эларслон (1156-1172 йй.) давом эттирди. Лекин натижасиз бўлди. 1172 йилда Хоразмни қорахитойлар босиб олди. Бу вақтда Эларслон вафот этган эди. Унинг ўғли Текеш (1172-1200 йй.) даврида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият бирмунча кескинлашди. Лекин қорахитойлар таъсири сусайди. Хуросондаги тартибсизликлардан фойдаланиб, Текеш 1187 йилда Нишопурни, 1192 йилда Райни, 1193 йилда Марвни босиб олиб, Эронда мавқеини мустаҳкамлади. Бир ойдан сўнг Салжук султони Тўғрул II нинг кўшинлари тор-мор келтирилиб, Шарқий Эронни ўз давлатига кўшиб олди. 1195 йилда Текеш халифа Носир кўшинларини мағлубиятга учратиб, Ироқни талон-тарож қилди. Бу ҳол ироқликлар ғзабига сабаб бўлди. Хоразм кўшинларининг кўпи кириб ташланди, қолгани аранг қочиб қутулди. Текеш вафотидан кейин унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад (1200-1220 йй.) ўз эътиборини қорахитойларни тор-мор этиб, Бухорони эгаллашга қаратди. Бухоро хунармандларининг 1206 йилда қорахитойларга қарши кўтарилган кўзғолони унинг бу мақсадини амалга ошириш учун бир баҳона бўлди. Кўзғолонга қалқонсоз хунарманд Малик Санжар бошчилик қилди. Алоуддин Муҳаммад кўзғолонни бостириб, Бухорони эгаллади. Сўнг 1210 йилда қорлуқлар билан иттифоқ тузиб, қорахитойларни тор-мор келтирди ва Ўзганддаги хазинасини қўлга киритди. 1211 йилда қорахонлар хони Усмон билан бирга қорахитойларга қарши Еттисувга кўшин тортди. Тароз (Талас) ёнидаги жангда гўрхон Тоянгунинг кучларини тор-мор келтириб, ўзини асир олди. Бу ғалабадан кейин Алоуддин Муҳаммад Усмонга ўз қизини никоҳлаб берди. Қипчоқлардан тузилган, Самарқандда қолдирилган кўшин аҳолига тазйиқ ўтказди. Бунга қарши аҳоли кўзғолон кўтаради. Усмонхон кўзғолончиларга хайрихоҳ эди. Хоразмшоҳ кўзғолонни бостириб, Усмонхонни ҳам қатл эттиради, натижада Самарқанд мулкини ҳам ўз ерларига кўшиб олади.

XIII аср бошида Хоразм жуда кенг майдонни эгаллаган буюк давлатга айланган эди. Унинг чегараси Орол ва Каспий денгизи соҳилларидан Ироққа қадар борар, жануби-шарқий чегараси Ғазна вилоятидан, Еттисув ва Дашти Қипчоқдан ўтар эди. Пойтахти Гурганж шаҳри бўлган. Саройда Муҳаммад Хоразмшоҳ «Искандари Соний» (Иккинчи Искандар) деб улуғланган.

Мовароуннаҳр аҳолисининг Қорахитойлар зулму асоратидан озод бўлиб, Хоразм давлатига бирлашиши, шубҳасиз, ижобий тарихий воқеа эди. Аммо Хоразмшоҳнинг ҳарбий юришлари, солиқ сиёсатидаги бебошлик, амир ва маъмурларнинг жабру зулми, мажбурий ишлаб беришлар мамлакат фуқароларининг моддий аҳволини оғирлаштирди. Натижада 1210 йилда Ўтрорда, 1212 йилда Самарқандда кўзғолон кўтарилади. Ҳар 2 кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилади.

Кўзғолон бостирилгач, Хоразмшоҳ Мовароуннаҳр вилоятларидаги қорахоний ноибларнинг барчасини қатл қилишга буюрди. Шу билан Мовароуннаҳрда

қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги узил-кесил тугатилди. Ўзган ҳамда Самарқанд шаҳриларида Муҳаммад Хоразмшоҳ номи билан тангалар зарб этилди. Бироқ Хоразм давлатида синфий кураш ва вилоят ҳукмдорларининг исёнлари давом этаверди, лашкарбошилар орасида ва саройда фитналар кучайди. Кўпгина мансаблар, одатга кўра, ота-бободан мерос бўлиб ўтар эди. Юқори мансабдорлик давлатдан иқтоъ ерларини (умрбод фойдаланиш учун ажратилган катта ер майдони) олиш билан боғлиқ эди. Иқтодорлар давлат танг аҳволга тушиб қолган пайтларда ўз вазифаларини ташлаб кетар ва подшога итоатсизлик қилиб, ўзбошимчалик билан йўл тутар эдилар. Шундай қилиб, сиртдан жуда кучли, нуфузи буюк кўринган Хоразмшоҳлар давлати сиёсий жиҳатдан унчалик мустаҳкам эмас эди. Ҳатто айрим вилоят ҳокимлари хоразмшоҳларга номигагина бўйсуниб, амалда деярли мустақил эди.

### *Мавзунини такрорлаш юзасидан саволлар*

1. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Араб халифалиги ҳукмронлигининг заифлашуви ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши шароитлари ҳақида гапириб беринг.
2. Тоҳирийлар давлати қандай вужудга келди?
3. Тоҳирийлар давлатида давлат бошқаруви қандай бўлган?
4. Саффорийларнинг давлатини ташкил топиши ҳақида сўзлаб беринг.
5. Сомонийлар давлатининг вужудга келиши, давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
6. Сомонийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қандай бўлган?
7. IX – X асрларда Мовароуннаҳрда ер эгалиги масалалари қандай ҳал этилган?
8. Сомонийлар давлатининг инқирозга юз тутиши сабаблари нимадан иборат?
9. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва давлат бошқаруви ҳақида сўзлаб беринг.
10. Ғазнавийлар давлатининг вужудга келиши ва инқирози сабабларини ёритиб беринг.
11. Хоразмшоҳлар давлати қандай ташкил топди?
12. Хоразмшоҳлар давлатида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қандай бўлган?

### *Таянч тушунчалар:*

**аккорлар** – ижарага ишловчилар

**амид ул-мулк** – давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири

**амири-охур** ёки **мироҳур** – отхона бошлиғи лавозими бўлиб, бу амалдор султонга қарашли миниб юриладиган отларга эгаллик қилган.

**амири-шикор** – султоннинг ов ишларини ташкил қилувчи амалдор;

**ариз** – қўшин таъминоти билан шуғулланувчи вазир

**арк** – ички қалъа, подшоҳнинг шаҳар ичидаги кўрғон-саройи, қароргоҳи.

**“арслонхон”** ва **“буғрохон”** – олий даража ҳукмдори маъносини англатган.

**банд** – тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони; сув омбори; тўғон.

**барзикор** – қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси

**вазир** – девонхона бошлиғи

**вақф ерлари** – мачит, мадраса, хонақоҳ ва мақбараларга вақтинча ёки абадий фойдаланиш учун бериладиган ерлар

**девон** – вазирлар маҳкамаси

**жамоа ерлари** – қишлоқ жамоалари тасарруфида бўлган маълум ҳажмдаги ер майдонлари

**жуйбон** – сув тақсимловчи мироб

**иликхонлар** – Мовароуннаҳрни 999 йилдан 1212 йилгача идора қилган қорахонийлар ҳукмдорларининг унвони.

**иктаъ** – Салжуқийлар даврида ер парчаси, чек, уни ҳоким ўз вассалларига вақтинча берарди, ер мерос қолмасди. Иқтоънинг бир кўриниши.

**иктоъ** – ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳукмдор томонидан феодалга катта хизматлар эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда, иқтоъ умрбод берилмай, ҳукмдор уни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа кишига тортиқ қилиши мумкин бўлган.

**иктодор** – мулкдор

**кориз** – ер ости сув иншооти

**Марв** – Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири. Туркменистоннинг Байрамли шаҳри яқинида, Мурғоб дарёси қирғоғида жойлашган.

**мироб** – сув хўжалиги бошқарувчиси

**музораъа** – ижарага бериладиган ерлар

**мулки султоний** – давлат тасарруфидаги ерлар

**мулки хос** – олий мартабали руҳонийлар ва саидлар қўл остидаги давлат солиқларидан қисман ёки тамомила озод қилинган ерлар.

**муставфий** – молия вазири

**мухтасиб** – тош-тарозу, нарх-наво ва мафкура назоратчиси

**оталиқ** – дастлаб салжуқийлар сулоласи даврида (1038-1194 йй.) хон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансаб. Оталиқ. –“Ота ўрнига ота” деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шахзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган.

**пойкор** – кичик мироб, қишлоқ мироби

**рабод** – мусулмон Шарқдаги ўрта аср шаҳарларининг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари жойлашган қисми. Рабодлар VII-VIII асрларда пайдо бўлиб, шаҳарларнинг арки ёки шахристоннинг атрофига қурилган.

**работ** – ғозийларга мўлжалланиб қурилган махсус бинолар. Работ фақат кўрғон, истехкомгина эмас, шу билан бирга меҳмонхона (карвонсарой) маъносида ҳам тушунилган.

**сардоба (обдон)** – пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли ҳовуз; сувхона.

**саффорийлар** – Саффорийлар давлатида ҳукмронлик қилган сулола. Саффорийлар номи унинг асосчиси Ёқуб ибн Лайс ал-Саффор номидан олинган.

**салжуқийлар** – XI-XIV аср бошида Яқин ва Ўрта Шарқдаги бир неча давлатларда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола номи кўчманчи турк-ўғуз қабиласи бошлиғи Салжуқ номидан олинган.

**соҳиби шухрат** – ҳарбий вазир



**сулола** – бир уруғдан ёки авлоддан тарқалган подшоҳлар ёки хонлар насли. Масалан, сомонийлар, аҳамонийлар, ғазнавийлар ва ҳ.к.

**такин** – вилоят ноиблари

**“тамғачхон”** – хонлар хони

**таштдор** – султоннинг ювинишида зарур бўлган ашё ва нарсаларни сақловчи шахс.

**тоҳирийлар** – Тоҳирийлар давлатини бошқарган сулола. Асосчиси – Тоҳир ибн Хусайн.

**устоздор** – барча хўжалик ишлари: отхона, ошхона, новвой, сарой хизматкорлари устидан идора ишларини амалга оширган сарой аъёни.

**ушур** – ҳосилнинг 1/10 ҳисобидаги солиғи

**хирож** - ҳосилнинг 1/3 ҳисобидаги солиғи

**шайхулислом** – дин ва илм пешвоси

**шахристон** – ўрта асрларда Шарқдаги шаҳарларнинг маркази, яъни мудофаа девори билан мустаҳкамланган шаҳарнинг асосий қисми. Шахристонда сарой, жоме масжиди, ёпиқ ёки очик бозор, бош майдон – регистон, муҳим маъмурий бинолар, ҳукмдор ва унинг яқинларини кўрғонлари, шунингдек, оддий аҳоли хонадонлари ва бошқалар бўлган.

**хатиб** – дин пешвоси

**элоқхон** – элнинг оқ хони; юртнинг кичик ҳукмдори, вилоят ҳокими.

**“қорахон”** – улуғ хон

**ғозийлар** – кўчманчилар ҳужумига қарши кўнгиллилардан тузилган қуролли махсус гуруҳ, адолат курашчилари

**ҳожиб** – ҳарбий бошлиқ

**ҳожиб ул-ҳужоб** - кўмондон

**ҳожиб ул-бузрук** – бош кўмондон

**ҳожиб ул-Қабир** - ҳукмдор шахси билан боғлиқ масалалар, маросимларнинг назорати билан алоқадор ишларга жавобгар шахс.

**ҳожиб улбоб** – Салжуқийлар саройи эшикоғаси

**ҳожиб бузург** (улуғ ҳожиб) – XI-XIV асрларда Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган амаллардан. Ҳожиб бузург Салжуқийлар даврида ноҳияларга ҳоким этиб тайинланиши мумкин бўлган.

## **6-мавзу: Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган (ренессанс) уйғониш даври. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси.**

### ***Режа:***

*1. IX-XII асрларда маданий юксалишнинг шарт-шароитлари*

*2. IX-XII асрларда илм-фан ривожига аждодларимизнинг қўшган ҳиссаси*

*3. Ислом дини ва сўфийлик тариқатининг кенг ёйилиши ва ривожлантирилиши.*

**1. IX-XII асрлар** Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш йиллари бўлди. Мовароуннаҳр деб аталадиган бу ҳудудда мустақил давлатларнинг ташкил топиши уларда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг равнақига катта таъсир кўрсата бошлади. Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Марв каби шаҳарлар

илм-фан ва маданият марказлари сифатида шаклланиб ривожлана бошлади. Ўрта Осиёда IX-XIII асрларда Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари ҳукм сурдилар. Бу давлатлар халқаро майдонда ўз мавқеи ва тутган ўрни жиҳатидан катта эътибор ва нуфузга эга бўлдилар. Аҳмад Наср, Исмоил Сомоний, Алптакин, Маҳмуд Ғазнавий, Тўғрулбек, Султон Санжар, Отсиз, Такаш сингари тадбиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Ўрта Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишга эришилди, давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа шулар сингари катта шаҳарларда Ўрта Осиёдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз хиссасини қўшган авлод аждодларимиз бу даврга келиб кўпая борди. Бағдод шаҳри илм-фан маркази сифатида оламга танилди, чунки IX асрда бу ерда “Байт ул- ҳикма”- (“Донишмандлар уйи”) Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Бунга монанд ҳолда X аср охирларида Хоразмда ҳам халифа Маъмун даврида (995-997 й) “Донишмандлар уйи”- “Байт ул- ҳикма”- “Маъмун академияси” (Хоразм академияси) ташкил бўлди. **Хоразм Маъмун академияси** - 1004—1005 йилларда Хоразмда яратилган бўлиб, Ўрта Осиё тарихида биринчи академиядир. Академиянинг «Маъмун» дейилишининг сабаби Маъмуний хоразмшоҳлар даврида (997— 1017 йиллар) уларнинг ҳомийлигида ташкил қилинган ва амалий иш олиб борган. Академия 1017 йилда ўз фаолиятини тўхтатишнинг сабаби Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмуннинг исёнчилар томонидан ўлдирилиши бўлди. Шундан сўнг академия ҳомийсиз ва қаровсиз қолиб, академия олимлари илмий иш учун тинч шароит қидириб, бирин-кетин тарқалиб кетдилар.

2. Ўрта Осиё минтақасида IX—XII асрларда иқтисодий, маданий-маънавий ва илмий тараққиёт юксалган давр. Ўрта Осиё Ислом дини кириб келгунга қадар ҳам юксак моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган. Бунинг мисоли сифатида зардуштийлик (зороастризм) динининг муқаддас китоби «Авесто»ни эслаш кифоя. Ўрта Осиё Ислом дини тарқалиши туфайли, Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ, Шимолий ва Ғарбий Африка ҳудудларини қамраб олган улкан Араб халифалигининг таркибига кирди. Натижада минтақамизнинг бой ва серкирра маданияти тараққиётнинг янада кенгроқ саҳнига чиқди. Минтақамиз олимлари, мутафаккирлари, зиёлилари, сайёҳлари қадимий юнон ва Рум маданияти ютуқлари билан танишиш ҳамда ўрганиш имконига эга бўлдилар. Ўрта асрларда ислом оламида дин, фан ва сиёсатнинг умумтили ҳисобланган араб тили Ўрта Осиё олимлари ва мутафаккирлари учун илм-фан ва маънавиятни янги поғонага кўтаришда бебаҳо кўприк бўлиб хизмат қилди. Шу даврларда яшаб, ижод қилган ал-Хоразмий (783-850), ал-Фарғоний (798-861), ал-Форобий (873-950), ал-Беруний (973-1018), Ибн Сино (980-1037) ва бошқалар табиий ва ижтимоий фанлар ривожига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Ватандошларимиз Имом ал-Бухорий (810-870), ат-Термизий (822-893), ал-Мотуридий (870-943), Аҳмад Яссавий (1103-1166), Нажмиддин Кубро (1145—1221) ва бошқалар ислом дини ва Қуръони каримнинг мазмунини ҳамда моҳиятини таҳлилу талқин этган, жамият, инсон, хулқ ва ҳақ, одоб ва тартиб, ҳаром ва ҳалол, ахлоқ ва нафосат ҳақида ўзларининг асрлар оша эскирмайдиган ва мангу жозоба кучига эга асарларини яратдилар. Ўрта Осиёдан чиққан машҳур олимларнинг илмий кашфиётларидан бутун инсоният, хусусан, европаликлар кенг фойдаландилар.

**Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850)** математика, геометрия, астрономия, география, тарих илми ва бошқа фанлар соҳасида баркамол ижод қилди.

Унинг «Ал Жабр вал муқобала» («Тенгламалар ва қаршилантиришлар»), «Китоб сураат-ал Арз» («Ер сурати ҳақида китоб»), «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд ҳисоби»), «Китобат-Тарих («Тарих китоби»)), «Китоб ал-Амал Бил Устурлаб» («Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб») каби асарлари олимга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Хоразмий яратган 20 дан ортиқ асардан бизнинг давримизгача 10 таси етиб келган.

**Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир ал-Фарғоний** 797-865 йилларда яшаб ижод қилган ватандошимиздир. Аҳмад Фарғоний «Китод фи-Усули илм ан-Нужум» («Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб»), «Фалакиёт усуллари», «Ал-Мажистий», «Илм хайя», «Фалак асарлари сабабиятлари», «Ал-Фарғоний жадваллари», «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида», «Ой ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи», «Етти иқлим ҳисоби», «Устирлоб яшаш ҳақида китоб» асарларининг қўлёзмалари Англия, Франция, Германия, Миср, Ҳиндистон, АҚШ ва Россияда сақланмоқда.

**Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий** (873-951 йй.) Ўрта Осиёнинг йирик қомусий олимларидан бири, фаннинг деярли барча соҳаларини эгаллаб олган 160 дан ортиқ асар ёзган. Форобийнинг риёзиёт, фалакиёт, табобат, мусиқа, фалсафа, тилшунослик ва адабиётга оид асарлари бутун оламга машҳур бўлди. У ёзган «Аристотелнинг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақида», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Мусиқа китоби», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Сиёсат ал-Маданият», («Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш»), «Фозил одамлар шаҳри», «Масалалар моҳияти», «Қонунлар ҳақида китоб», «Тафаккур юргизиш мазмуни ҳақида», «Мантиққа кириш ҳақида китоб», «Фалсафанинг моҳияти ҳақида китоб» ва бошқа асарлар буюк олимнинг илм ва дунёқараш доирасининг бекиёс даражада кенглиги ва чуқурлигидан дололат беради.

**Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899-959)** нинг илмий асарлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Унинг фақат «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») асари бизгача етиб келган. «Бухоро тарихи» асари ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳозирги кунда сомонийлар даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли асар ҳисобланади. Асарда Сомонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётга оид маълумотлар келтирилган.

IX-XII аср фан ва маданиятининг равнақини **Абу Райҳон Берунийсиз (973-1048 йй.)** тасаввур қилиш мумкин эмас. У ўз замонасининг барча фанлари физика, математика, астрономия, геодезия, тарих, математика, география ва бир неча бошқа фанларни пухта эгаллаган олим бўлган.

Беруний улкан мерос, ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ асарлар, бир неча тиллардан қилинган таржималар, турли ёзишмалар қолдирди. Улар орасида жаҳон фанида энг ишончли ва муҳим манбалар сирасига киритилган. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Масъуд қонуни», «Сайдана» (Минералогия) каби асарлари алоҳида ўрин тутди. Ўрта асрлардан бошлаб, хусусан, XIX асрда, унинг асарлари лотин, француз, инглиз, немис, форс, турк тилларига ўгирилди.

**Абу Али Ибн Сино (980-1037 йй.)** 17 ёшидаёқ олим сифатида шаклланиб, табиб деган ном чиқаради. Абу Али ибн Синонинг араб тилида яратган 5 жилдли “Ал-Қонун” (“Тиб қонунлари”) асари тиббиётга оид беназир асардир. У илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам баракали ижод қилган бўлиб, “Донишнома”, “Инсоф китоби”, “Нажот китоби” ва бошқалар асарларни яратган.

**Маҳмуд Қошғарий** (1029-1038 йй.) «Девони луғоти турк» ва «Жавоҳири наҳр» «Турк тили синтаксиси асослари» асарларини ёзади. Минг афсуслар бўлсинки, охириги асари ҳанузгача топилмаган. Маҳмуд Қошғарийни бутун илм оламига танитган «Девони луғоти турк» асаридир. Бу китоб араб тилида ёзилган. Унда олим кўп йиллар давомида туркий қабилалар орасида олиб борилган кузатишлар асосида туркий тилларни қиёсий ва тарихий усуллар билан таҳлил қилган ва бу тилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган.

**Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср).** Ҳозирги кунда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» - «Бахт саодатга бошловчи билим» деб номланган дидактик бадий-фалсафий асари бизгача етиб келган бўлиб, бошқа асарлари маълум эмас. Асар насрий муқаддимадан сўнг 77 байтдан иборат шеърини муқаддима билан бошланиб 73 бобнинг мундарижаси берилади. Бошланғич боблар ўша давр аналарига биноан бошланиб, оллоҳ ва пайғамбар, ислом динининг фойдаси ва дунёвий, ижтимоий сиёсий, ахлоқий илмий масалалар билан тугалланади.

**3. IX-XII асрларда халифалиқдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар даврида бу мустақил марказлашган давлатларни янада мустаҳкамлаш учун ислом динига, унинг таълимотига, тарихий аҳкомларига эътибор бир неча бор кучаяди. Шаҳарларда масжидлар ва мадрасалар қурилишига эътибор берилди бошлади. Бу даврда ислом таълимотига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий каби кўплаб уламолар етишиб чиқдилар. Улар шу кунга қадар ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси томонидан тан олинган алломалар даражасига кўтарилган зотлардир. **Имом Бухорий (810-870 йй.)** ислом дини масалаларига бағишланган йигирмага яқин асар ёзди. Шу китоблар орасида Бухорийнинг бутун дунёга машҳур қилган асари «Ал-Жоме ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам»)дир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Бухорий ҳадисларни тўплаш ва баён этишда унинг ҳақиқийлига асосий эътибор берган, унинг ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далилларни келтирган ва шу асосда ҳадисларни классификация қилган олимдир.**

**Имом ат-Термизий (824-892йй.)** Термиздан унча узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида туғилган. У ҳам Бухорий сингари Шарқнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Ат-Термизий ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг ўндан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари «Жоми ат-Термизий» ёки «Сунан ат-Термизий»дир. Бу асар исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир. Термизийнинг илмий мероси диний аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, ахлоқий, дидактика тарихида ҳам жуда катта ўрин эгаллайди.

Тасаввуф, яъни сўфийлик ислом дини асосида шаклланган диний фалсафий оқим бўлиб, покланган, соҳид, тақводорлик маъносини англатади. Унинг асосида бу дунё лаззатларидан воз кечиш асосида оллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини қидириш ётади. Сўфийлик Қуръон ва шариат талабларини албатта сўзсиз бажариш, ўзини худонинг қули деб билиш кабилар, ўз хохиши билан тозаланиб, оллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга асосланади. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

**Ал-Мотуридий (тахминан 870—943 йиллар)** — сунний эътиқодидаги икки йирик оқимдан бири бўлмиш мотуридия оқимининг асосчиси, унинг яккахудолик ва

Қуръоннинг тафсирига бағишланган «Китоб ат-тавҳид» ва «Китоб таъвилот ал-Қуръон» номли асарлари уламолар орасида катта эътибор қозонган.

Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимоти Х асрдан бошлаб ёйила бошлади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг ривожланишида Юсуф Ҳамадоний таълимоти муҳим рол ўйнайди. Манбаларда қайд қилинишича, **Юсуф Ҳамадоний 1043-1049 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилади.** Юсуф Ҳамадоний умрининг катта қисмини Ўрта Осиёда ўтказган. У хунармандчилик, косибчилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг таълимоти асосан хунармандлар орасида кенг тарқалган ва уларнинг манфаатларини ифодалаган. Юсуф Ҳамадоний сўфийлик илми бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлади. **Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда икки тасаввуф мактаби – Яссавийлик ва Нақшбандийлик келиб чиқади.**

Ўрта Осиё ҳудудида биринчи вужудга келган сўфийлик оқими **Яссавийликдир.** Бу оқимга 1105 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида туғилган Аҳмад Яссавий асос солган. Аҳмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгач, яна она шаҳри Туркистонга қайтиб келади мадраса ва хонақолар қурдиради. Яссавий таълимотининг асослари туркий тилда ёзилган «Девони Ҳикмат» асарида баён этилган. У ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар орасида сўфийлик таълимотини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган. Аҳмад Яссавийнинг фикрича, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўла олмайди. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Бу йўл камолот йўли бўлиб, инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг яна бир шогирди **Абдуҳолик Гиждувоний (1103-1179й.)** бўлган. Яссавий билан Гиждувоний шу даражада иқтидорли шогирдлардан бўлишганки, кейинчалик улардан бири «Яссавия» иккинчиси «Нақшбандия» тариқатининг асосчилари бўлиб етишадилар. **Ҳожа Абдуҳолик Гиждувоний Шарқ фалсафа** тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий дунёқараши тасаввуфдаги Ҳожагон (Ҳожалар) ҳалқасида шаклланди.

**Ал-Марғиноний (1123-1197 йй.)** фикҳга оид бир қатор йирик асарлар яратган. Бу асарлар қаторига «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»), «Китоб ул-мазид» («Илми зиёда қилувчи китоб»), «Маносик ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Мажмуа ул-навозил» («Нозилда бўлган нарсалар тўплами»), «Китоб ул-фароиз» («Фарзлар китоби»), «Китоб ул-машоих» («Шайхлар ҳақида китоб»), «Мазийдун фи фуруъил-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳабига қўшимчалар»), «Билоят ул-мубтадий» асари учун 8 жилдлик шарҳ, «Ал-Ҳидоя» («Кифоят ул-мунтаҳий» учун ёзилган 4 жилдлик шарҳ) ва бошқалар киради. Бу китоблар номларининг ўзиёқ ал-Марғиноний ислом динининг асосий масалаларини нақадар кенг қамраб олганлигидан далолат беради. Ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган шоҳ асари «Ал-ҳидоя» асари саккиз асрдан ошибдики, бутун мусулмон оламига, дунёнинг барча бурчакларилаги дин, маънавият, маданият, руҳият аҳлига, ҳуқуқшуносларга чексиз манба бўлиб хизмат қилмоқда.

**Нажмиддин Кубро (1145-1221 йй.)** - тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёдаги йирик вакилларида бири. Сўфийликдаги Кубровия оқимининг асосчисидир. Кубровия тариқати Яссавия тариқатидан фарқ қилиб, тарки дунёчилик рад этилади. Унда камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё нознеъматларимдан баҳраманд бўлиш кераклиги илгари сурилади. Бу таълимотда ватанга, халққа бўлган муҳаббат ғояси ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир

шароитда ҳам халқ билан бирга бўлиш, ватан ҳимояси учун курашиш, унинг мустақиллигини сақлаш зарурлиги даъват қилинади. Ўз ғоясига содиқ Нажмиддин Кубро ватан ҳимояси йўлида мўғулларга қарши курашда шаҳид бўлди ва жасорат намунасини ўз муридларига кўрсата олди.

**Хоразм Маъмун академияси.** Маъмунийлар академияси — Хоразмда X аср охири — XI аср бошларида фаолият кўрсатган илмий муҳит бўлиб, Маъмунийлар давлати (992—1017 йй.) тарихи билан бевосита боғлиқ. Али ибн Маъмун (997—1010) тоғаси Абу Наср ибн Ироқ таклифи билан саройда илм аҳли учун яхши шароит яратиб берган. Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб Гурганжда «Дорул ҳикма ва маориф» (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланган. Бу илмий муассасада худди Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат» академияси фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган; Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийларнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. XVIII—XX аср тарихчи олимлари томонидан илмий муассаса ҳар томонлама ўрганилган ва ўз фаолияти нуқтаи назаридан бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги исботланган ва унга «Маъмун академияси» номи берилган. Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарганлар. Академия аъзоларининг аксарияти олим сифатида Марказий Осиёда шаклланганлар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли Қадимги Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун (Маъмун II) саройидаги олимлар шухрати ўз даврида узоқ ўлкаларга тарқалган. Бу эса Маҳмуд Ғазнавийнинг ғашига теккан. У уюштирган суиқасд натижасида 1017 йилнинг баҳорида Маъмун II ўлдирилган ва ўша йилнинг июнида куёви учун қасос олиш баҳонаси билан Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга бостириб кирган. Катта қирғин ва талон-торожликлар натижасида Хоразм Маъмун академияси фаолияти тугатилган ва бу ердаги олимларнинг кўпчилиги Ғазнага мажбуран олиб кетилган.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1997 йил 11 нояб.) Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қуйилган муҳим қадам бўлди.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. IX – XII асрлардаги маънавий юксалиш омилларига нима сабаб бўлган?
2. IX – XII асрларда ватанимизда илм-фаннинг қайси йўналишлари тараққий этди?
3. Жаҳон фани ва цивилизация равнақига салмоқли хисса қўшган Ўрта Осиёлик алломаларни қандай асарларини биласиз?

4. Имом Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг ҳадис илмини ривожлантиришдаги хизматлари ҳақида гапириб беринг.
5. Тасаввуф илми ва унинг намояндалари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Хоразм Маъмун академияси ҳақида гапириб беринг.

### ***Таянч тушунчалар:***

**кубравийлик** – ўрта асрлардаги сўфизм оқимларидан бири. Нажмиддин Кубро асос солган.

**мутафаккир** – чуқур фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган киши, тафаккур эгаси.

**муфтий** – фатво берувчи, қарор чиқарувчи, суд ишларини амалга оширувчи олий мартабали шахс.

**муҳаддис** – ислом дунёсида ҳадис илми билан шуғулланадиган олим.

**нақшбандийлик** – исломдаги сўфийлик тариқатларидан бири бўлиб, Баҳовуддин Нақшбандий асос солган.

**ренессанс** - сўзи французчада «қайта туғилиш, янги руҳда ўсиш» маъноларини билдиради ва ўзбекчада баъзан, «уйғониш», деб ҳам юритилади.

**сўфийлик** (арабча «суф» — жун) — ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида, Қуръон ва Ҳадисга мос равишда VIII асрнинг ўрталарида шаклланган таълимот.

**тариқат** – сўфийликка хос атама бўлиб, уч маънода ишлатилган: 1) умуман, сўфийлик йўли; 2) сўфийликни муайян тармоғи, йўналиши; 3) сўфийлик босқичларидан бири. Тариқатни сўфийлик йўналишлари, тармоқлари маъносида қўллаш кенроқ тарқалган. Тариқатга қадам қўйиш – тирикчиликнинг барча ташишларидан воз кечиш ҳамда ихтиёрни пирга топширишдан бошланади. Ўрта Осиёда нақшбандийлик, кубравийлик, яссавийлик тариқатлари тарқалган.

**уламо** – ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунослари, шунингдек, диний муассасаларга, қозилик маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча мусулмон диндорлари уламолар деб юритилган.

**шайх ул-ислом** – энг юқори поғонада турувчи ҳуқуқшунос шахс

**яссавийлик** – Исломдаги суфийликка хос оқим. XII асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган ва кўчманчи аҳоли ўртасида ҳам кенг ёйилган. Асосчиси – Аҳмад Яссавий.

**қози** – суд ишларини амалга оширувчи, шарҳловчи шахс

**ғозий** – Ислом дини учун ғайридинларга қарши муқаддас уруш – ғазавот иштирокчиси. Шариатга кўра, бундай урушда оти ва қурол-яроғи бор ҳар бир мусулмон эркак катнашиши шарт бўлган. Камбағаллар, қуллар, ногиронлар ва кекса кишилар бундан озод этилган.

**ҳадис** – Ислом дини таълимоти бўйича Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади.

**ҳадиси саҳиҳ** – тўғри ҳадис

**ханафия** – сўфийликдаги диний ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон асос солган. Ироқда вужудга келиб, ислом тарқалган барча

мамлакатларда, шу жумладан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалган.

## **7-мавзу: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди.**

Режа:

- 1. Мўғуллар давлатининг таъкил топиши. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари. Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi.*
- 2. Жалолиддин Мангуберди юрт ҳимоячиси.*

1. Мўғул қабилалари ва элатларининг қудратли давлатга бирлашуви ва жипслашуви жараёни мўғул хони Тимучин (1155-1227 йй.) номи билан боғлиқ. У мўғулларнигина эмас, улар билан ёнма-ён яшаб келаётган жалойир, ўйрот, кeroит, найман, қорахитой, қирғиз, уйғур, қорлиқ сингари туркий қабилаларни ҳам ўз қўли остида бирлаштириб, кучли давлатга асос солди. 1205 йили Қорақурумда мазкур қабила ва элатлар оқсоқоллари ва бийларининг қурултойи бўлди. Қурултойда Тимучин ҳокон этиб сайланди ва Чингизхон лақабини олди. 1218 йилнинг баҳорида Чингизхон қимматбаҳо совғалар ортилган катта карвон билан савдогар Маҳмуд Ялавочни элчи қилиб Хоразмшоҳ ҳузурига жўнатди. Чингизхоннинг махсус номасида Муҳаммад Хоразмшоҳни ўзининг ўғиллари қаторида кўриши шама қилинган эди. Бу сўз замирида Хоразмшоҳлар давлатининг мўғул хонига тобе бўлиши лозим, деган мазмун ётади.

Бу элчилик Хоразмшоҳнинг 1215 йилда Чингизхон ҳузурига жўнатилган Баҳовуддин Розий бошчилигидаги элчилар фаолиятига жавобан юборилганди. 1218 йилда ҳам Хоразмшоҳ Аҳмад Хўжандий ва Аҳмад Балхийларни элчи қилиб жўнатган эди. Чингизхон элчилар зиммасига жосуслик маълумотларини тўплашни юклайди. 1218 йилдаёқ Чингизхон 500 туяга қимматбаҳо матоларни юклатиб, 450 нафарлик карвон билан жўнатади. Ўтрорда карвон таланиб, одамлар қатл этилди. Чингизхон учун баҳона топилди. Ҳар икки томон урушга тайёргарлик кўра бошлади.

Аловиддин Муҳаммад тўнғич ўғли Жалолиддиннинг Хўжанд ҳокими Темур Малик сингари саркардаларнинг ҳарбий кучларини асосий нуқталарда тўплаб, душманга зарба бериш ҳақидаги маслаҳатларига амал қилмади ва қўшинларини йирик шаҳарларга бўлиб юборди. Мўғуллар Чингизхон ва нўёнларнинг ўтрорликлардан ўчи борлигидан 1219 йил кузида Ўтрорга ҳужум қилдилар. Ўтрор шаҳар ҳокими Ғойирхон (Инолчук) ва Қорачар баҳодир етакчилигида мўғулларга қарши жанг қилдилар. Шаҳар мудофааси 5 ойга чўзилди. Кечаси Қорачар ҳожибнинг лашкари билан сўфихона дарвозасидан чиқиб мўғулларга таслим бўлиши душманга қўл келди. Шаҳар эгалланиб, аҳолиси қирғин қилинди. Ғойирхон 20 минг нафар қўшини билан қалъага кириб олиб, бир ой мобайнида қаршилиқ кўрсатди.



1220 йилнинг илк баҳорида Чингизхон мусулмон шарқининг йирик маданият маркази Бухоро устига қўшин ташлади. Бухоро қамали 12 кун давом этди. Шаҳар эгаллангач, унинг ҳимоячилари қириб ташланди. Қолган аҳоли Самарқандга ҳужумга сафарбар қилинди. Бу ерда Хоразмшоҳнинг 100 минг нафарли қўшини турарди. Уч кунлик қаттиқ қаршиликдан сўнг Чингизхон хийла ишлатишга мажбур бўлди. Қанғли қабиласи қўшинларига у шаҳар олингач омонлик ваъда қилди. Улар таслик бўлиб, шаҳар талангач, 30 минглик қанғли қўшини қолган ҳимоячилар ҳам қириб ташланди. Уларнинг йўлбошчилари Борушмас, Боғон, Сарзиқхон ва яна 20 минг нафар саркарда қатл этилди.

Хўжанд шаҳри ҳимоячилари мўғул босқинчиларига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Шаҳар ҳокими Темур Малик бошчилигида улар қарийб бир ярим ой давомида курашдилар. Охири иложсиз қолганда ўт ичида қолган шаҳар қалъасини 1000 нафарга яқин баҳодир тарк этиб, Темур Малик билан Сирдарё ўртасидаги оролда жойлашиб олиб душман билан мардларча олишдилар. Ниҳоят, махсус кемалар ясаб, дарё оқими бўйлаб Хоразм томон сузиб кетдилар. Йўл-йўлакай душман билан жанг қилдилар. Халқ қахрамони Темур Маликнинг бундан кейинги ватанпарварлик жасорати Хоразм ва она юртининг бошқа ҳудудларини ҳимоя қилувчилари сафида кечди.

Бухоро, Самарқанд, Хўжанд сингари буюк шаҳарларнинг қўлдан кетиши Аловиддин Муҳаммадни ва амирларини ларзага солди. У энди жануби ғарбий ҳудудларга чекина бошлади. У яккаланиб қолди, кўплаб ишончли амирлари хиёнат йўлини тутди. Қундуз, Бадахшон вилоят ҳокимлари ҳам ундан юз ўгирдилар. 1220 йилнинг апрелида Аловиддин Муҳаммад Нишопурга келади. Аммо Субутой нўённинг уни таъқиб этиб келаётгани хабарини эшитиб, бир қанча шаҳар ва қалъаларда яшириниб юрди. Ҳеч қаерда уни илиқ кутиб олишмади. Охири Каспий денгизидаги Ашура оролида ўғли Жалолоддинни тахт вориси этиб тайинлаб, 1220 йилнинг декабрида вафот этади. Унинг Ўзлокшоҳ, Оқшоҳ деган ўғиллари мўғуллар қўлига тушиб ўлдирилади. Хоразм пойтахти Гурганчда 110000 нафарли қўшин турарди. 1221 йил ёзида мўғуллар унга ҳужум қилганда Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик сингари саркардалар шаҳар ҳимоясига бош бўлдилар. Бу жангда 76 ёшли шайх Нажмиддин Кубро ўз муридлари билан душманга қарши мардонавор курашди. Гурганч қамали 7 ой давом этди. Мўғуллар хийла ишлатиб шаҳар ишғол қилдилар. 100 минг нафар санъат, ҳунар арбобларини, ёш болалар ва аёлларни ажратиб олиб, Мўғулистонга жўнатдилар. Қолган аҳолини қириб ташладилар.

Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти босиб олингач, мўғул жангарилари босқинчилик сафарларини Амударёдан жанубда жойлашган йирик савдо ва маданият марказлари бўлмиш Балх, Ҳирот, Марв ва Ғазна каби шаҳарларга йўналтиради. Аммо бу ерларда улар Жалолоддин Мангубердининг қаттиқ қаршилигига учрайди. Жалолоддин *Нисо жанги* ва *Парвон жангида* мўғулларни мағлуб этиб, уларга катта талафот келтиради. Парвон даштидаги мағлубиятдан кейин Чингизхон ҳарбий ҳаракатларни шахсан ўзи бошқаради. 1221 йилнинг ноябрда *Синд дарёси бўйидаги жангда* мўғулларнинг пистирмага қўйилган 10 минг нафарли сараланган лашкари жанг оқибатини ҳал қилади. Жалолоддин Мангуберди таслим бўлиши ва ўз оиласининг мўғуллар қўлига тушиб таҳқирланишини истамай хотинлари, болалари ва онасини дарёга ғарқ қилишга

ижозат бериб, ўзи отда Синд дарёсининг нариги соҳилига сузиб ўтиб олади. У билан бирга унинг 4 минглик аскарлари ҳам кутулиб қолади. Душманнынги жасоратига қойил қолган Чингизхон уни таъқиб қилиш фикридан қайтади. Жалолиддин кейинроқ мўғулларга қарши курашни давом эттириш мақсадида Кавказда кучли давлат барпо этмоқчи бўлади. Аммо бу ўлкада ҳам маҳаллий ҳокимлар ва султонлар ўртасидаги низолар унинг режасини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, энг сўнгги хоразмшоҳнинг ҳукмдорлиги шу тариқа 1231 йилнинг кеч ёзида тугайди.

**Чигатой улуси.** Мовароуннахрни бевосита идора этиш ишлари илгари Чингизхон ҳузурда хизмат қилган хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавочга берилади. 1238 йилда Чигатой Маҳмуд Ялавочни амалидан четлаштириб, Мовароуннахрдан чиқариб юборади. Бунга Маҳмуд Ялавочнинг исёнкор вилоятларда кўзғолонни бостиришдаги сусткашлиги ҳамда аҳолига раҳм ва шафқат қилиб, уларга солинадиган солиқларни камайтириши сабаб бўлган эди. Маҳмуд Ялавоч Ўқтой ҳузурга Қорақурумга етиб боргач, у Дасин (Пекин) шаҳрига волий (губернатор) қилиб тайинланади. Мункэ қон даврида Хоразмдан то Хитой чегарасигача бўлган мамлакатларга Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Масъудбек ноиб ҳамда ижарадор қилиб тайинланади. Масъудбек ҳам Мовароуннахрда отаси бошлаган сиёсатни давом эттириб, улус даромадини ҳокон хазинасига аввалдан тўлаб, аҳолидан «барот» асосида уни кўпайтириб йиғиб оларди.

13-аср ўрталарида Мовароуннахрдаги ўтроқ ҳаёт, бошқарув тартиблари, илғор шаҳар маданияти таъсирида Чигатой улуси мўғул зодагонларининг бир қисмида ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтиш, маҳаллий аҳолининг бой маданиятидан фойдаланишга мойиллик кучаяди. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзодалар ва айрим ҳоконлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши бўлиб, мамлакатни бутунича яйловга айлантириб, шаҳарларни йўқотиш тарафдори эдилар. Уларни кўпроқ ўлкаларни қўлга киритиб бойликларини талаш, аҳолисини асирга олиб ҳайдаб кетиш қизиқтирар эди. Ўтроқ ҳаёт кечираётган маҳаллий зодагонлар, руҳоний ва савдогарларнинг асосий қисми марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интиларди. Чунки деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдодан олинадиган турли солиқлар давлат хазинасининг даромад манбаи эди. Бунинг учун хонавайрон бўлган хўжаликни тиклаб, экинзорларни поймол этишни тўхтатиш, солиқ ва ҳашарларни тартибга солиш зарур эди.

Мўғулистоннинг улуғ ҳокони Мункэ ва Чигатой улусининг ноиби Масъудбек шундай сиёсат тарафдорлари эди. Мункэ аввал берилган пайза ва ёрликларни бекор қилади, ёмлар ишини, солиқ ва ҳашарларни тартибга солади. Мункэнинг қонунлаштирилган чора-тадбирлари чекланмаган солиқ ва йиғимларни тартибга солиб, ўзбошимчалик билан йиғиб олинадиган ҳисобсиз тўловлардан аҳолини озод этади. Натижада шаҳар ҳунармандчилиги, деҳқончилик, ички ва ташқи савдо жонлана бошлайди. 13-асрнинг 80-йилларида Мовароуннахр ноиби Масъудбек пул ислоҳоти ўтказади. У Мовароуннахрнинг 16 шаҳар ва вилоятида, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Тароз, Ўтрор, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангалар зарб эттириб муомалага чиқаргач, мамлакатда товар ва пул муносабатлари тиклана бошлайди.

14-асрнинг 1-ярмида Чигатой улусида мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни тезлашиб, уларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Мовароуннаҳрдек маданий ўлка билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ва ўтроқ ҳаёт кечиришга интилган Чигатой хонларидан бири Кепакхон эди. У ҳокимиятни бевосита ўз қўлига олади (1318-26). Қашқадарё воҳасида қадимги Насаф шаҳридан 2 фарсах нарида у ўзига қароргоҳ - сарой (қарши) қурдиради.

Кепак маъмурий ва пул ислохотлари ўтказди. Мамлакатни туманларга бўлиб, уларни ноиблар орқали идора этиш тартибини жорий этади. Кумушдан динар (вазни 2 мисқол) ва дирҳам (учдан бир мисқол) тангалар зарб қилинади. Натижада ички савдо-сотик тартибга солинади, ташқи савдо муносабатлари ҳам яхшиланади. Чингизхон давридан хароба ҳолда ётган Балх шаҳри қайта тикланади, мўғуллар аста-секин ўтроқлашиб деҳқончилик билан шуғуллана бошлайдилар. Уларда туркийлашиш жараёни кучайиб, айна вақтда ислом динини қабул қила бошлайдилар. Мўғул ҳукмдорлари ва мулкдорлари ўртасида мўғулларнинг ўтроқлашувига 2 хил муносабат юзага келди. Етгисувлик мўғуллар кўчманчилик анъаналарига содиқ қолиб, деҳқончилик воҳаларидаги шаҳарларни бутунлай бузиб ташлаш тарафдори эди.

Натижада 14-асрнинг 40-йилларида Чигатой улуси иккига бўлиниб кетади. Унинг шарқий қисмида — Шарқий Туркистон ва Етгисувда қолган туркий ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса Мўғулистон деб атай бошлайдилар. Ғарбий қисмида эса Мовароуннаҳр амирлиги ташкил топади. Мовароуннаҳрга кўчиб кетган қабилалар эса чигатойлар номи билан машҳур бўлди.

Мовароуннаҳр аҳолисининг иқтисодий ҳаёти жонлана бошлади. Мўғуллар истилоси даврида хароб бўлган шаҳарлар, хусусан хунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончилик аста-секин тиклана борди. Йирик шаҳарлардан Урганч ва Бухоро қайта қурилди, қадимги Самарқанд вайроналари ёнида эса янгидан шаҳар қад кўтарди. Шаҳар бозорлари гавжумлашади. Аммо шаҳарсозлик тараққиёти ҳали Чингизхон истилоси арафасидаги даражагача етмаган эди.

13-асрнинг 2-ярми ва 14-аср бошларида шаҳар ва қишлоқларда хўжалик ҳаётининг жонланиши билан, мўғуллар истилоси даврида инқирозга юз тутган фан, адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари ҳам тиклана бошлади. Бу даврда, биринчи навбатда, шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилади.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда бу даврга келиб, шаҳар вайроналари орасида маҳобатли иморату иншоотлар (масжид, Мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора ва саройлар) қад кўтаради. Ўша асрларда бино қилинган кўпгина моддий маданият обидаларидан айримлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Боҳарзий мақбараси ва Баёнқулихон мақбараси, Самарқанддаги машҳур Шохизинда меъморий ансамблининг асосий қисми бўлган Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонаси, Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро мақбараси ва Тўрабекхоним мақбараси шулар жумласидандир. Шунингдек, бу даврда мақбаралар билан бирга масжид, Мадраса ва саройлар ҳам қурилади. 13-аср ўрталарида Бухорода «Масъудия» ва «Хония» мадрасалари бино қилинган. 13-асрнинг 2-ярми ва 14-аср бошларида фан ва адабиёт, асосан, мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатилмаган мамлакатлар - Кичик Осиё(Рум), Жанубий

Эрон ва Ҳиндистонда тараққий қилади. Фақат 14-аср охири ва 15-аср бошларига келгандагина адабий муҳит марказлари Мовароуннахр ва Хуросонга кўчади.

13-асрнинг 2-ярмидан айниқса тарихнавислик тараққий қилади. Бу даврда *Жузжонийнинг* йирик асари «Табакоти Носирий», *Жувайнийнинг* «Тарихи Жаҳонгушой» («Жаҳон фотиҳи (Чингизхон) тарихи»), *Рашидуддин* Фазлуллоҳнинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») каби қимматли тарихий асарлари ёзилади. Бу асарлар ўша давр тарихи, айниқса мўғуллар истибдодини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

## **2. Жалолиддин Мангуберди юрт химоячиси**

Мўғул босқинчиларига қарши мардонавор кураш олиб борган Хоразм эли қахрамони; Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори (1220—1231йй). Уни мўғулларга қарши олиб борган асосий жанглари:

*Нисо жанги* (1221 й.) - Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши дастлабки зафарли жанглиридан бири. Чингизхон, Муҳаммад Хоразм шоҳнинг фарзандлари Урганчдан чекинишганидан дарак топгач, Хуросоннинг шимолий чегараларига мўғулларнинг кузатувчи кўшинларини жойлаштиришга фармон берган. Нисо шаҳрининг теварак-атрофида 700 отликдан иборат мўғул аскарлари турган эди. Жалолиддин Қорақумдан ўтиб 300 отлик аскарлари билан тўсатдан мўғулларга шиддат билан ҳужум қилган. Мўғуллар саросимага тушиб қурол-яроғ ва озиқ-овқатларини ташлаб қочганлар, улардан озгинаси қутулиб қолган. Насавий бу жангни мўғуллар билан бўлган урушдаги мусулмонларнинг дастлабки ғалабаси деб атайди. Нисо жангидаги ғалаба туфайли Жалолиддин ва унинг сафдошлари ҳориган отларини алмаштириб, эсон-омон Нишопурга етиб олишга муваффақ бўлишган.

*Парвон жанги* (1221) - Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган жанглиридан бири. Жалолиддин ўзининг турли қабилалардан ташкил топган кўшини (60—70 минг киши) билан мўғулларга қарши чиқиб, Парвон яқинида жанг майдонини эгаллаган. У бу ерда туриб даставвал Тохаристондаги Валиён (ёки Валиштон) қалъасини камал қилаётган мўғул кўшинини тор-мор этган. Чингизхон Жалолиддинга қарши Шиқи-Хутуху нўён бошчилигида кўшин (30 минг, бошқа манбага кўра, 45 минг киши) жўнатган. Парвондан бир фарсах (6—7 км) масофадаги ерда бўлган жангда мусулмонларнинг ўнг қанотига Жалолиддиннинг қайнотаси, қанғиллар кўшини сардори Амин ал-мулк, сўл қанотига Сайфуддин Ағроқ туркман халажлардан ташкил топган кўшинга бошчилик қилган. Жанг икки кун давом этган, мўғуллар қаттиқ жангдан ҳолдан тойганларида Жалолиддин карнай чалдириб кўшинига отларга минишга фармон берган ва умумий ҳужумга ўтган, шу билан жанг тақдири ҳал бўлган. Шиқи-Хутуху фақат озгина жангчилари билан Чингизхон ҳузурига қайтиб келган. Парвон жанги мўғулларнинг бу урушдаги энг катта мағлубияти бўлган.

*Синд дарёси бўйидаги жанг* — Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон кўшинлари ўртасидаги жанг (1221 йил 24—26 ноябрь). Парвон жангида мағлуб бўлган мўғуллар Чингизхон бошчилигида улкан лашкар тўплаб Жалолиддинга қарши отланган. Сон жихатдан мўғуллар бир неча баробар зиёд бўлган, шу туфайли хоразмликлар Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинишган. Жалолиддин Парвонда аввал уни тарк этган Сайфуддин Иғроқ, Аъзам малик ва Музаффар

малик каби амирлар билан бирлашиб, Чингизхонга қарши жанг қилишга қарор қилади. Аммо, ўйланган режанинг амалга ошишига ёв имкон бермайди. Илдам етиб келган Чингизхон Жалололидиннинг Ўрхон бошлиқ уғруқига хужум қилиб, уни яксон этади. Душманнинг лашкари билан Синд дарёси орасида қолган Жалололидиннинг жангга киришдан узга чораси қолмайди. Синд дарёси бўйидаги жанг 1221 йилнинг 24 ноябрь эрта саҳарда бошланади ва 3 кун давом этади. Дастлабки кун Жалололидин хос аскарлари билан ёвнинг Чингизхон жойлашган марказига шиддатли хужум уюштиради ва уни 2 бўлакка ажратиб юборади. Аммо, 10 минг кишилиқ мўғуллар пистирмаси унинг йўлини тўсади. Бу пистирма Жалололидиннинг қайнотаси Амин ул-Мулк қўмондонлигидаги ўнг қанотни тормор этади, қолган-қутганларини эса Жалололидин зўр шижоат билан жанг олиб бораётган марказгача қувиб боради. Хоразмликларнинг сўл қаноти мўғулларга бардош беролмай енгиледи. Оғир аҳволда қолган Жалололидин 700 га яқин отлик аскарлари билан мардларча қаршилиқ кўрсатади. Чингизхон уни тириклайин қўлга олишни буюради. Душман султонни қуршовга олади, улар ўз ниятларига етай деб турганда Жалололидиннинг тоғаваччаси ва хос амирларидан бўлган Ахос малик уни ҳалқа ичидан олиб чиқишга эришади. Жанг вақтида султоннинг гўдак ўғли ёв қўлига асир тушади. Чингизхон уни қатл этишга хукм қилади. Жанггоҳдан чиққан Жалололидин қариндош-уруғлари билан видолашади ва уларни Синдга ғарқ қилишга ижозат беради, сўнгра қайта хужумга ташланади, ноилож аҳволда қолгач, оти билан дарёга сакрайди. Дарёнинг нариги қирғоғига соғ-саломат ўтиб олган султоннинг бу қаҳрамонлигини кўрган Чингизхон Жалололидини таъқиб этишни ман қилади ва ўз аъёнлари ҳамда фарзандларига қарата шундай дейди: «Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб — олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди!». Жалололидин Синддан сузиб ўтишга муваффақ бўлган 4 мингга яқин аскарлари билан бирлашади ва Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари томон йўл олади. У кўп йиллар давомида мўғулларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бориб, она Ватаннинг фидоий фарзанди, моҳир саркарда эканлигини намойиш этган.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Хоразмшоҳлар салтанатининг мўғул давлати билан муносабати қандай эди?
2. Хоразмшоҳлар давлатидаги ички зиддиятларни кучайиб бориши қандай оқибатларга олиб келди?
3. Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг Мовароуннаҳр истило қилиши ҳақида сўзлаб беринг.
4. Хоразмшоҳлар давлатининг инқирози сабаблари нимада?
5. Жалололидин Мангуберди жасорати ҳақида гапириб беринг.
6. Мўғуллар истибдодидан қайси шаҳарлар кўпроқ зарар кўрди?
7. Маҳмуд Торобий кўзғолони қачон ва қандай бошланди?
8. Маҳмуд Торобий кўзғолонинг аҳамияти нимада бўлди?
9. Чиғатой улусининг вужудга келиши ва бошқаруви ҳақида маълумот беринг.
10. Чиғатой улусида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт қандай бўлган?

### ***Таянч тушунчалар:***

**барот** – ижарага олиш; солиқлар маҳаллий хонлар томонидан барот тартибида аввалдан тўпланиб, аҳолидан йиғиб олиш пайтларида улар шубҳасиз расмийлаштирилган миқдордан ошириб ундирилган.

**босқоқ** – мўғуллар ҳукмронлик қилган XIII – XIV асрларда маҳаллий ҳоким

**динор** – бир мисқол (4,8 *гр*) оғирликда сўқилган олтин ёки кумуш танга.

**дирҳам** – майда кумуш танга.

**ём** – савдо йўлларида жойлашган бекат; уларнинг хизмати ва харажати ҳам аҳолига юклатилган эди.

**икто** – йирик мансабдорга ҳадя этилган ер ва мулк.

**иктодор** – барча солиқ ва тўловлардан озод этилган йирик мансабдор, ҳарбий маъмур

**кадивар** – йирик заминдор ва уларнинг хўжаликларига қарам бўлиб қолган деҳқон.

**калон** - XIII асрдаги ер солиғи; ҳосилнинг 1/10 қисми ҳажмида

**кешик** - XIII асрда мўғуллар кўшинидаги захира қисм; махсус гвардия

**музорий** – зироаткор деҳқон, полизкор

**мулки девон** – давлат ерлари

**мулки инжу-хон** – ноиблар ва уларнинг авлодлари тасарруфидаги ерлар

**мулки вақф** - мачит, мадраса, хонақоҳ ва мақбаралар ихтиёридаги ерлар.

**мулклар** – хусусий ерлар

**нўён** – бир туман (10 минг) кўшин кўмондони. Қадимги турк ва мўғул кўшинларида шахзода ва султонлар нўён деб аталган. XIV- XVI асрларда энг нуфузли амирларгина нўён бўлган.

**Олтин Ўрда** – тарихий манбаларда Жўчи улуси деб ҳам юритилади. XIII асрнинг 40-йилларида Чингизхоннинг набираси Жўчихоннинг ўғли Ботухон (1208-1255 йй.) томонидан босиб олинган Шарқий Европа Жўчи улусига қўшилгач, ташкил топган давлат Олтин Ўрда деб аталган.

**пайза** - ёрлик

**суюрғол** – олий табақа зодагонларга инъом қилинган ер-мулк

**туман** – 1) ўн минг деган маънони англатади. Ўн минг аҳолиси бўлган ёки ўн минг кишилиқ кўшин етказиб беришга қодир бўлган округ. Шунингдек, ўн минг отлиқдан ташкил топган кўшин ҳам туман деб аталган; 2) Октябрь инқилобига қадар Ўрта Осиёда маъмурий-ҳудудий бўлиниш; уезд.

**улус** – тор маънода маълум бир уруғ, қабила яшаб турган сарҳадни ифодалаган; кенгроқ маънода эса хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар ва уларга бўйсунувчи ҳамда шу ерда истиқомат қиладиган аҳолини қамраб олган маълум бир сарҳад тушунилган.

**хоқон ёки қоғон** - ҳукмдор, подшо

**хоқон** – турк, хитой, мўғул ҳукмдорлари унвони.

**хон** – туркий халқлар ва мўғул ҳукмдорларининг унвони. Дастлаб қабила бошлиғи, кейинчалик олий ҳукмдорни англатган.

**Хўжанд** – ҳозирги Тожикистон Республикасидаги давлат.

**чиғатой улуси** – Чингизхон томонидан Чиғатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятларнинг умумий номи (1224 йилдан бошлаб). Ҳудуди Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқардан иборат бўлган.

**чиғатойлар** - Чиғатой улусини идора этган сулола (1224-1370 йй.). Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатой (1242 йил вафот этган) номидан келиб чиққан.

**шулен** – XIII асрда олинган озиқ-овқат солиғи; ҳар бир подадан икки яшар қўй, қимиз учун ҳар минг отдан бир бия ҳисобида олинган.

**ясо (Ёсоқ)** – Чингизхон замонида жорий этилган қонун-қоида. Фуқаролар ясога, яъни қонун-қоидаларга қандай амал қилаётганини назорат қилиб турувчи кичик мансабдор ясовул деб айтилган.

**ясовул** – ўрта асрларда Мўғулистон, Ўрта Осиёда подшоҳ ёки хон саройидаги кичик мансабдор. Олий ҳукмдорнинг амру-фармойишларини бажарувчи шахсий хизматкори.

**Ўтрор** – Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Арис дарёси бўйида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри.

**қопчур** – мўғуллар даврида чорвадан олинадиган солиқ; 100 бош чорвадан 1 бош олинган.

**Ғазна** – Афғонистоннинг йирик шаҳарларидан. Қобулнинг жанубида, Ҳиндистонга олиб борадиган карвон йўли устида жойлашган.

## **8-мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт**

Режа:

- 1. Мовароуннаҳрдаги сиёсий парокандалик ва сарбадорлар ҳаракати.*
- 2. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва унинг ҳарбий юришлари.*
- 3. Темурийлар ва темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти.*
- 4. Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт.*

1. 1348 йил Чиғатой наслидан бўлган Туғлуқ Темур Мўғулистон хони қилиб кўтарилди. Мўғулистон амирлари улуснинг ғарбий қисми — Мовароуннаҳрни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди. Бир неча бор Мовароуннаҳр устига юриш қилиб, уни талаб қайтди. Мўғуллар истибдоди ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланди. Мана шундай бир даврда соҳибқирон Амир Темур сиёсат майдонига дастлабки қадамларни қўймоқда эди. Амир Темурнинг отаси Амир Тарағой ва амакиси Ҳожи Барлослар барлос қабиласининг йирик мулкдор амирларидан эди. Амир Темур ёшлик чоғиданоқ ҳарбий ишга ниҳоятда қизиқарди. Унинг атрофида маҳаллий ёшлар тўплана бошлади. Амир Темур қўл остидаги навкарлари билан жанговар жангларда чиникди.

1360 ва 1361 йилларда Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади. У ҳеч қандай қаршиликсиз Қашқадарё воҳасига бостириб кирди. Ўша вақтларда Қашқадарё вилоятининг ҳокими Ҳожи Барлос душманга қарши курашиш ўрнига Хуросонга қочди ва ўша ерда ўлдирилди. Амир Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур ишончини қозониб унинг хизматига ўтди ва Кеш вилоятига ҳоким этиб тайинланди. Туғлуқ Темур ўғли Илёсхожани Мовароуннаҳрнинг ҳокими этиб юборди. Аммо Амир Темур унга хизмат қилишни истамасди ва Балх ҳокими амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан иттифоқ тузди. Амир Темур Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйлангач, уларнинг иттифоқи қариндошлик алоқалари туфайли янада мустаҳкамланди. Амир Темур аввал ўзбошимча амирларга қарши ички, сўнгра эса мўғулларга қарши ташқи кураш олиб борди. Сейистондаги жангларда қўли ва оёғидан оғир яраланди.

1363 йил Туғлуқ Темур вафот этиб, Мўғулистонда хонлик тахтини Илёсхожа эгаллайди. Ўша йили Амударёнинг чап соҳилидаги Қундуз шаҳри ёнида мўғуллар билан бўлган 1-жангда Амир Темур ғалаба қозонди. Илёсхожа 1365 йилда катта қўшин билан Сирдарё томон йўлга чиқди. Ҳусайн ва Амир Темур ҳам зудлик билан жангга тайёрландилар. Улар ўртасидаги жанг ўша йили 22 майда Чиноз билан Тошкент ўртасида бўлди. Жанг пайтида қаттиқ жала ёғиб, ҳаммаёқ лой бўлганлигидан тарихда у «Лой жанги» номи билан машҳур бўлиб қолган. Жангда Амир Темур билан Ҳусайн келишиб ҳаракат қилмаганликлари оқибатида уларнинг бирлашган қўшини мағлубиятга учради. Бу мағлубият душманга Мовароуннаҳрга, хусусан, унинг марказий шаҳри Самарқандга томон йўл очиб берди. Мўғуллар Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларида одатий талон-торожни яна давом эттирдилар. Бундай оғир бир сиёсий вазиятда ҳокимиятсиз қолган мамлакат аҳолиси, гарчи ўз холига ташлаб қўйилган бўлса ҳам, она юрт мудофаасини ўз қўлига олишга ва мўғуллар ҳужумини қайтаришга киришди. Қўзғолонга Мадраса талабаси Мавлонозода, пахта титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи Наддоф ва мерган Хурдак Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар мўғулларга Самарқанд шаҳрида қакшатқич зарба бердилар. Илёсхожа дастлаб Самарқандни, сўнгра эса бутун Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шу тариқа Самарқандда сарбадорлар ҳокимияти ўрнатилди. Улар бутун қиш давомида Самарқандни ўзлари идора қилиб турдилар. Сарбадорлар ғалабаси тўғрисидаги хабар Ҳусайн билан Амир Темурга ҳам бориб етди. Амир Темур қишни Қаршида, Ҳусайн эса Амударё бўйида ўтказиб, 1366 йил баҳорида улар сарбадорлар қўзғолонини бостириш учун Самарқандга йўл олдилар. Улар Самарқанд яқинидаги Конирил мавзеида тўхтадилар. Ҳар иккала амир сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабаларидан мамнун бўлганликларини ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Бироқ, сарбадорларнинг бошлиқлари амирлар ҳузурига келганларида, улар қатл этилади. Фақат Мавлонозодани Амир Темур ўз ҳимоясига олиб қутқариб қолади. Шу тариқа сарбадорлар бошлиқсиз қолдирилиб, Мовароуннаҳрда Амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо кўп ўтмай Ҳусайн билан Амир Темур ўртасидаги муносабат ёмонлашиб, очикдан-очик низога айланади. Амир Темур эса Кеш ва Қарши вилоятларининг ҳукмдори бўлиб қолиб, Амир Ҳусайнга қарши курашга ҳозирлик кўра бошлайди.

2. Амир Темур эътиборини Мовароуннаҳрда марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди. 1370 йил март ойида Амир Темур яхши қуролланган қўшини билан Кешдан чиқиб, Балхни қамал қилиб, шаҳарни эгаллади, Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори Амир Ҳусайн қатл этилди. Ўша йили Балхда қўшин бошлиқларининг қурултойида Амир Темурнинг ҳукмронлиги расман қарор топади. Амир Темур қадимги одатга биноан оқ кигиз устига ўтқазилиб, юқори кўтарилади. Амир Темурнинг пири Саййид Барака дуойи фотиҳа қилгач, у Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинади. Авваламбор бу даврда Амир Темурга мустаҳкам пойтахт зарур эди. Шу мақсадда у 1370 йилда Самарқандга келди. Бу ерда у шаҳар деворлари, қалъалар ва саройлар бино қилишга киришди. Айна пайтда у ҳолдан тойган мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этди.

1372 йилда Амир Темур Хоразмга биринчи бор юриш қилди. Хоразмликлар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, Амир Темурга бўйсунмадилар. Шу боисдан Амир Темур Хоразмга 5 марта юриш қилиб, ниҳоят, 1388 йилда уни бутунлай қўлга



киритишга муваффақ бўлди. У тез орада кўшни давлатлар ва халқлар устига юриш қилиб, уларни ўз давлатига кўшиб олиш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўз юришини Амир Темур даставвал Хуросондан бошлади. 1381 йил у Ҳиротни, 1381-84 йилларда Эроннинг катта қисмини эгаллади. Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом(Сурия) устига 3 марта лашкар тортди. Бу юришлар тарихда «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» урушлар номи билан машҳур. Уч йиллик (1386—88) ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озарбайжон, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди. Сўнг шимолга юриш бошлаб, хузурига ҳомийлик истаб келган Оқ Ўрда хонзодаларидан Тўхтамишга бир неча бор ҳарбий ёрдам берди. 1379 йилда Тўхтамиш Амир Темурнинг ҳомийлигида Оқ Ўрда, кейинроқ Олтин Ўрдани қўлга киритгандан сўнг, Амир Темур кутгандек унинг таъсири ва паноҳи остида қолмади. Тўхтамиш оёққа туриб олгач, мустақил сиёсат юргизиб, кези келганда ҳатто Амир Темурга қарши иш кўра бошлади. Ҳатто 1387-88 йилларда Тўхтамиш Амир Темурнинг навбатдаги ҳарбий юриши вақтида фурсатдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга ҳужум қилди. Олтин Ўрданинг қайта бирлаштирилиши ва унинг кучайиб бориши Амир Темур давлати учун ниҳоятда хавфли эди. Бу хавфни бартараф қилиш учун Амир Темур Тўхтамишга қарши 1389, 1391 ва 1394-95 йилларда 3 марта катта юриш қилди. 1391 йилнинг 18 июнида бу ерда 3 кун қирғинбарот жанг бўлиб, у Тўхтамиш кўшинининг батамом мағлубияти билан тугади. Амир Темур ва Тўхтамиш кўшинлари ўртасида сўнгги шиддатли жанг 1395 йилда Шимолий Кавказда Терек дарёси водийсида содир бўлди. Шундан сўнг Амир Темур ўзининг диққат-эътиборини бутунлай Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ярим ороли, Ҳиндистонни забт этишга қаратди.

Амир Темур «беш йиллик уруш» (1392-96) даврида Астробод ва Мозандаронни қўлга киритгач (1392 й.), тоғли Эроннинг асосий шахри Омунли, сўнгра Лористон ва Ҳузистонни забт этди. 1393 йил Жанубий Эрон фатҳ этилгач, Музаффарийлар давлати барҳам топган. Амир Темур Озарбайжонни батамом бўйсундириш учун катта кўшин билан бир неча бор юриш қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, 1397 йилда Озарбайжон Амир Темурга бутунлай таслим бўлди.

1398 йилнинг май ойида Амир Темур 92 минг аскар билан Амударёдан ўтиб Ҳиндистонга юриш қилди. Августда Қобул шахрини забт этгач, Ҳинд дарёсидан ўтиб, декабрь бошларида Дехлига яқинлашади. Панипат яланглигида содир бўлган жангда Амир Темур кўшинлари зафар кучади. 1399 йилнинг бошларида Амир Темур 15 минг аскар билан Дехлига кириб борди. Ўлжа олинган бойликлар билан малакали бинокор уста ва ҳунармандлар Самарқандга жўнатилди, қолган қисми амир ва лашкар бошлиқларига бўлиб берилди. Амир Темур кўшин тортиб Ганг дарёси соҳилларигача борди. Ўша ердан орқага қайтиб, 1399 йилнинг баҳорида Самарқандга етиб келди.

Пойтахтда Амир Темур қисқа вақт дам олгач, Ғарбий Осиёга янги сафар ҳозирлигини кўриб кўшинлари билан йўлга чиқди. 1400 йилнинг ёзида Сурияга юриш қилди. Аввал Ҳалаб (Алеппо) ва Байрут шаҳарлари олиниб, 1401 йилнинг бошларида бир ойлик камалдан сўнг Дамашқ таслим бўлди. Шундай қилиб 1399—1404 йиллардаги ҳарбий юришлар натижасида Шомнинг Ҳалаб, Хумс, Баалбек, Дамашқ каби йирик шаҳарлари ва араб Ироқининг Убулистон ўлкаси билан Бағдод забт этилади. Усмонли турк империяси султони Боязид I Йилдирымга тегишли Камоҳ қалъасини, сўнгра Анқарани камал қилади. Амир Темур билан Боязид кўшинлари

ўртасида жанг 1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида бошланди. Жангда Султон Боязиднинг кўшини батамом тор-мор этилиб, ўзи асир олинди. 1404 йил майида Амир Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтиб келади ва ўзининг Хитойга бўладиган ҳарбий юришига тараддуд кўради. 1404 йилнинг охирида қаҳратон кишда у яхши қурулланган 200 минглик кўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқади. Лекин Хитой устига юриш Соҳибқироннинг Ўтрорда вафоти (1405 йил 18 февраль) туфайли амалга ошмай қолади.

Шундай қилиб, Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадарли ғоят катта ҳудудни ўз ичига олган улкан бир салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, яна у Осиёнинг жан.-ғарбий қисмлари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шим.-ғарбда қуйи Волга, Дон бўйлари, шим.-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёси бўйлари ҳамда жан.-шарқда Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни бирлаштириб, мустаҳкам, қудратли давлат барпо этган ва унда адолат қарор топдириб, фан, маданият, шаҳарсозлик ривожланиши учун қулай муҳит яратишга муваффақ бўлди.

**3.** Амир Темурнинг мотам маросимлари тугар-тугамас, ворислар ўртасида тожу тахт талашуви бошланади. Амир Темурнинг васиятига мувофиқ, Пирмуҳаммадни тахтга ўтқозиш тарафдорлари кучли бўлса-да, бироқ Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо 1405 йилнинг 18 март куни Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилди. Гарчи Шоҳрух 1405—08 йилларда Халил Султондан Самарқандни тортиб олишга ва отаси Амир Темурнинг тожу тахтини эгаллашга ҳаракат қилса-да, аммо уддасидан чиқа олмайди. Бунга Балх, Сейистон, Хуросон ва Озарбайжонда темурий шахзодалар ва айрим нуфузли амирларнинг бирин-кетин кўтариб турган ғалаёнлари жиддий тўсқинлик қилади. Ўзаро тахт талашилар натижасида Амир Темурнинг валиаҳди Пирмуҳаммад ва ўртанча ўғли Мироншоҳ ғалаён ва фитналарнинг қурбони бўлдилар.

1409 йил баҳорида Мовароуннахрда вазият янада кескинлашди. Амир Худойдод Ўратепа ва Шоҳрухия шаҳарларини осонгина қўлга киритиб, Самарқандга томон аскар тортди. Зарафшон дарёси бўйидаги Шероз қишлоғи яқинида содир бўлган жангда Халил Султон кўшини мағлубиятга учради, ўзи эса асирга олинди. Худди шу даврда Сейистон ҳокими Шоҳ Қутбиддин ва Кирмон ҳокими Султон Увайсларнинг кўзғолонини бостириб, бу вилоятда тўла осойишталик ўрнатишга улгурган Шоҳрух эндиликда бутун эътиборини Мовароуннахрга қаратди. 1409 йил 25 апрелда у Амударёдан ўтиб, Самарқанд сари юриш қилди ва жангсиз шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлди.

Амир Темур вафотидан кейин қарийб 5 йил давом этган ўзаро уруш ва исёнлар, шубҳасиз мамлакатнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди. Шу боисдан Шоҳрух Амир Темур ҳукмронлиги ўрнатилган вилоятларни ўз қўл остига олишга ҳамда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муттасил ҳаракат қилди. 1420 йилларга келиб у Амир Темур меросининг, Сурия ва Мисрдан ташқари, асосий қисмини ўз тасарруфига олди. Шоҳрух бундан буён мамлакатни бошқаришда темурзода ва нуфузли амирлардан иборат ҳокимларнинг аксариятига ишончсизлик билан қаради. Уларнинг ўрнига деярли ҳамма вилоятларда ўз ўғиллари ва набираларини ҳамда ўзига яқин тутган қариндошларини ноибликка тайинлади. Шоҳрух Балх билан Бадахшон вилоятларини Иброҳим Султонга, Қобул, Ғазна ва Қандаҳорни Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир

қисмини ҳамда Ҳабушон, Нисо, Обивард вилоятларини Бойсунғур Мирзога, Эроннинг ғарбий ўлкалари ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Муҳаммадга, Форс вилоятини Абдулла Мирзога суюрғол тариқасида инъом қилди. Шохрух шу йўл билан мамлакатни бошқариш енгил бўлади, деб ўйлади. Бироқ, натижа у кутгандек бўлиб чиқмади. Бунга Шохрух кейинроқ невараси Султон Муҳаммаднинг (Бойсунғур Мирзонинг ўғли) қилмишларидан сўнг ишонч ҳосил қилди. Султон Муҳаммад Эронга ҳоким қилиб тайинлангач, бобосига ноиблик қилишдан бўйин товлаб, ўзбошимчалик билан ўз ерларини кенгайтиришга киришади. Шохрух итоатсиз набирасига қарши қўшин тортишга мажбур бўлади.

Шохрухнинг узоқ ҳукмронлик даврида Амир Темур давлатининг асосий қисми унинг қўл остида сақланиб қолса-да, аммо бу улкан мамлакат 2 давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жанубда жойлашган Шохрух давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот шаҳри эди. Иккинчиси эса, Амударёдан шимолда Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улуғбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

1409 йилда Шохрух Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдида 15 ёшли Мирзо Улуғбекни Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким қилиб тайинлади. Шаҳзода балоғатга етгунга қадар давлатни бошқаришни Шохрух ўзининг содиқ амирларидан бири Шохмаликнинг ихтиёрига топширади. Ўша пайтларда Улуғбек билан Шохмаликнинг муносабатлари бузилиб қолади. Чунки шухратпараст оталик Улуғбекни давлат ишларига яқин йўлатмай, ҳатто у билан ҳисоблашмай ҳам қуйган эди. Шу сабабли Шохрух 1412 йилда Шохмаликни Самарқанддан олиб кетишга мажбур бўлади. Ўша вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Туркистонни бошқариш батамом 18 яшар Улуғбек қўлига ўтади. Мамлакатда маълум даражада ҳокими мутлақ бўлиб олган Улуғбек эндиликда Фарғонани амакиваччаси Амирак Аҳмад қўлидан тортиб олиб, бу ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. 1414 йилда у катта қўшин билан Фарғонага боради. Улуғбекнинг қўшинига бас келишга кўзи етмаган Амирак Аҳмад жангсиз Андижон ва Ахсини топшириб, Ўш ва Олай орқали Қашқарга қочади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай Қашқар ҳокимининг мадади билан Фарғонани қайтариб олади. Ўш яқинидаги жангда Улуғбек қўшини мағлубиятга учрайди. Бу воқеадан сўнг Улуғбек 1415 йилнинг баҳорида Фарғонага 2-март қўшин тортишга мажбур бўлади. Бу гал ҳам Амирак Аҳмад Улуғбекдан чўчиб яна Қашқарга қочади. Шохрухнинг Амирак Аҳмад номига ишончнома юбориб бу ишга аралашуви туфайли шаҳзодалар ўртасидаги ўзаро низо ҳал этилиб, Фарғона ҳам, Қашқар ҳам Улуғбекнинг қўлига ўтади.

Улуғбек 1425 йилнинг эрта баҳорида Мўғулистон устига юриш бошлади. Иссиққўл яқинида содир бўлган тўқнашувда Улуғбек мўғуллар устидан ғалаба қозониб, катта ўлжа билан Самарқандга қайтади. 1427 йилда Улуғбек Дашти Қипчоқда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олган Бароқ ўғлонга қарши юришга мажбур бўлади. Шохрух кичик ўғли Муҳаммад Жўгий Мирзони қўшин билан тезда Улуғбекка ёрдамга юборади. Лекин Улуғбекнинг омади келмади. Бароқ ўғлон Сиғноқ яқинида тунда Улуғбек қўшинига тўсатдан хужум қилиб унга қаттиқ зарба беради. Улуғбек аввал Тошкентга, сўнгра Самарқандгача чекинишга мажбур бўлди.

Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса мамлакат ташқи сиёсатида Улуғбек, айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлсада, аммо аслида у салтанат олий ҳукмдори Шохрухнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва итоаткор ноиби бўлиб қолади. Шохрух 1447 йил 19 март куни невараси Султон Муҳаммад (Бойсунқурнинг

ўғли) исёнини бостириш вақтида бетобланиб Рай вилоятида оламдан ўтади. Хуросон ва Мовароуннаҳрда шахзодалар ўртасида тожу тахт учун кураш яна авжга миниб, мамлакатни бекарорлик чулғаб олади. Бу кураш оқибатида замонасининг машхур олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали суратда шахид бўлади.

4. Амир Темур ва темурийлар даврида, хусусан Улуғбек даврида пойтахт шаҳарларда олиму фузалолар, шоиру бастакорлар, меъмору бинокорлар ва наққошу моҳир хунармандларнинг каттагина гуруҳи тўпланган эди. Мовароуннаҳрда, хусусан Самарқандда илм-фан ва санъатнинг тараққиётида Улуғбекнинг роли ва ҳиссаси ниҳоятда буюк бўлди. Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бирга, илмий ишлар билан ҳам шуғулланади, олимларнинг мунозараларида фаол қатнашади. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-20 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бино қилинади. Ҳатто Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган калима ўйиб ёзиб қўйилади. Мовароуннаҳрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар, хусусан Самарқанд мадрасаси замонасининг дорилфунуни эди. Мадрасада замонасининг иқтидорли олимларидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий етакчи мударрис бўлган. Машхур олимлардан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший ҳамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ва унинг шогирди Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс берганлар. Айрим маълумотларга караганда, мадрасада илми ҳайъат (астрономия) дарсини Қозизода Румий ўтган. Ҳатто Абдурахмон Жомий ёшлик чоғида Самарқандга келиб, Қозизода Румийдан бир неча марта астрономия фанидан сабоқ олганлиги маълум.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият ҳақида маълумот беринг.
2. Амир Темур давлатининг ташкил топиши шарт шароитлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳақида нималар биласиз?
4. Амир Темур давлатининг маъмурий ва ҳарбий тузилиши қандай тамойилларга асосланган эди?
5. Амир Темур мамлакат ободончилиги йўлида қандай ишларни амалга оширди?
6. Амир Темур давлатида дипломатик муносабатлар қандай бўлган?
7. Амир Темур ва Темурийлар давридаги солиқ тизими ҳақида гапириб беринг.
8. Мирзо Улуғбек даврида ички сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эди?
9. Темурийлар сулоласининг инқирози сабаблари нимадан иборат?
10. Улуғбек академияси фаолияти ҳақида гапириб беринг.
11. Темурийлар даврида илм ва фан масалаларига эътибор қандай бўлган?
12. Амир Темур ва Темурийлар давридаги маданий ҳаёт ҳақида нималар биласиз?
13. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.

### ***Таянч тушунчалар:***

**амир ул-умаро** – амирлар амири, олий амир деган маънони англатган. Олтин Ўрда, Чигатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, Амир ул-умарога ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам бўйсунган. Амир Темур ва темурийлар даврида амир ул-умаро фақат олий бош кўмондон, айрим ҳолларда, ҳукмдорнинг худойчиси бўлган.

**айл** – ўнлик кўшин

**банно** – ғишт терувчи бинокор

**бегор** – ҳашар ишлари

**доруға** – ҳарбий маъмур

**доруғона** – доруғалар фойдасига тўпланадиган тўлов

**жета** – қороқчи

**закот** – чорва молларининг 1/40 миқдоридаги солиқ

**изофа** – захира кўшинлар

**кориз** – ер остидан ўтказилган ариқ.

**музорий** – кўшчи; зироаткор, экин экувчи

**риёзиёт** – математика

**расадхона** – осмон жисмларининг ҳолати ва ҳаракатини кузатадиган махсус жой.

**сарбадорлар** – XIV асрда Эрон ва Ўрта Осиёда мўғуллар ҳамда маҳаллий зодагонларга қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати қатнашчилари. Сўзма-сўз маъноси “ўз бошини дорга тикканлар”.

**санад** – шаҳодатнома, ҳужжат

**Соҳибқирон** – 1) Кўёш тизимидаги катта сайёралардан иккитасининг бир-бирини тўсиши пайтида туғилган одам. Ривоятларга қараганда, Амир Темур икки шарофатли юлдуз – Зухро ва Муштарий сайёралари бир-бирига яқинлашган пайтда туғилган экан. Соҳибқирон сўзининг асл маъноси “бахтиёр подшоҳ”, “қудратли подшоҳ” демакдир.

**судси фаҳрий** – секстант (астрономик ускуна)

**суюрғол** – олий табақа зодагонларга инъом қилинган ер-мулк.

**табл** – катта ноғора

**тамға** – савдо божи, савдогарлардан олинадиган солиқ

**тархон** – ёрлик; ушбу ёрликни йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун берилиб, унга биноан мулкдор барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган.

**ушр** – мулк ерларининг бир қисмидан, яъни ҳосилнинг 1/10 миқдорида олинадиган солиқ

**фулус** – майда мис чақа

**хирож** – суғорма деҳқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ

**ялов** – байроқ

**қоравул** – Темур ва темурийлар даврида ҳамда кўчманчи ўзбек хонлари даврида кўшиннинг олдида борган отряд. Қоравулнинг асосий вазифаси кўриқчилик хизматини ўташ ҳамда ҳаракатдаги кўшиннинг олд томонида нималар бўлаётганини кузатиб, ундан доим хонни хабардор қилиб туришдан иборат бўлган. Қоравул биринчи бўлиб жангга кирган. Шунингдек, хон ва султоннинг қароргоҳини кўриқловчилар ҳам қоравул деб аталган. Аммо улар билан кўшин таркибидаги қоравул ўртасида жуда катта фарқ бор. Хон ва султонлар қароргоҳини кўриқловчи қоравуллар хон ва султонларнинг майда хизматкорлари бўлиб, улар

доимо хон ва султоннинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларни кўриклаш билан шуғулланган.

**ҳазора** – минглик кўшин

**хўшун** – юзлик кўшин

## **9-мавзу: Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари**

### **Режа:**

*1. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар.*

*2. Ўзбек давлатчилиги бирлашмасининг шаклланиши.*

*3. Хонликларнинг XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.*

**1.** 1495 йилда Умаршайх (Фарғона) ва Султон Аҳмад (Самарқанд) деярли бир вақтда вафот этдилар. Бу мамлакатда бошбошдоқлик, кўп ҳокимиятчиликни вужудга келтирди. Бу вазиятдан теурийларнинг шимолдаги кўшниси, Дашти Қипчоқда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) фойдаланиб қолиш учун 1497 йилда Мовароуннахрни эгаллаш учун биринчи марта қурол билан бостириб кирди.

XV асрнинг 90-йилларининг ўрталарида Мовароуннахрнинг сиёсий ҳаётида Амир Темурнинг эвараси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ҳам сезиларли роль ўйнай бошлади. 1494 йил 10 июнда 12 ёшида Фарғонада ҳокимият тахтига ўтирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннахрни бирлаштириш учун сўнгги курашни бошлади. 1501 йилнинг баҳорида Бобур Муҳаммад Шайбоний кўшинлари билан жанг қилиш учун Самарқанддан чиқди. Кўҳак дарёси соҳилида бўлган қаттиқ жанг Бобур лашкарларининг мағлубияти билан тугади. Шайбонийхон Самарқандни олиши билан амалда Темурийлар ҳокимияти инқирозга учради. Каспийдан Хитойгача, Сирдарё этагидан Марказий Афғонистонгача бўлган улкан мамлакат Шайбонийлар мулкига айланиб қолди.

1510 йилда Марв яқинида Эрон шоҳи Исмоил билан тўқнашувда Шайбонийхон енгилди ва ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хуросонни эгаллаб, Бобурни шимолга — Мовароуннахрга юришга ундайди, унга кўшин ва ёрдам ваъда қилади. Бобур 1512 йилда Самарқандга юриб, уни эгаллайди. Бироқ халқ уни шоҳ Исмоилнинг гумаштаси деб, кўллаб-қувватламади. Бобур гарчи Мовароуннахрни қайтариб олиш ниятидан воз кечмаган бўлса-да, лекин бундан кейин Шайбонийлар билан кураш олиб бориш мақсадидан қайтиб Қобулга келади. Бобур 1525 йилда Ҳиндистонга бостириб киради ва Дехли султонини, сўнгра ражпутлар ҳокими Ранг Синг кўшинини тор-мор қилади. Бобур бу ўлкада тарихда Буюк мўғуллар номи билан шуҳрат топган Бобурийлар салтанатига асос солади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858 й.) ҳукмронлик қилди. Шундай қилиб, Амир Темур ва унинг авлодлари 144 йил Мовароуннахрда, 37 йил Хуросонда, 332 йил Ҳиндистонда, жами бўлиб тарих саҳифасида 513 йил ўз мавқеларини сақлаб турдилар.

Шайбонийларнинг Мовароуннахрдаги юз йиллик ҳукмронлиги даврида ўтган 8 та хондан учтаси - Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллахон ва Абдуллахон (1557-1598)ларгина шижоатли ҳарбий ҳукмдорлар эдилар. Айнан шу ҳукмдорлар даврида

давлатнинг яхлитлиги сақланди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи бир оз бўлса-да, мустақамланди, сиёсий барқарорлик таъминланди, ислохотлар, қурилишлар олиб борилди.

XVI аср охири XVII асрнинг бошларида Мовароуннаҳр худудида Шайбонийлар ўрнига янги ўзбек сулоласи - **Аштархонийлар**нинг бир ярим асрлик фаолияти бошланади. Аштархонийлар ҳам мамлакатда давом этган ўзаро урушларга ва бошланган инқирозга чек қўя олмадилар. 1599 йилда аштархоний Боқимуҳаммад тахтга ўтирди. У ўз ҳукмронлик йиллари Хоразм, Балх, Шибирғон, Маймана, Бағлон, Бадахшон, Ҳисор ерларига юришлар уюштиради. 1605-1611 йилларда Валимуҳаммад ҳукмронлик қилди. Валимуҳаммаднинг нўноқ сиёсати туфайли, Хуросонда Эрон сафавийларининг мавқеи ошиб боради. Бу эса йирик ўзбек амирларининг норозлигига сабаб бўлади. Ўзаро ички кураш, тарафкашлик Валимуҳаммадга қарши фитна уютиришга олиб келган ва бунинг натижасида Самарқанд ҳокими Имомқулихон (1611-1642) тахтни эгаллаган эди.

Имомқулихон Аштархонийлар орасида энг нуфузли ҳукмдорлардан бири бўлган; Имомқулихон Мовароуннаҳр чегараларига хавф солиб турган кўчманчи қалмиқ ва қозоқ хонларига қарши тинимсиз кураш олиб борди. Унинг укаси Нодир Муҳаммадхон (1642-1645) даврида мамлакатда ички низолар ва ўзаро кураш янада авжига чиққан. Чекка вилоятлар Тошкент, Хўжанд, Туркистон марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган. 1645 йилда Нодир Муҳаммадхоннинг ўғли Абдулазиз султон янги хон деб эълон қилинган. Ваҳоланки, бу вақтда Бухорода ҳали Нодир Муҳаммадхоннинг ўзи ҳукмронлик қиларди. Абдулазизхон ўз ҳукмронлиги йилларида (1645-1680 йй.) Балхни Бухорога бўйсундиришга бир неча бор уриниб кўрган. 1651 йилда Балх тахтига Абдулазизхоннинг укаси Субҳонқулихон султон ўтиради. Кучли олий ҳокимиятнинг йўқлиги ва давлатдаги парокандаликдан фойдаланган Хива хонлари мамлакат ичкарасига тез-тез бостириб кира бошлайдилар. Хива хони Абдулғозихон (1645-1663 йй.) 1655 йилда Мовароуннаҳрга икки марта бостириб киради. Хива лашкарларининг мамлакат ичкарасига ҳужумлари кейинги йилларда ҳам давом этиб турди. Хива билан узоқ давом этган урушлар мамлакатдаги аҳволни оғирлаштиради ва ички зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. 1680 йилда Абдулазизхон тахтни укаси ва валиаҳд Субҳонқули султонга топширади. Субҳонқулихон (1680—1702 йй.) Бухоро хонлигини узоқ йиллар бошқарган.

2. Бу даврда Балх, Бадахшон ҳам Бухоро давлатидан мустақил мулкларга айланди. Бухоро хонлигидаги оғир сиёсий ва иқтисодий вазиятдан Эрон шоҳи Нодиршоҳ (1736-1747 йй.) усталик билан фойдаланди. 1740 йилда Нодиршоҳ Бухоро хонлигига қарши юриш бошлаб, Аштархонийлар қудратига зарба беради. Мамлакатда Абулфайзхон номигагина хон бўлиб, амалда эса бутун ҳокимият оталиқ Муҳаммад Ҳакимбий, 1743 йилда унинг вафотидан кейин Муҳаммад Раҳим қўлига ўтган. Энг яхши лавозимларга оталиқнинг қариндошлари тайинланади. Амалда Бухоро хонлиги Эронга қарам давлатга айланиб қолди. Натижада 1747 йилда Нодиршоҳ фитна туфайли ўлдирилди. Бухоро хонлигида бутун ҳокимият Муҳаммад Раҳим қўлида мужассамлашди. Муҳаммад Раҳим ҳокимият тепасига келгач, 1753 йилда Бухорода манғитлар сулоласига асос солди. Муҳаммад Раҳим (Чингизхон авлодига мансуб эмас эди, шунинг учун у амир унвонини олди, бу даврдаги давлат Бухоро амирлиги деб атала бошланди. Шу тариқа, 1599 йилдан то 1753 йилгача давом этган Аштархонийлар ҳукмронлиги барҳам топди.

Муҳаммад Раҳим ҳукмронлиги даврида (1753-1758) Бухоро амирлигига қарашли ерлар анча қисқарган эди. Унинг таркибига Бухоро, Самарқанд, Миёнқол, Кармана, Қарши, Ғузор, Карки, Чоржўй, Шаҳрисабз вилоятлари кириб, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хонлик тасарруфидан чиқиб кетган эди. Дониёлбий оталиқ ҳукмронлиги даврида (1758-1785) ҳам ўзаро урушлар давом этди. Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошқа жойларда маҳаллий кучлар бош кўтариб, марказга бўйсунмай кўйдилар. Амир Шохмурод ҳукмронлиги даврида (1785—1800) Дониёлбий жорий этган солиқлардан бир қанчаси бекор қилинди, иқтисодий ҳаёт бирмунча яхшиланди. Амир Ҳайдар даврида (1800-1826) ҳам ички ва ташқи урушлар давом этиб турди. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ўртасида Ўрта Осиёда устунликка эришиш учун ўзаро урушлар бўлди. Тошкент, Туркистон, Чимкент ва уларнинг атрофи Қўқон хонлиги таркибига кўшилди. 1825 йилда Хива хони Оллоқулихон (1825-1864) Бухорога қарашли Марвни эгаллади. Тинимсиз урушлар, солиқлар миқдорининг ортиб бориши 1821-1825 йилларда Бухоро ва Самарқанд оралиғида яшовчи хитой-кипчоқ қабилаларининг кўзғолонига сабаб бўлди.

1826 йилда Амир Ҳайдар вафот этгач, бирин-кетин унинг икки ўғли Ҳусайн ва Умар ўлдирилди. Тахтга унинг учинчи ўғли, шафқатсизлиги туфайли "қассоб амир" лақабини олган Насруллахон ўтирди. У ҳокимиятни мустақамлаш учун ўта шафқатсизлик билан кураш олиб борди.

**Хива хонлиги** Муҳаммад Шайбонийхоннинг XVI аср бошларида Хоразмга юришидан сўнг ташкил топган эди. 1511 йилда Шайбонийларга мансуб бўлмаган Дашти Қипчоқ кўчманчилари туб аҳолининг ёрдами билан эронликларга зарба бериб, Хоразм мустақиллигини тикладилар. Элбарс Хива хони деб эълон қилинди. Элбарсхон XVI асрнинг 20-30 йилларида Хоразм ерларини Туркменистоннинг жануби, Эроннинг шимолий Сарахс тумани, Орол бўйлари ва Манғишлоққача кенгайтди. Бухоро ҳукмдорларидан Хивани бўйсундириш учун 1536 йилда Убайдуллахон, 1575 йилда Абдуллахон ҳаракат қилди, лекин бўйсундира олмадилар. Абдуллахон вафотидан (1598) сўнг, Хива хонлиги узил-кесил мустақил бўлди.

XVII-XVIII асрларда Хива хонлигида тарқоқлик ҳукм сурди. Ҳар бир шахзода ўз мулкида мустақил бошқарувга эга эди. Араб Муҳаммад (1602-1623), Асфандиёр (1623-1643) даврида бундай ҳолат янада кучайди. Хонлик ҳудудига қозоқлар, Урал казаклари, қалмиқлар ва Бухоро лашкарлари бир неча бор бостириб кирдилар. Абулғози Баҳодирхон (1643-1663) ва унинг ўғли Ануша даврида (1663-1687) Шохниёз (1688—1702) ва ундан кейин ҳукмронлик қилган Араб Муҳаммадхон II (1702—1714) даврида султонлар ўртасида тахт учун кураш тўхтамади. 1715 йилда Хива хонлиги тахтига Шерғози ўтирди. Бу даврда Петр I Хива хонлигини босиб олиш мақсадида 1715-1717 йилларда Бекович-Черкасский бошчилигида катта экспедиция юборди. Лекин Хива лашкарлари ҳаракат қилиб, рус кўшинларини мағлубиятга учратди. Шундан кейин ҳам кўшни давлатларнинг Хива хонлиги ички ишларига аралашуви давом этаверди. 1728 йили Шерғозихон ўлдирилади ва Хиванинг нуфузли аёнлари таклифига биноан тахтга қозоқ султонларидан бири Элбарс (1728-1740) ўтиради. Элбарсхон даврида Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳарбий юришлар қилинди. Шу даврда Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Хивага қарши уруш бошлади. Элбарсхон ўлдирилиб, Хива хонлиги Эронга бўйсундирилди. Бир йилдан сўнг, 1741 йилда Хивада Эронга қарши кўзғолон кўтарилиб, хонликнинг мустақиллиги тикланди.



1747 йилда қозоқ султонларидан бири Қойим (Каип, 1747-1757) хон деб эълон қилинди.

1763 йилга келиб Хива хонлигида янги сулола - қўнғирот қабиласи вакилларининг ҳукмронлиги бошланди. Муҳаммад Амин инок (1763-1790) 1770 йилда туркманларнинг, 1782 йилда бухороликларнинг ҳужумларини даф этди. 1804 йилда Хивада қўнғиротлар сулоласи амалда эмас, расмий равишда ҳукмрон бўлиб олди. Элтузархон (1804—1806) ва унинг укаси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ҳукмронлиги даврида Хива хонлигининг нуфузи ошди, унинг бирлашиш жараёни тугалланди. 1811 йилда Орол бўйлари, кўп ўтмай қорақалпоқлар, 1822 йилда Марв ва унинг атрофидаги туркманлар бўйсундирилди.

Унинг ўғли Оллоқулихон (1825—1842) даврида хонлик ерлари Сирдарёнинг Оролга қуйилиши жойидан Туркменистоннинг Кушкагача бўлган ҳудудларигача кенгайди. Натижада Эрон билан муносабатлар ёмонлашди. Ундан кейинги хонлар, айниқса, Муҳаммад Аминхон (1845-1855) ва Сайид Муҳаммадхон (1855-1864)лар туркманларга қарши ва Хуросонни эгаллаш мақсадида бир неча марта юришлар қилдилар. Хива тахтида энг кўп ўтирган ҳукмдорлардан бири Муҳаммад Раҳимхон II (1864—1910) бўлиб, унинг даврида Хива хонлиги Россия империясига қарам бўлиб қолди.

XVIII аср бошларида Бухоро хонлигида рўй берган сиёсий ва иқтисодий тушкунлик оқибатида марказий ҳокимият заифлашиб борди. Хонлик тасарруфига киритилган ерларда, айниқса, Фарғонада мустақилликка интилиш кучайиб кетди. Натижада Фарғона алоҳида ўлка бўлиб, хонликдан ажралиб чиқди. Хон авлодлари ўртасидаги кураш туфайли ҳокимият ўзбекларнинг Минг уруғидан чиққан Эрдонабий қўлига ўтади. Кўп ўтмай, Шоҳруҳбий ҳокимиятни қўлга олиб, 1710 йилда **Қўқон хонлигига** асос солди. Қисқа вақт ичида Фарғонадан ташқари, хонлик ҳудудига Сирдарё хавзаси, Еттисувнинг бир қисми қўшиб олинди. Абдурахимбий (1721-1733) 1732 йилда давлат пойтахтини Тепакўрғон қалъасидан ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнига кўчирди. Абдурахимбий даврида хонлик ерлари кенгайиб, Фарғонада кучли давлат вужудга келди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Эрдонабий (1751-1762) ва Норбўтабий (1763-1798) ҳукмронлиги даврида Фарғонани бирлаштириш яқунланди. Бир неча марта Қўқон ҳукмдори Норбўтабий Тошкентга қарашли ерларни бўйсундиришга ҳаракат қилди. Лекин муваффақият қозонолмади. Норбўтабийнинг ўғли ва вориси Олимхон (1798—1809) даврида хонлик ерлари кенгайиб, унинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи ўсди. Хонликда ҳарбий ислохот ўтказилди. Оҳангарон, Тошкент, Чимкент ва Туркистон вилоятлари хонликка қўшиб олинди. 1805 йилдан Фарғона давлати расман Қўқон хонлиги деб эълон қилинди ва Олимбек ўзига хон унвонини олди. 1809 йилда хонлик тахтига Умархон (1809-1822) ўтирди. Умархон ҳукмронлиги даврида бўйсунмай қўйган Туркистон, Чимкент, Сайрам ва Авлиёота эгалланди. Жиззах, Ўратепа ва бошқа жойлар учун Қўқон хонлари Бухоро амирлиги билан бетўхтов урушлар олиб борди. Муҳаммад Алихон (1822-1842) Шарқий Туркистон билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилди. Хонлик чегараларини кенгайтириб, Қоратегин, Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз ва Матчо вилоятларини босиб олди.

Муҳаммад Алихон бошқарувининг сўнгги йилларида Қўқонда хон ҳокимиятига қарши Насруллохон 1839 ва 1841-1842 йилларда Қўқон хонлигига бостириб кириб,

Тошкент, Хўжанд, Ўратепа ва бошқа жойларни эгаллаб олди. 1842 йилда Қўқонга хужум қилиб Муҳаммад Алихон, Моҳларойим (Нодирабегим) ва бошқа кўп одамларни қатл эттирди. Қўқонга Бухоро тарафидан ноиб тайинланди, лекин кўп ўтмай қўқонликлар кўзғолон кўтариб, бухороликлар ҳукмронлигини ағдариб ташладилар. 1842 йилда Олимхоннинг жияни Шералихон (1842-1845)ни тахтга ўтказдилар. Бу вақтда қўлдан чиқиб кетган Тошкент ерлари, Қурама, Хўжанд ва бошқа вилоятлар қайтадан хонлик тасарруфига киритилди. Бу даврда Фарғонада қипчоқлар кўзғолон кўтариб, Қўқонни эгалладилар ва Мусулмонкул бош қўмондон қилиб тайинланди. Шералихоннинг сиёсатидан норози ўзбек беклари уни ўлдирадилар, тахтга Олимхоннинг ўғли Муродхонни ўтказадилар. (Муродхоннинг ҳукмронлиги бор йўғи 8 кун давом этди.) Шералихондан кейин хонликда тахт учун кураш авжига минди. Бу сиёсий ўйинни кузатиб турган амири лашкар Мусулмонкул Муродхонни фитначи сифатида қатл қилдириб ўз қизини Шералихоннинг 13 ёшли ўғли Худоёрхонга никоҳлаб берди ва, куёвини Қўқон хони деб эълон қилди. Худоёрхон уч маротаба тахтга ўтирди. Биринчи марта (1845— 1858) номигагина хон бўлиб, ҳокимиятни қайнотаси Мусулмонкул бошқарди. Худоёрхон иккинчи марта 1862-1863 йилларда, учинчи марта 1865-1875 йилларда хонлик қилди. Худоёрхон ҳукмронлиги даврида тинимсиз ички низолар, Бухоро амирлиги билан олиб борилган урушлар, халқ ғалаёнлари Қўқон хонлигини инқирозга олиб келди.

**3. XVI-XIX асрларда 250 йил мобайнида Мовароуннаҳрда дастлаб Шайбонийлар, сўнг Аштархонийлар ҳукмронлик қилдилар. Аштархонийлар ҳукмронлигининг ниҳоясида эса Мовароуннаҳр учта мустақил - Хива, Бухоро, Қўқон хонликларига бўлиниб кетди.** Бу даврда, яъни XVI—XVIII асрларда жамият ҳаётининг барча соҳалари - иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва қолаверса, маданий ҳаётда ҳам умумий танглик юз берди. Мовароуннаҳрда ягона марказлашган давлат ўрнида учта ўзбек хонликлари ташкил топди. Темур ва Темурийлар даврида яратилган моддий ва маданий ҳаётнинг орқага кетиши, ўзаро тахт таллашишлар, босқинчилик урушлари бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб қолди. Ташкил топган учта ўзбек хонлиги ўзаро урушларга барҳам бера олмади. Ҳануз кўплаб майда ўлкалар мавжуд бўлиб, Хива хонлигининг шимолий қисми, Орол бўйи, Шаҳрисабз, Жиззах, Ўратепа оралиғи ва бошқа ҳудудларда мустақил ўзбек, козоқ, қорақалпоқ қабилалари кўчиб юрарди. Уларда яшовчи 92 та ўзбек қабилаларининг ҳар бири ўз яйлов ва далалари, қabila бошлиғи қароргоҳи жойлашган манзилгоҳлари бўлган муайян ҳудудларга эга эди. Қабилаларнинг ишлаб чиқариш усули кўчманчи ва ярим кўчманчиликка асосланган бўлиб, уруғ-қabila тузумига хос хусусиятлар сақланиб қолган эди. Бу хусусиятлар анъанавий маданий, маиший турмуш тарзи, ўзини этник англаш, урф-одатлар ва анъаналар, халқларнинг тили, дини, ахлоқ-одоби, миллий кадриятлари муштараклигига карамай, йирик этник бирликлар ташкил топишига, уларнинг ягона битта халқ бўлиб бирлашишига халақит берар эди. Ҳар бир ҳукмдор, хон ёки амир фақат ўзини ўйлаб, халқ, давлат, миллат, ватан тақдирига қайғурмади. Ўзаро урушлар, талон-тароажлар, ижтимоий-иқтисодий инқироз, бунинг натижасида халқнинг қашшоқ, ночор ҳолга келиб қолиши ҳурфикрлиликка путур етказиб, хурофот ва диний мутаасиблик учун қулай шароит яратди. Бу даврда илм-фан, адабиёт ва санъатга рағбат сусайди. Бу эса XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса, Туркистон уч давлатга бўлиниб кетганидан кейин илм-фан, адабиёт, санъат, хусусан, табиий фанлар чуқур таназулга юз тутди.

Ўзбек хонликларида XVII-XVIII асрларда муттасил давом этиб келган ўзаро урушлар, Бухоро - Хива, Бухоро - Қўқон можаролари, мустақилликка интилган вилоят ҳокимлари ва қабила зодагонларига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, чет эл босқинчиларининг ўзбек хонликлари ҳудудларига тажовузлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётни бутунлай издан чиқарди. Бу даврга келиб, ўзбек қабилалари ва уруғлари сонининг кўпайиши, қабила бошлиқларининг йирик заминдорларга айланиши, уларнинг марказий ҳокимиятни инкор этиб, мустақилликка интилиши, хонликлардаги қабилавий ва этник низолар мамлакатдаги таназулни янада чуқурлаштирди. Ягона марказлашган давлат, кучли ҳокимият, сиёсий барқарорлик, миллий бирлик ва аҳилликнинг йўқлиги ташқи душманларга ҳам қўл келди. Россия империяси Туркистон ерларига бостириб киришга тайёрлана бошлади Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат катта иқтисодий, маданий, маънавий имкониятларга қанчалик эга бўлмасин, сиёсий тарқоқлик, маҳаллийчилик, бошбошдоқлик, диний мутаассиблик, этник гуруҳбозлик, ўзаро урушлар мамлакат ва давлатнинг куч-қудратини парчалаб, заифлаштириб юборди. Оқибатда Туркистон тараққиётнинг янги босқичига ўтиш учун мустамлакачилик азоби ва хўрлигини бошдан кечиришга мажбур бўлди.

### *Мавзунини такрорлаш юзасидан саволлар*

1. Шайбонийларнинг Ўрта Осиёга юриши ва уни оқибатларини ёритиб беринг.
2. Бухоро хонлигининг ташкил этилиши шарт-шароитлари ҳақида гапириб беринг.
3. Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар қандай кечганлиги ҳақида сўзлаб беринг.
4. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида маданий ҳаёт қандай кечган эди?
5. Туркистонни хонликларга бўлиниб кетиши сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
6. Бухоро амирлиги – манғитлар сулоласи ҳақида сўзлаб беринг.
7. Хива хонлигининг ташкил этилиши ва хонликдаги давлат бошқаруви масаларини ёритиб беринг.
8. Қўқон хонлигини ташкил этилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида нималар биласиз?
9. Хонликлар даврида фан ва маданият қай даражада тараққий этган?
10. Хонликлар даврида меъморчилик ва санъат соҳасида қандай ўзгаришлар юз берди?

### **Таянч тушунчалар:**

**амин** – 1. Бухоро амирлигида туман ёки қишлоқ оқсоқоли; 2. Бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор;

**аминона** – Бухоро амирлиги ҳудудида, Самарқанд ва Фарғона бозорларида XVIII-XX аср бошларида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундириладиган махсус бозор ҳақи. Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудидаги аминлар фойдасига йиғиб олинadиган солиқ ҳам аминона дейилган.

**амирлик** – мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат. XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб юритилган.

**амири шикор** – ов бошлиғи ёки соҳиби. XV-XVI асрларда кўчманчи ўзбек хонлари даврида мавжуд бўлган давлат мансабларидан бири. Бу мансабни олган амирлар зодагонлар ҳаётида, айниқса, хонлар ва султонлар ҳаётида муҳим бўлган хон овини ташкил қилар эдилар.

**амлок** – 1. XVI-XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё хонликларида мавжуд бўлган давлатга қарашли ер эгалиги; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлок дейилган.

**дастурхончи** – амир ҳузурида уюштириладиган зиёфатлар учун масъул амалдор.

**девонбеги** - давлатнинг молия-хазина ишларини бошқарган. Солиқлар ундиришни устидан назоратни ҳам девонбеги олиб борган. Девонбеги Арк этагида яшаган.

**додхоҳ** – фуқароларнинг арз ва шикоятларини тингловчи, ҳал этувчи амалдор

**иноқ** – бу лавозимда ишлаган амалдорнинг вазифаси амир фармойишларини беклардан бошқа табақага етказишдан иборат бўлган.

**кўкалдош** – бутун амирлик ҳудудида дўстона ёки душманлик муносабатида бўлувчилар ҳақида маълумот тўплаган.

**мингбоши** – ҳарбий ва маъмурий унвон. Қўқон хонлигида хондан кейинги мансаб.

**миршаб** – тунги шаҳар соқчилари бошлиғи вазифасини бажарган.

**мироб** – Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида сув тақсимоти ва суғориш тизими устидан назорат қилувчи шахс.

**мирохўр** – амир отхонасининг бошлиғи бўлган.

**муфтий** – қазикалон мураккаб деб ҳисоблаган турли диний-ҳуқуқий масалалар бўйича шариатга асосланиб фатво чиқарган. Бу фатво унинг ёки бир неча муфтийнинг муҳри билан тасдиқлангач, қозига берилар эди. Қози бу фатвога асосланган ҳолда ҳукм чиқарган.

**мушриф** – лавозимида ишлаган амалдорлар хонга ином этган буюмларни ҳамда ҳарбий анжомларни рўйхатга олган. Солиқ тушумларини ёзиб борган.

**мухтасиб** (раис ҳам дейилган) – мусулмонлар тарафидан шариат қонунларининг бажарилишини кузатган, масжидларга бориб номоз ўқишга келувчилар рўйхатини, бозорлардаги тош-тарозининг тўғрилигини текширган. Айни пайтда у ичкиликбозлик, судхўрликка ҳам қарши курашган.

**нўён** – бир туман (10 минг) кўшин қўмондони. Қадимги турк ва мўғул кўшинларида шахзода ва султонлар нўён деб аталган. XIV- XVI асрларда энг нуфузли амирларгина нўён бўлган.

**офтобачи** – Ўрта Осиё хонликларида ҳукмдор саройида ҳукмдорнинг қўлига сув куювчи шахс бўлиб, юқори мавқега эга бўлган лавозимлардан бири.

**парвоначи** – XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигида мавжуд бўлган мансаб; вазир муовини, фармон ижро қилувчи. Бирор бир шахс бирор лавозимга тайинланганида, бу ҳақдаги ёрликни ўша шахсга ва бошқаларга етказувчи амалдор.

**китобдор** – амир кутубхонаси ва барча вилоятлар китобдорлари бошлиғи.

**садр** – Бухоро амирлигида XIX-XX асрларда амалда бўлган, диний илоҳиёт илмида эришган ютуқларига қараб бериладиган унвон бўлиб, аввал “ўроқ”, “судур” ва улардан кейин охирги, учинчи унвон “садр” бўлган.

**садрлар** - вақф мулкларини бошқарувчилари бўлиб, вақф муассасасининг бошлиқлари бўлган мутаваллилар садрларга бўйсунганлар. Садрларнинг вазифа ва ҳуқуқлари вақф ёрлиғи шартларида қайд этиб кўйилган. Улар вақф хўжалиги даромадининг маълум қисмини олардилар.

**суюрғол** – бирор ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга берилган инъом. Суюрғолга берилган ер наслдан-наслга мерос бўлиб ўтган.

**солиқ** – маълум тартибда аҳолидан давлат фойдасига тўпланадиган пул, маблағ.

**танҳо** – Ўрта Осиёда мавжуд бўлган суюрғолнинг бир кўриниши бўлиб, у фақат ҳарбийларга берилган. Танҳо ҳам суюрғолга ўхшаб пул, мол-мулк, ер-сув тариқасида берилган.

**тархон** – Ўрта Осиё хонликларида феодалларнинг давлат солиқларидан озод қилинган ер-сув, мол-мулклари.

**туғбеги** – Бухоро хонлигидаги ҳарбий мансаблардан бири. Туғ (туқ)– байроқ. У хон қўшинининг асосий байроғини кўриқловчи ва юриш вақтида уни кўтариб юривчиларга бошчилик қилган ҳарбий мансабдор.

**тўқсобо** – ҳарбий унвон бўлиб, XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё хонликларида хон байроғини кўриқлаган махсус ҳарбий қисм бошлиғи.

**элликбоши** – ҳарбий-маъмурий унвон. Ўрта Осиё хонликларида юзбошидан кейинги мансаб. 50 нафар аскардан иборат ҳарбий қисм қўмондони ёки 50 нафар аскар ажрата олувчи маҳалла, қишлоқ ёки овул раҳбари. Элликбоши мингбоши томонидан тайинланган.

**шайхулислом** – мусулмон жамоаси бошлиғи; қозилик ишларида ҳамда кундалик ҳаётда қонунларга риоя этилишини таъминловчи, ҳукмдорнинг энг яқин кишиси. Бу лавозим авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган.

**шағовул** – хонликда иккинчи маъмурий шахс бўлган меҳтар молия, солиқ ва ҳашар ишларига мутассадийлик қилишдан ташқари у бош вазир сифатида давлатнинг ташқи муносабатларига ҳам раҳбарлик қилган. Бу соҳада шағовул бевосита унинг ёрдамчиси ҳисобланган. Шағовул ажнабий элчиларни қабул қилиш ва уларнинг таъминоти билан шуғулланган.

**қози** – шариатда судья, ҳуқуқий ишларни ҳал этувчи вазифасини бажарувчи мансабдор. Қози шунингдек, васийликка, васиятнинг бажарилишига, мерос тақсимотига тегишли ишларни амалга оширган. Вақф ҳам қози назоратида бўлган.

**қозикалон** – Бухоро амирлигида диндорлар ва муллаларнинг бошлиғи, яъни раиси бўлган. Шу билан бирга, бу даврда барча мусулмон давлатларида бўлгани каби, Бухорода ҳам ҳуқуқ масалалари динга қарашли бўлиб, диндорлар қўлида эканлиги сабабли қозикалон барча ҳуқуқ масалалари ва лашкар маъмуриятининг ҳам раиси ҳисобланган. Бош қози ҳам диний, ҳам адлия ишларини бошқарган.

**қози урду** – Хива хонлигида қози аскар шундай аталган. Амалда у ҳарбий хизматдагиларнинг қозиси-судьяси бўлган.

**қози-ул-қуззоб** – қозикалон ўринбосари.

**қоравулбеги** – Ўрта Осиё хонликларида қоравуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи.

**қалъабон** – Қўқон хонлигида хонликнинг чегара ҳудудларида жойлашган қалъа ва истехкомларнинг ҳокими. Ушбу вазифага, одатда, ҳарбий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда додхоҳдан кўшбегигача бўлган шахслар тайинланган.

**қалачи** – хива хонлигида рус шаҳарларидан мол келтирувчи савдогарларни шундай деб аташган.

**қутидор** – 1. Сармоядор; 2. Қўқон хонлигида: солиқлардан тўпланган пулларни қабул қилиб олувчи, сақловчи ва хон хазинасига топширувчи сарой амалдори.

**қушчи, қушбеги** - XV-XVI асрларда подшоҳ ва хонлар қушхонасининг мутасарруфи бўлган. Унинг зиммасига овни ташкил қилиш ва ўтказиш вазифалари юклатилган.

**қўшбеги** – қўш, ҳарбий лагерь, қароргоҳнинг бошлиғи. XIX асрдан бошлаб Хива хонлиги, Қўқон хонлигида хоннинг биринчи вазири ҳисобланган. Бухоро амирлигида эса қўшбеги мансаби олий мансаб (вазири бузрук) ҳисобланган. Манғитлар сулоласи даврида қўшбегига барча вилоятларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амирнинг пойтахтда бўлмаган вақтида хонликнинг барча ишларини бошқарган. Қўшбеги мансабидан кейин Оталиқ мансаби турган.

## **10-мавзу: Россия Империясининг Туркистонни босиб олиши. Подшо Россиясининг истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши. Жадидчилик.**

### **Режа:**

*1. Россия Империясининг Туркистонни босиб олиши. Подшо Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари.*

*2. Россия Империясининг истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши. Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши.*

1. 19-аср ўрталарида мустамлакачи икки йирик империя, яъни Россия ва Буюк Британиянинг стратегик манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Подшо Россияси сиёсатдонлари Буюк Британиянинг Туркистон ўлкаси ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан ғоят хавфсираётган эди. Қрим урушида Россия империясининг Усмонли турк султонлигидан мағлубиятга учраши халқаро миқёсда Россия давлатининг обрўси пасайишига олиб келди. 1861 йил февралда Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинди. Бу пайтда мамлакат иқтисодиётида таназзул кучайган эди. АҚШда 1861-65 йилларда бўлган фуқаролар уруши натижасида Россиянинг тўқимачилик фабрикалари учун океан ортидан олиб келинадиган пахта хом ашёсининг нархи ҳаддан ташқари кўтарилиб кетди. Мана шундай ҳолатда Туркистон минтақаси Россия учун энг арзон хом ашё манбаи ва тайёр саноат молларини сотадиган бозор сифатида зарур эди. Инглиз аскарларининг Афғонистондаги жанглари ва Ўрта Осиёга томон интилиши ҳам подшо Россиясининг ҳарбий ҳаракатларни тезроқ бошлашига баҳона бўлди.

Россия империяси қўшинлари 19-асрнинг 40-йиллари охиридан бошлаб аниқ режа асосида шиддат билан Туркистон ерларига бостириб кела бошлади. 1847 йил Сирдарё этаги босиб олиниб, Раим қалъаси руслар томонидан эгалланди ва бу ерда Казалинск ҳарбий истехкоми қурилган. Подшо Россияси қўшинлари 1853 йил Қўқон хонлигининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Оқмачит қалъасини (ҳозирги Қизилўрда шаҳри) эгаллашди. Рус қўшинлари Қўқон хонлигининг шимолий ҳудудларига икки тарафдан — Орол денгизи бўйи ва Ғарбий Сибирь (собик қозоқ жузлари ҳудуди) орқали бостириб кела бошлади. Тез орада Или дарёси водийси эгалланиб, 1854 йил Олмаота қишлоғи ёнида Верний ҳарбий истехкоми (ҳозирги Олмаота шаҳри) қурилди.

Россия империясининг Туркистон минтақасини эгаллаш учун кенг кўламда ҳарбий ҳаракатлари 19-асрнинг 60-йилларидан бошланди. Пишпак (ҳозирги Бишкек), Тўқмоқ 1862 йил, Сўзоқ қалъаси 1863 йил, Туркистон, Авлиёота (ҳозирги Тароз шаҳри), Чимкент шаҳарлари 1864 йил чоризм қўшинлари томонидан босиб олинди. Ниҳоят,

1865 йил 17 июнда Тошкент шаҳри ҳам М.Г.Черняев бошчилигидаги Россия империясининг қўшинлари томонидан қаттиқ қаршиликдан кейин эгалланди. Тошкент мудофаасини ташкил қилган Қўқон хонлигининг ҳарбий лашкарбошиси — Алимкул шаҳар остоналарида бўлган жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб, мардларча ҳалок бўлди.

Россия империяси босиб олинган ҳудудларда 1865 йил баҳорида Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсунувчи Туркистон вилоятини тузган. Рус қўшинларининг Тошкентни босиб олиши натижасида Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида бевосита тўқнашув юзага келган. Бухоро амири Музаффар Бухородан 60 минг кишилик лашкар билан Тошкентни эгаллаган Россия империяси қўшинлари устига юриш қилди. Бироқ бухороликлар қўшини яхши қуролланмаган, аскарларнинг аксарияти ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган эди. 1866 йил 8 майда Ержар манзилида (ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилояти ҳудуди) бўлган жангда Бухоро аскарлари енгилган ва орқага чекинган. Ушбу жангда амир Музаффар ўзининг ҳарбий лаёқатсизлигини намоён қилди. Подшо Россияси қўшинлари 1866 йил 24 майда Хўжанд шаҳри ва Нав қалъасини, 2 октябрда Ўратепани, 18 октябрда Жиззахни босиб олдилар. Чоризм бутун диққат-эътиборини Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудини тезроқ босиб олишга қаратди.

Россия императори Александр II нинг фармони билан 1867 йил 11 июлда босиб олинган ҳудудларда бевосита Россия империяси таркибига кирувчи ва маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ва Туркистон ҳарбий округи тузилди. Биринчи генерал-губернатор ва округ кўмондони қилиб К.П.Кауфман тайинланди. Унга рус императори томонидан катта ваколатлар берилган эди. 1867 йил Тошкент ва унинг атрофлари янги ташкил қилинган Сирдарё вилояти таркибига киритилди. Бу пайтда Қўқон хони Худоёрхон Россияга тобелигини тан олди (1868).

Бухоро амири билан олиб борилган музокаралар эса натижасиз тугагач, 1868 йил 2 майда генерал К.П.Кауфман бошчилигидаги 8300 кишилик қўшин Самарқандни эгаллади. 18 май куни Каттакўрғон ҳам таслим бўлди. 1868 йил 2-3 июнда Зирабулоқда бўлган ҳал қилувчи жангда 6 минг сарбоз ва 15 минг отликдан иборат бўлган Бухоро амирлиги қўшинлари К.П.Кауфманнинг тўп ва замбараклар билан яхши қуролланган қўшинига қарши мардонавор жанг қилсаларда, 1000 кишидан ажралиб орқага чекинган. 1868 йил 23 июнда Бухоро билан Россия ўртасида Самарқандда имзоланган сулҳ шартномасига биноан, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан то Зирабулоққача бўлган Бухоро амирлигининг ерлари Россия империясига киритилди ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Зарафшон округи (кейинчалик Самарқанд вилояти) ташкил қилинди. Амударёда рус кемаларининг эркин қатновига руҳсат берилди. Бухоро амири Музаффар олтин ҳисобида 500 минг рубль ҳарбий товон тўлаш ва рус савдогарларига амирликда эркин савдо-сотик қилиш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш мажбуриятини олган.

1873 йил 28 сентябрда Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида имзоланган навбатдаги шартнома натижасида Бухоро амирлиги Россиянинг протектората деб эълон қилинган. Зарафшон дарёсининг юқори қисми Шарқий Бухоро (Бадахшон ва Помир)даги айрим вилоятлар қўлдан кетган. Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар эса (Балх, Мозори Шариф, Шибирғон, Қундуз ва б.) Россия ва Буюк Британиянинг талаби билан Афғонистонга берилган. Бухоро амирлигининг хорижий давлатлар билан алоқа юритиши таъқиқланган.

1873 йил баҳорида подшо Россияси Хива хонлигига қарши қўшин тортди. Қўшиннинг умумий сони 13 минг кишидан зиёд бўлиб, 56 та тўп бор эди. Истилочилар қўшини 3 йўналишда ҳаракат қилган. Биринчи йўналишдаги рус қўшинлари генерал-адъютант фон Кауфман ва генерал-майор Головачёв қўмондонлиги остида Тошкент тарафдан, иккинчи, учинчи йўналишдагилар генерал Верёвкин ва полковник Ломакин қўмондонлигида Каспий денгизи тарафидан Хива хонлигига ҳужум қилган. Хива атропофларида қаттиқ жанглар бўлди. Россия қўшинлари 1873 йил 29 майда Хива хонлигининг пойтахти Хива шаҳрини эгаллашди. Босқинчилар Хивадаги тарихий обидалар, хусусан, хон саройи ва хазинасини талон-торож қилишди. Ноёб қўлёзма асарлар ва бошқа бойликлар Санкт-Петербургга жўнатилди. 1873 йил 12 августда Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғида Хива хонлиги билан Россия ўртасида Кауфман қўйган шартлар асосида Гандимиён шартномаси тузилди. Шартномага кўра, Хива хонлиги Россияга қарам бўлди, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) мустақил равишда ташқи сиёсат юритишдан маҳрум қилинди. Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли ҳудудни Россия ўзиники қилиб олди ва у ерда Амударё округи (1874 йилдан Амударё бўлими) ташкил этилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Бўлим бошлиғига Хива хонининг фаолиятини назорат қилиб бориш топширилди. Хива хонлиги рус босқинчиларига олтин ҳисобида 2,2 млн. рубль товон тўлашга мажбур этилди. Рус савдогарлари ва саноатчилари хонлик ҳудудида бож тўламасдан савдо қилиш, ер-мулк сотиб олиш ва саноат корхоналари очиш ҳуқуқини олди.

Кўқон хони Худоёрхон подшо Россияси қўшинларининг Туркистон ичкарасига нисбатан тез бостириб келаётганидан ва ўз ҳокимиятини йўқотиб қўйишдан хавфсираб К.П.Кауфман таклиф қилган шартномага рози бўлди (1868). Бу шартномага кўра, рус савдогарларига хонликнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида эркин фаолият кўрсатишига рухсат берилиб, улар кўқонлик савдогарлар билан бир миқдорда бож тўлайдиган бўлишган. Кўқон хонлиги ерларининг бир қисми Россия империяси таркибига ўтгач, давлат даромади камайган. Унинг ўрнини тўлдириш учун хонликда янги солиқлар жорий қилинган. Бундан норози бўлган аҳоли 1873 йилда Исҳоқ Ҳасан ўғли ва Абдурахмон Офтобачи бошчилигида кўзғолон кўтарган. Кўзғолон жиддий тус олгач, Худоёрхон 1875 йил 22 июлда рус ҳарбийларининг ҳимояси остида Тошкентга, Кауфман ҳузурига қочган. Хонлик тахтини унинг ўғли Насриддинбек эгаллади. У 22 сентябрда Марғилон шаҳрида Кауфман билан музокара олиб борган. Янги тузилган шартномага кўра, Насриддинбек ўзини Россиянинг вассали деб тан олган. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Наманган ва Чуст шаҳарлари билан бирга Россия ихтиёрига ўтиши ва олтин ҳисобида 2 млн. рубль товон тўланиши лозим бўлган. Мазкур битимдан норози бўлган халқнинг кўзғолони авж олган ва 9 октябрда кўзғолончилар Кўқонни эгаллашган. Насриддинбек Тошкентга қочгач, Исҳоқ Ҳасан ўғли («Пўлатхон») расман Кўқон хони деб эълон қилинади. Рус қўшинлари бу кўзғолонни шафқатсиз бостиргач, 1876 йил 19 февралда Кўқон хонлигини тугатишган. Хонлик ерларидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи Фарғона вилоятини ташкил қилишган. «Пўлатхон» эса 1876 йил 1 мартда Марғилон шаҳрида дорга осиб ўлдирилган.

Россия империяси Туркистонни босиб олгач, бепоён ҳудудларга эга бўлди. У дунёнинг энг йирик мустамлакачи мамлакатига айланди. Подшо Россияси Ўрта Осиёни босиб олишга киришар экан, бу замандан йил давомида бир неча марта ҳосил олиш имкониятлари борлиги, турли сабзавот, полиз экинлари ва мевалар



етиштиришга мослашгани ҳамда иқлими серқуёшлиги учун, бу ўлкани асосан, пахта етиштиришга ихтисослаштиришни мўлжаллаган эди. Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олгач, табиий ресурсларга ниҳоятда бой ҳудудга эга бўлди. Туркистон генерал-губернаторлиги вилоят уезд (область), волость, участка ва оқсоқолликларга бўлиб бошқарилган. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори бир пайтнинг ўзида подшо ноиби (ярим подшо; оқ подшо), ҳарбий округ кўшинлари кўмондони, бош миришаб ва бош прокурор эди. Генерал-губернатор Бухоро амири фаолиятини Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885—1917), Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиғи (1873-1918) орқали назорат қилиб турган. Туркистон ўлкаси Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Закаспий вилоятлари ҳамда Амударё бўлимига бўлинган. Вилоятлар ҳокими император томонидан тайинланган ҳарбий губернаторлар томонидан бошқарилган.

Мустамлакачи маъмурият даставвал ер-сув ва мулкчилик масалаларини «тартибга солиш»га киришди. Кўқон хонлигидаги хон ва унинг авлодлари, беклар ва ҳарбийлар қўлидаги ерлар давлат ихтиёрига олинди. Вақф ерлари ва солиқлардан озод қилинган ерларга ҳам турли солиқлар солинди. Суғориш иншоотлари ва сув миқдори назоратга олиниб, пахта майдонлари кенгайтирилди. Ғалла етиштириш камайтирилди. «Туркистон ўлкасини бошқариш тартиблари тўғрисидаги Низом» ва бошқа ҳужжатларда мустамлакачи ҳукумат ўзининг бу соҳадаги сиёсатини кўрсатиб берган.

Россиядан кўплаб рус деҳқонлари ва ерсиз мужиклар кўчирилиб, уларга камида 10 десятинадан ортиқ серҳосил ва унумдор ерлар ажратилди. Хусусан, Фарғона водийсида маҳаллий аҳоли қўлидан тортиб олинган ерларда рус қишлоқлари (Русское село), хуторлари ва посёлкалари барпо этишга алоҳида аҳамият берилди. Кўчириш сиёсатининг асосий мақсади Туркистонни руслаштиришга ва уни «Рус Туркистони» қилишга қаратилган эди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар ёнига европаликлар учун «янги шаҳар» (город) қуришга киришилди. Бундай шаҳарда европача услубдаги бинолар бунёд этила бошланди. Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва бошқа жойларда шундай бинолардан айримлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Россия саноатини арзон хом ашё билан узлуксиз таъминлаб туриш учун ўлкага темир йўл ётқизилди. Темир йўл 1881 йил Қизил Арвот, 1885 йил Ашхобод, 1886 йил Марв, Чоржўй (ҳозирги Туркманобод), Амударёгача етган. 1887 йил темир йўл Янги Бухоро (ҳозирги Когон) ва Самарқандга қадар қурилди. 1899 йил Фарғона водийси ва Тошкент темир йўл билан ўзаро боғланди. 1906 йилда Тошкент— Оренбург темир йўл қуриб битказилди. 1915 йил Бухоро-Қарши-Термиз, Бухоро— Қарши— Шахрисабз—Китоб темир йўл қуриб, фойдаланишга топширилди.

Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида пахта тозалаш ва ёғ заводлари, чой кадоклаш, арок, вино ва пиво тайёрлаш корхоналари ишга туширилди.

Шунингдек, Россия истилоси натижасида Туркистонга рус капитали ва у орқали ғарб сармояси кириб кела бошлади. Тошкент ва Фарғона водийсида кўплаб банклар, хорижий корхоналар очилди. Туркистонда ҳам бозор муносабатлари шакллана бошлади. Туркистон халқлари тарихи, этнографияси, археологиясини ўрганишга оид дастлабки илмий ишлар яратилди. Туркистонда 1-музей очилди, кутубхона иш бошлади. Ўрта Осиё тарихи, этнографияси, иқтисоди, ботаникаси, археологияси ва маданиятига оид ноёб библиографик асар — «Туркистон тўплами» (594 жилддан иборат) яратилди. 1888 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси ва 1911

йилда Туркистон энтомологик станциясига асос солинган. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги (асосчиси В.В.Бартольд ва б.), «Император рус география жамияти»нинг Туркистон бўлими, «Император шарқшунослари жамияти»нинг Тошкент бўлими, Ўрта Осиё илмий жамияти, Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти тузилди, ноёб «Туркистон альбоми» яратилди. Рус ва ўзбек тилларида газеталар («Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газета» ва б.) ҳамда журналлар чоп этилди. Маориф соҳасида баъзи ютуқларга эришилди. Туркистонда *жадидчилик* ҳаракати юзага келди. Бироқ бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар ҳам Россия империяси манфаатларига бўйсундирилди. Мустамлакачи маъмурият ўз шовинистик сиёсатини изчил равишда амалга ошириб турган. Меҳнаткаш халқнинг турмуши эса тобора оғирлашиб бораверди.

2. Ўрта Осиё хонликлари бўйсундирилгач, хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар барҳам топган. Бироқ бу даврда подшо Россияси мустамлакачиларига қарши туркистонликларнинг истиқлол учун кураши асло тўхтамади. У гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб 1917 йилгача давом этиб турган.

Дарвишхон кўзғолони(1885—86), Тошкентдаги вабо кўзғолони(1892), Дукчи Эшон бошчилигидаги Андижон кўзғолони(1898), 1916 йилда кўтарилган мардикорчиликка қарши Ўрта Осиё кўзғолони Туркистондаги подшо Россияси мустамлакачилик тузумини ларзага солди. Хусусан, 1916 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг барча йирик шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Марғилон, Қўқон, Хўжанд, Андижон, Наманганда кўзғолон кўтарган маҳаллий халқнинг шиддати мустамлакачи тузум раҳбарларини жиддий ташвишга солди. Ушбу кўзғолон ўта шафқатсизлик билан бостирилса ҳам у подшо ҳукуматининг улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсатига кучли зарба берди.

Бу кураш миллий зулмга, Туркистон ўлкасини Россиянинг хом ашё базасига айлантириш ва чоризм маъмуриятининг руслаштириш сиёсатига қарши қаратилди. Ушбу кўзғолонда ўзбек халқидан ташқари тожиклар, қozoқлар, қирғизлар бир сафда туриб курашдилар.

19-аср охири ва 20-аср бошларида Туркистон минтақасида *жадидчилик* ҳаракати юзага келди. Бу ҳаракат Туркистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаракат сифатида тарих саҳифаларига ёзиб қўйилган. Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Скобелев (ҳозирги Фарғона), Қўқон, Наманган, Хива ва бошқа шаҳарларда дастлабки жадид мактаблари очилди. Жадид газеталари ва «Ойина» журнали нашр қилинди. Ўзбек миллий театрига асос солинди. Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Усмон Хўжа, Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов, Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Чўлпон, Ҳамза, Ибрат, Абдулла Авлоний, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Полвонниёз Юсупов кабилар бу ҳаракатнинг таниқли вакиллари эди.

Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракати тарқалиш жойи ва йўналишига кўра 3 га бўлинади: Туркистон, Бухоро ва Хива жадидчилиги. Туркистон ўлкаси (Тошкент, Самарқанд, Фарғона) жадидлари билан Бухоро ва Хива жадидлари ўртасида бир мунча тафовутлар бўлган. Бу тафовутлар аввало Туркистон ўлкаси тараққийпарварларининг Россия мустамлакачилик зулмига қарши кураши билан изоҳланса, Бухоро ва Хива жадидларининг (улар кейинчалик ўзларини Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар деб аташган) аввал конституцион монархия, сўнгра эса демократик республика тузиш учун интилишлари билан фарқланади. Бухоро

жадидларининг «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамияти 1910 йил Ёш бухороликлар фирқасига айлантирилади.

Туркистон жадидлари, айниқса, биринчи жаҳон уруши даврида ўз фаолиятини кучайтирди. Бу даврда Андижонда «Тараққийпарварлар» фирқаси, Қўқонда «Ғайрат» жамияти ва Тошкентда «Турон» жамияти ташкил қилинган. Туркистон тақдири ҳал қилинаётган ушбу нозик фурсатда жадидчилик ҳаракати намояндалари ўлка туб халқлари манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиб, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашдилар. Россия империяси маъмурлари тараққийпарварларга қарши курашиш учун 1907 йил ноябрда рус махфий сиёсий полицияси — Туркистон район муҳофаза бўлимига асос солди. Бу ташкилотни руслар «охранка», ўзбеклар эса «сиёсий идора» деб аташган. Сиёсий идора ўз хуфиялари орқали 1917 йилгача жадидлар ва уламолар (ислом дини арбоблари) фаолиятини сергаклик билан назорат қилган ва уларга қарши курашган. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар охранканинг хуфияларидан ўз қабих мақсадлари йўлида унумли фойдаланган.

### *Мавзунини такрорлаш юзасидан саволлар*

1. Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати ҳақида сўзлаб беринг.
2. Туркистонни Россия империяси томонидан босиб олиниши сабабларини ёритиб беринг.
3. Туркистонда Россия империяси мустамлака тизимининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари ҳақида гапириб беринг.
4. Россия империяси мустамлака тизимига қарши кўтарилган халқ ҳаракатларини натижалари қандай бўлди?
5. Россия империяси мустамлакаси даврида маданий ҳаётда рўй берган ўзгаришларни ёритиб беринг.
6. Туркистонда ХХ аср бошларида Россия империяси мустамлака зулмининг янада кучайиши сабаблари нимада?
7. Ўлкада демократик ва миллий-озодлик ҳаракатларининг авж олишига сабаб бўлган омилларни келтиринг.
8. Жадидчилик ҳаракатини вужудга келиши ҳақида гапириб беринг.
9. Жадидлар ҳаракати раҳнамоларидан кимларни биласиз?
10. Жадидлар қандай ғояларни илгари сурганлар?

### **Таянч тушунчалар:**

**амин** – Россия империяси даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттакўрғон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор. Бухоро амирлигида амин амлоқдорга, Туркистон генерал губернаторлигида эса волост бошлиғига иттифот этган.

**жадид** – жадидчилик тарафдори, жадидчилик ҳаракатининг қатнашчиси.

**жадидчилик** – усули жадид, яъни “янгилик учун” иборасидан келиб чиққан бўлиб, янгилик учун курашганлар ва уларнинг ғояси шундай деб аталган.

**жадид мактаблари** – эски мусулмон диний мактабларини ислоҳ қилиб, янгича усулда таълим берган ва жадидчилик ғояларини илгари сурган мактаблар. Бу мактабларда диний дарслар билан бир қаторда дунёвий илмлар ҳам ўқитилар эди.

**жандармерия** – Россия империясида сиёсий муҳофаза, тинтув ишлари олиб бориш, давлатга қарши сиёсий чиқишларга қарши кураш учун хизмат қиладиган махсус полиция кўшинлари.

**ёш бухороликлар** – Бухоро жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партия бўлиб, тараққийпарвар ва маҳаллий буржуазия вакиллари мавжуд тузумга қарши демократик ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлганлар.

**ёш хиваликлар** – Хива жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партиё Уларнинг мақсади хон ҳокимиятини чеклаб, конституцион монархияга ўтиш.

**кўнка** – тўрт ёки олтига от билан ҳаракатлантирилган бир вагонли, тор изли шаҳар транспорти. Тошкентда кўнка XIX аср охирларида қурилиб, Хадра билан темир йўл вокзали орасида қатнаган. Ундан 1915 йилгача фойдаланилган.

**охранка** – Туркистон ўлкасида Подшо Россияси ҳукмронлиги даврида яширин полиция ташкилоти шундай аталган.

**тўра** – Туркистон ўлкасида подшо маъмурлари номига ҳурмат юзасидан кўшиб айтилган атама.

**уезд** – Подшо Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида жорий этилган маъмурий-худудий бўлинма.

**эшон** – луғавий маъноси “улар”, “у киши” дегани. Улуғ авлодларнинг ва суфийлик оқимида диний раҳнамоларнинг фахрий унвони. Эшонлар мусулмонлар жамоасининг бошлиғи, мураббийси, шунингдек, дарвишларнинг ҳам диний мураббийси ҳисобланган.

## **11-мавзу. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий сиёсати ва уларнинг мустамлакачилик моҳияти**

### **Режа:**

*1. Россиядаги 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби, унинг Туркистонга таъсири.*

*2. 1917 йилдаги Октябрь давлат тўнтарыши. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Туркистон мухториятининг ташкил топиши.*

*3. Советларга қарши истиқлолчилик ҳаракатининг боиланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари.*

*4. 1920 йилда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг тугатилиши.*

*5. 20-йиллар охирида собиқ шўролар мамлакатада тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тузумнинг қарор топиши.*

*6. Индустрлаштириш ва жамоалаштириш сиёсати ва унинг салбий оқибатлари.*

*7. Ўзбекистон иқтисодий ва маънавий ҳаётининг 50-80-йилларда чуқур турғунлик ҳолатига дучор бўлиши ва унинг асоратлари*

**1.** 1917 йил 27 февралда Россияда Февраль инқилоби ғалаба қозонди. Россия императори Николай II тахтдан воз кечди. 2 мартда кўп партияли Муваққат ҳукумат тузилди. Бироқ, орадан кўп ўтмай 1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да Петроградда

большевиклар ва бошқа айрим сўл сиёсий кучлар Муваққат ҳукуматни зўравонлик билан ағдариб, Октябрь тўнтаришини амалга оширдилар. Шундай қилиб, Россияда большевиклар ҳукмронлиги остидаги мустабид совет режими ўрнатилди.

1917 йилда Петроградда бўлиб ўтган воқеалар таъсири остида Туркистон ўлкасида мухторият учун кураш, демократик ҳукумат тузиш учун ҳаракат бошланиб кетди. Жаҳидчилик бу пайтда маърифатпарварлик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган 1-курултойда демократик Россия таркибида Туркистон мухториятини ташкил этиш ғояси олға сурилди. Бу ғоя Туркистон халқларининг ўз миллий давлатчилигини тиклаш йўлидаги йирик қадами бўлди.

1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шўрои исломия» жамияти тузилди. 1917 йил апрель ойидаёқ ташкилотнинг Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Скобелев (ҳоз. Фарғона), Марв, Туркистон, Перовск (ҳоз. Қизилўрда), Ўш ва бошқа шаҳарларда шўбалари тузилган. Бироқ бирлашиш жараёнлари бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган янгилик ва эскилик тарафдорлари ўртасидаги низолар тараққийпарварлар сафида парчаланиш юз беришига олиб келди. 1917 йил июнда ташкилотдан бир гуруҳ уламолар ажралиб чиқиб, Қўқон ва Тошкентда янги жамият - «Шўрои уламо»га асос солдилар.

**2.** Большевиклар Россия империяси ҳудудидаги барча халқларга мустақиллик ваъда қилдилар. Ушбу сўзлар самимийлигига ишонган ва Туркистондаги большевикларнинг шовинистик сиёсатига жавобан Туркистон тараққийпарварлари амалий ишга ўтишга қарор қилдилар. 1917 йил 26-28 ноябрь (9-11 декабрь)да Қўқон шаҳрида Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулодда 4-курултойи чақирилиб, унда Туркистон ўлкасини келажакда тузилиши мўлжалланган Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилинди.

Ўлка большевиклари Туркистон мухторияти ҳукуматини ўзлари учун хавфли куч сифатида қарашди. 1918 йил 30 январда Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон мухторияти ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1918 йил 14 февралда (янги ҳисоб билан) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қўшин етиб келди. 19 февралдан бошлаб уч кун мобайнида қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари дружиналари Қўқонни вайрон қилди, ўн мингдан зиёд киши ўлдирилди. Хуллас, 19 февралда Туркистон мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан зўравонлик йўли билан ағдариб ташланди. Қўқон атрофидаги 200 га яқин қишлоқлар ёндирилди ва таланди, 10 минглаб тинч аҳоли вакиллари отиб ташланди. Туркистонликлар тинч йўл (парламент) билан миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тушуниб, 1918 йил февраль ойининг охирида Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракатни бошлаб юбордилар.

**3.** 1918 йил февраль ойининг охирида Қўқонда фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати қизил гвардиячи отрядлар томонидан зўравонлик билан йўқ қилинган, минтақада совет режимига қарши қуроли ҳаракат юзага келди. Ҳаракат аввал Фарғона водийсида, сўнгра Самарқанд ва бошқа вилоятларда бошланди. Бу ҳаракатга совет даврида нотўғри равишда «босмачилик» деб тамға босилган эди.

Туркистондаги қуроли кураш ўз ҳудудий доирасига кўра 3 га бўлинади: Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ҳудудлари. У кейинчалик Ўзбекистон ССР,

Туркменистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон АССР, Қозоғистон АССРда ҳам давом этди. Куролли ҳаракат ўз ривожланиш жараёнига кўра 2 катта даврни босиб ўтди: 1918-1924 ва 1925-1935 йиллар. Ҳар бир давр ҳаракат қатнашчиларининг миқдори, кўрбошилар, кураш тактикаси ва жанглар амалиётига кўра, шунингдек, алоҳида хусусиятлари билан бир-биридан ўзаро фарқланувчи мустақил бир нечта босқичларга ҳам бўлинади.

Туркистонда совет режимига қарши куролли ҳаракатнинг мағлубиятга учрашининг ички ва ташқи омиллари, кўплаб сабаблари бўлган. Бу сабаблар, энг аввало, куролли муҳолифат ҳаракати-нинг ҳамма пайт ҳам ягона ҳарбий куч сифатида уюша олмаганлигида, кураш жараёнида баъзи кўрбошилар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро низолар ва келишмовчиликларда кўринади. Қизил армиянинг ҳарбий жиҳатдан устунлиги, пировардида, кураш тақдирини ҳал қилган.

1924 йил 27 октябрда бўлган Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети (СССР МИК) 2-сессияси Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказиш ва янги республикалар ҳамда автоном областлар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркистон АССР, БССР ва ХССР тугатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркменистан ССР, Тожикистон АССР (1929 йилгача Ўзбекистон ССР таркибида), Қорақирғиз (қирғиз) автоном области (РСФСР таркибида), Қорақалпоқ автоном области (дастлаб Қозоғистон АССР таркибида; 1932 йилдан Қорақалпоғистон АССР; 1936 йилдан у Ўзбекистон ССР таркибида) ташкил этилди.

4. 1917—1920 йилларда Бухоро амирлиги ичидаги сиёсий аҳвол кескинлашди. Ёш бухоролик жадидларнинг амир ва амирлик тузумига қарши ташвиқотлари кучайди. Ички ва ташқи муҳолиф кучлар амир ҳокимиятини ағдариш учун биргаликда тайёргарлик кўра бошлади. 1920 йил 25 августда Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе қизил армия кўшинларига «қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди. 1920 йил 2 сентябрда Туркистон fronti кўшинлари Бухоро шаҳрини эгаллади. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди. 1920 йил 6—8-октябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I-қурултойида *Бухоро Халқ Совет Республикаси* (БХСР) ташкил қилинди.

1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 5-қурултойида БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиш танланди.

Бу пайтда совет Россияси ва унинг ҳарбий кучлари ҳисобланган қизил армия Хоразмга таҳдид солиб турган. 1918 йилдан бошлаб хонликни хон номидан амалда бошқарган Жунаидхон мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш чораларини кўрган. Тахта шартномаси (1919 йил апрель)га кўра, Хива хонлиги мустақиллиги ва дахлсизлигини РСФСР ҳукумати тан олган. Бироқ хонликнинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олган совет Россияси ва Туркистоннинг большевик раҳбарлари Хива хонлигидаги барча муҳолиф кучларни ўз мақсадлари учун бирлаштиришга ҳаракат қилган. Жунаидхонга рақиб бўлган туркман уруғлари бошлиқлари Қўшмамедхон ва Ғуломалихон ҳам бу фитнага рағбатлантирилган.

Қизил армиянинг катта кучлари 1919 йил декабрнинг охирида Хива хонлигининг шимолий ва жанубий чегараларидан ҳужум қилиб, 1920 йил бошларида шаҳар ва қишлоқларни босиб олган. Жунаидхон жанглар билан Қорақум чўлига чекинган, 1920

йил 1 февралда хонлик пойтахти Хива ишғол қилинган. Хиванинг сўнгги хони Саид Абдуллахон тахтдан юз кечган. Ҳокимият Муваққат инқилобий кўмита (раис Мулла Жуманиёз Султонмуродов) томонидан икки ой давомида бошқарилган. 1920 йил 26—30 апрелда Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-қурултойида *Хоразм Халқ Совет Республикаси* (ХХСР) ташкил топган. Қурултойда 15 кишидан иборат республика ҳукумати - ХХСР Халқ Нозирлар Шўроси тузилган. Улар Хоразмда ағдариб ташланган хонлик ҳукумати ўрнига демократик республика қуриш учун интилишган.

Совет давлатининг турли ифвогарлик ва ҳарбий хуружларига қарамай Ёш хиваликлар ҳукумати бир йилча фаолият кўрсатди. 1921 йил 6 мартда қизил аскарлар Хивада 2 марта давлат тўнтариши ясаб, Ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариб ташлади. Большевиклар уларни қамокқа олиб, кўпчилигини отиб ташлади. Умуман олганда, ХХСР мавжуд бўлган қарийб 5 йил давомида большевиклар томонидан ХХСР МИК раислари ва ҳукумат бошлиқлари бир неча мартадан ўзгартирилди. Хоразмда ўтказилган бундай давлат тўнтаришлари оқибатида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари қатағон қилинди.

1923 йил 17—20 октябрда бўлган Бутун Хоразм Халқ вакилларининг 4-қурултойи ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек, қурултойда ХССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган. Афсуски, бу Конституция мамлакатни социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унга мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф мулклари бутунлай тугатилди. Қозихона фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил қилинди. Шу тарзда 1923 йил октябрдан бошлаб Хоразмдаги демократик ўзгаришларга чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг янги босқичига кўтарилди.

**5.** Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан сўнг республика давлат бошқаруви органлари Иттифоқ органлари тартибида ва улардан андоза олинган ҳолда тузилган. Бу иттифоқдош республикаларнинг Марказдан туриб бошқаришнинг энг осон ва оддий, шу билан бирга мустаҳкам ва ишончли шакли эди. Барча қарорлар ва кўрсатмалар Марказда қабул қилиниб, иттифоқдош республикаларга, шу жумладан, ЎзССРга бажариш учун жўнатиладди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими авж олди. Амалдорлар қатлами - совет режимининг бошқарув элитаси шаклланди. Улар халқдан ажралиб қолган, унинг орзу-умидларини назарига илмас эди. Марказдан узлуксиз келиб турган «партия ва совет ходимлари», аслида ВКП(б) кўрсатмалари бажарилишини хушёрлик билан назорат қилиб туришган.

Ўзбекистон ССР советларининг 2-съезди(1927 йил 30 март)да Ўзбекистон ССРнинг 1-Конституцияси қабул қилинган. Асосий қонун синфий хусусиятга эга бўлиб, аҳоли баъзи қатламларининг фуқаролик ҳуқуқлари чекланган. У Ўзбекистоннинг СССРга киришини тасдиқлаган. Конституцияда ЎзССР нинг СССР таркибидан эркин ажралиб чиқиш «ҳуқуқи» кўзда тутилган бўлса ҳам, у шунчаки бир декларациядан нарига ўтмаган.

**6.** Бироқ, 20-аср 20-йиллари охиридан бошлаб ЎзССРда ҳам НЭП ўз моҳиятини йўқотиб, эркин савдо ва тадбиркорликка чек қўйила бошлаган. Индустрлаштириш сиёсати қишлоқ ҳисобидан амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари пасайтирилди. Натижада деҳқонлар қашшоқлашди. Мамлакатда озик-овқат муаммоси кескинлашди. Индустрлаштириш Ўзбекистонда дастлаб секинлик билан амалга оширилди. Саноатни индустрлаштириш режасига мувофиқ малакали

ишчилар ва техник ходимлар тайёрлайдиган ҳунар-техника таълими ва фабрика, завод мактаблари ташкил қилинди. Бироқ саноат корхоналарига малакали ходимлар ва тажрибали ишчилар РСФСРнинг марказий шаҳарларидан олиб келинадиган бўлди. Марказнинг бу усули Ўзбекистоннинг бутун совет даври тарихида муттасил равишда давом эттирилди.

1925-1929 йилларда ЎзССРда ер-сув ислоҳотининг 2-босқичи, 1928-1929 йилларда учинчи босқичи ўтказилган. Қабул қилинган декретлар асосида белгилангандан ортиқ ерлар, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари тортиб олинган. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар ва бошқа мулкдорларнинг ерлари ва бутун мол-мулки мусодара қилинган. Давлат фондига киритилган 301500 десятина ернинг атиги 10% камбағал деҳқонларга бўлиб берилган. Кейинчалик қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилиб, колхоз ва савхозлар тузилди. Бироқ шўролар ҳокимияти ўзига тўқ деҳқон хўжаликларини «қулоқ» («муштумзўр») сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган.

1929 йил кузидан СССРда қишлоқ хўжалигини маъмурий-буйруқбозлик усули билан жамоалаштириш(коллективлаштириш)га киришилди. Ихтиёрийлик принципи инкор этилиб, барча деҳқон хўжаликлари оммавий тарзда ва қисқа муддатларда колхозлар (жамоа хўжаликлари)га кириши белгиланди. Кейинчалик совхозлар (давлат хўжаликлари) ҳам ташкил қилинди. Айни пайтда маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмади.

Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Қулоқлаштириш сиёсати деҳқонларда совет ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик ва хавотирликни кучайтирди. Кўплаб деҳқонлар ўз хўжаликлари ва яшаш жойларини ташлаб олиш туманларга қочдилар. Чорва сони ҳам кескин камайди. Республикадаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. Деҳқонларнинг норозиликлари 1930 йил 25 февралда Фарғона водийсида ғалаёнга айланди. Норозилик чиқишлари ва совет ҳокимиятига қарши ғалаёнлар Тошкент, Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва бошқа округларга ҳам ёйилди. Деҳқонлар колхозлардан чиқиб кета бошладилар.

ЎзССРда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш расмий равишда 1932 йилда тугатилди. Бироқ, бу даврда деҳқонларнинг қарийб 92% колхозларга кирган эди. Якка хўжаликларга турли чоралар қўлланилиши натижасида коллективлаштириш 1939 йилда 99,55% га етди. ЎзССРда пахта якка ҳокимлиги (монокультураси) вужудга келди. 1932 йил ЎзССР Иттифоқ пахтасининг 60% ни етказиб берган. ЎзССРда жамоалаштириш қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди. Ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди. РСФСРнинг марказий губерниялари, Волга бўйи ва Қозоғистонни қамраб олган очарчилик 1932—33 йилларда Ўзбекистонда ҳам юз берди.

**7.** Урушдан кейинги дастлабки йилларда саноат маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжини тўла қондира олмас эди. Шунинг учун республика аҳолиси ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур бўлди. Ҳунармандлар аҳолининг ҳаёти ва турмуши учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар. Бироқ совет ҳокимияти томонидан ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркин фаолияти чеклаб қўйилди. Улар кооператив артелларга бирлаштирилди. Якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланиш ман этилди. 20-асрнинг 70-йилларига келганда ЎзССРда ижтимоий ривожланиш муаммолари уларнинг ҳал қилинишидан кўра тезроқ кўпайиб, кескинлашиб борди.



Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва иқтисодий қаттиқ режалаштириш принципи вазиятни янада мураккаблаштирди. Бу ҳол саноатни ривожлантиришни ҳам қийин аҳволга солиб қўйди.

20-асрнинг 80-йиллари ўрталарида ЎзССРда маҳаллий аҳоли орасидаги ишсизларнинг ўртача йиллик сони 1 млн. кишидан ортиқ (ярми ёшлар) бўлган. Ишсизлар сони кўп бўлган бир шароитда иш кучини тўхтовсиз четдан келтириш давом этарди. Навоий, Зарафшон, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларидаги ишчиларнинг аксарияти СССРнинг марказий районларидан келтирилган эди.

Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи ўлка сифатида қаралиши унинг иқтисодийтини бир томонлама ривожланишига олиб келди. Хусусан, ЎзССР Иттифокнинг асосий пахта базаси бўлиб қолаверди. Халқ хўжалиги(саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.) бошқа соҳаларининг тараққиёти пахтачилик манфаатларига бўйсундирилди.

1980 йилда ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган техникумлар сони 44 тага етган. 1985 йилда республика қишлоқ хўжалигида 10 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли ва 5 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассис фаолият кўрсатган. Бироқ мутахассислар сон жиҳатдан ўсиб борса ҳам уларнинг малакаси етарли даражада эмас эди. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг талабалари узок муддатга қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган. Ўқув дастурлари эса ҳаддан ташқари мафкуралаштирилган.

20-асрнинг 70—80-йилларида Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштириш мақсадида катта ҳажмда ирригация иншоотлари қурилди. Қўриқ ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш, СССР ҳукуматининг талаб ва эҳтиёжи билан янги пахтачилик туманларини яратиш, пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш пахта яккаҳокимлигининг янада кучайишига олиб келди. Орол фожиаси кундан кунга зўрайиб борди. Бу ҳол, ўз навбатида, озик-овқат ва экологик муаммоларнинг ҳал қилишни янада қийинлаштирди, республикада ижтимоий кескинликни кучайтирди.

20-асрнинг 80-йилларига келганда совет режими, унинг сиёсий тизими ва хўжалик юритиш усуллари ўзининг ривожланиш имкониятларини тугата бошлади. ЎзССР иқтисодийти ҳам катта хом ашё ва табиий бойликлар захирасига эга бўлишига қарамасдан СССРнинг марказий ҳудудларидан анча ортда қола бошлаган.

### ***Мавзунини такрорлаш юзасидан саволлар***

1. XX асрни бошларида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида гапириб беринг.
2. Россиядаги 1917 йил воқеаларини Туркистонга таъсирини мисоллар билан тушунтириб беринг.
3. Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва ҳалокати сабабларини ёритиб беринг.
4. Туркистонда большевиклар диктатураси қай тарзда ўрнатилди?
5. Хоразм ва Бухорода миллий-демократик ҳаракатлар ва уларнинг натижалари ҳақида нималар биласиз?
6. Туркистонда совет мустабид тузумига қарши истиқлолчилик ҳаракатининг бошланишига нима сабаб бўлди?
7. Иқтисодий инқироздан чиқиш тадбирлари - янги иқтисодий сиёсат ва унинг натижалари самарали бўлдими?

8. 1920-1924 йилларда Хоразм республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар қандай кечди?
9. 1920-1924 йилларда Бухоро республикасида ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапириб беринг.
10. Бухоро ва Хоразм республикаларидаги қуролли курашлардан кўзланган мақсад нима эди?
11. 1917-1924 йилларда Ўзбекистонда маданият соҳасидаги зиддиятлар нималардан иборат эди?
12. Нима мақсадда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилди?
13. Советларнинг Туркистонда юритган иқтисодий сиёсати қандай мақсадларга йўналтирилган эди?
14. Туркистонда ўтказилган ер-сув ислоҳатининг биринчи ва иккинчи босқичларидан кўзланган мақсад нима эди?
15. Жамоалаштириш сиёсати ва унинг салбий оқибатлари нималардан иборат эди?
16. Ўзбекистонда саноатлаштириш жараёни қандай кечди?
17. 30-йилларда маданий ҳаётда қандай воқеалар юз берган?
18. Ўзбекистонда иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг 50-80-йилларда чуқур турғунлик ҳолатига келиб қолишининг асосий сабабларини айтинг.

#### **Таянч тушунчалар:**

**БХСР** - Бухоро Халқ Совет Республикаси

**Скобелев** - ҳозирги Фарғона

**Перовск** - ҳозирги Қизилўрда

**муваққат** – вақтинчалик, доимий бўлмаган.

**мухторият** – ўзига мустақил; автономия.

**ТАССР** - Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси

**ХХСР** – Хива Халқ Совет Республикаси

**МИК** - Марказий Ижроия Комитети

**РСФСР** – Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси

**нозир** – ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида сарой таъминоти ва уни харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор. XX аср бошларида Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида савдо, саноат, ҳарбий ва бошқа соҳалар бўйича халқ нозирлари тайинланган бўлиб, улар ўша соҳа бўйича ишнинг боришига жавобгар шахс ҳисобланганлар.

**совхозлар** - давлат хўжаликлари

**колхозлар** - жамоа хўжаликлари

**жамоалаштириш** – коллективлаштириш

**«Қулоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликлар** - мол-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, оилалари Украина, Шимолий Кавказ, Сибирь, Қозоғистон, Узоқ Шарқ каби ўзга юртларга сургун қилинган бадавлат хўжаликлар.

**«стахановчилик ҳаракати»** - «социалистик» мусобақа

**МТСлар** - машина-трактор станциялари

**РТС** - ремонт техника станциялари

**ТСР** - Туркистон Совет Республикаси

**НЭП** – Янги иқтисодий сиёсат (новая экономическая политика)

**таназзул** – орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик.

**12-мавзу: Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг маънавий-маданий қарамлиги ва унинг оқибатлари. Мустабид совет тузумининг қатағонлик сиёсати.**

**Режа:**

1. 20-30-йиллардаги маданий ҳаёт. Халқ маорифи. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг очилиши.
2. Маданият соҳасида миллий зиёлиларнинг фаолияти.
3. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи. «Хужум» ҳаракати.
4. Эски ва янги алифбо масалалари. «Саводсизликни тугатиш».
5. Адабиёт ва санъат.
6. Мустабид совет тузумининг қатағонлик сиёсати.

1. 20-30-йиллардаги жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятига жиддий таъсир ўтказди. Республикада маданий тараққиётнинг замонавий ривожланган даражасига ўтиш ҳаддан ташқари катта қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлиб, кескин мафкуравий кураш шароитида амалга оширилди. Бунинг сабаблари, аввало, ўзбек халқининг азалдан билимга интилиши, маданий меросни қадрлашида кўринади. Бу жараёнлар, аввало, дарслар она тилида олиб бориладиган (беш йиллик таълим) ва 11 (тўрт йиллик таълим) босқич мактабларни очиш ва уларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, маориф институтлари, ўқитувчиларни тайёрлаш курслари ва бошқаларни ташкил этишдан иборат бўлди. Шу йилларда Марказ сиёсий раҳбарияти совет тузумига содиқ бўлган педагог кадрларни кўп миқдорда, тезкорлик билан тайёрлаб, улар орқали аҳолини, айниқса, ёш авлодни коммунистик ғоялар асосида тарбиялаш мақсадида қарорлар ва режалар ишлаб чиқди. Уларни оғишмай амалга ошириш учун зарур маблағларни аямади, бор маърифатчиларни ҳамда партия, совет, жамоат ташкилотларининг куч-қувватини сафарбар қилди. Мактабларнинг педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун педагогика ўқув юртлирининг кенг тармоғи яратилди: техникумлар, маориф институтлари, ўқув юртлири очилди. Уларда жадал суръатлар билан оммавий миқёсда янги ўқитувчи кадрлар етиштириб чиқарилди.

20-йилларнинг охирига келиб уларнинг сони республикада деярли 5,5 мингтага етиб қолди. Халқнинг билимга бўлган интилиши кун сайин кучайиб бориши натижасида умумий саводхонлик ўсди, бу нарса миллатнинг маънавий имкониятлари юксалишига, иқтисодий фаолияти ортиб боришига ёрдам берди. Шундай бўлса-да, бу жараёнлар партиянинг маданий соҳада зўрлик кўрсатиши туфайли мушкулликларга учради. Халқ маорифида бу нарса аввалига миллий таълим шакллари ёйиладиган соҳаларни чеклаб қўйиш, кейинчалик эса уларни бутунлай йўқ қилиб юборишда ўз аксини топди. Чунончи, 20-йилларнинг бошларида совет мактаблари билан биргаликда эски усул мактаблари, диний ташкилотлар томонидан таъминлаб бориладиган вақф мактаблари ва мадрасалари ҳам ишлаб турар эди. 1925-йилда Ўзбекистонда 97 та вақф мактаблари ва 1,5 мингдан ортиқ эски мактаблар бўлиб, улардан 250 таси яширин ҳолда иш олиб борган. Лекин совет ҳокимиятининг инсонпарварликка зид сиёсати натижасида улар 1928-йилга келиб ўз фаолиятини амалда тугатдилар. 30-йилларнинг охирида умумий етти йиллик таълимни амалга

оширишга киришилди. 1940-йили республикада барча турдаги 5,5 мингдан ортик умумтаълим мактаблари ишлаб турди, уларда 1,3 млн.га яқин болалар ўқиди. Бироқ бу даврда мактаб ёшидаги ҳамма болаларни ҳам, айниқса, қишлоқ жойларида ўқишга жалб қилишнинг имкони бўлмади: мактаб бинолари, ускуна-жихозлар, ўқитувчилар етишмас эди. Мактаб таълими турли соҳадаги билимларни эгаллаб олган, жамоат ҳаётига фаол қўшилиб кета оладиган, олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб ўқий оладиган саводхон ёшларни етиштириб чиқаришни кўпайтиришга имкон бера оладиган жиддий ислоҳотга муҳтож эди. Афсуски, халқ таълимига буйруқбозлик нуқтаи назаридан туриб, экстенсив равишда ёндашиш кучайиб борди. Бунинг натижасида сифат муаммолари четга сурилиб, миқдор кўрсаткичлари биринчи ўринга ўтди. Аҳволни хўжакўрсинга яхшилаш орқасидан қувиш жамиятнинг маданий ҳолатига ёмон таъсир ўтказди ҳамда олий ва ўрта мактабга сезиларли даражада зарар етказди. Республика тараққиётининг манфаатлари халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни тезлаштиришни талаб қилар эди. Шу туфайли 20-йилларнинг охиридаёқ республикадаги олий ўқув юртларида асосан ишчи ва деҳқонлардан иборат 4 минг нафарга яқин талабалар ўқир эди. Мутахассислар тайёрлашда РСФСР ва бошқа республикалар ҳам Ўзбекистонга ёрдам бердилар. 1927 йили фақатгина Россия Федерациясидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ўзбекистондан келган 300га яқин талабалар таълим олди. Ўрта Осиёдаги биринчи олий ўқув юрти - 1918-йили очилган Туркистон давлат университети - бу вақтга келиб олий таълимнинг энг йирик марказига айланди. Университет мутахассислар етиштириб чиқариш суръатларини йилдан йилга ошириб борди: уни битириб чиққан кишилар сони 1928-йилга келиб 5 баравар кўпайди. Аммо улар орасида маҳаллий халқ вакиллари ҳамон кам сонни ташкил этарди. Педагогик академия базасида 1933-йили Самарқандда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) барпо этилди. 20-йилларда республикада дастлабки илмий-тадқиқот муассасалари очилди. Улар республика учун муҳим бўлган муаммоларни, айниқса, ирригация, пахтачилик ва тиббиёт соҳасидаги муаммоларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишни авж олдирдилар. 20-йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистонда ўнларча илмий-тадқиқот муассасалари ишлар, уларда 1000 дан ортик илмий ходимлар меҳнат қилар эди.

2. Ёш авлодни ўқитиш, бунинг учун шарт-шароитлар яратиш халқ оммаси, унинг илғор вакиллари учун долзарб бўлиб келган. Маърифатпарвар олим, педагог, жамоат арбоби Абдулла Авлоний (1878-1934) мактаб масаласи, яъни «тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидур», деб таъкидлади. Бу жами ўзбек зиёлиларининг эътиқоди, қараши эди. Миллий, жадид мактаблари учун дарсликлар, ўқиш китобларини зиёлиларимиз аср бошидан ёзиб чиқариб келдилар. 1917 йилдан мактаблар сонининг ўсиши, маориф ижтимоий даражасининг кўтарилиши дарсликларга талабни оширди. Педагог, олим, давлат арбоби Абдулла Авлоний 1917 йилда «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» тарбиявий дидактик китобини қайта нашр қилди, шунингдек, «Мактаб гулистони» ўқиш китобини, икки жилдлик «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» китобларини яратди. 1920 йилдан Тошкентдаги ўлка билим юртида, сўнгра ўзбек хотин-қизлар билим юртида мудирлик қилди. Фитрат 1917-йилда «Ўқув» китобини, 1919 йилда Ш.Рахимий ва Қ.Рамазон билан бирга «Она тили» дарслигини, сўнгра «Имло масалалари» китобини ёзиб чиқарди. Аммо хўжаликнинг парокандалиги, сунъий тўсиқлар оқибатида 20-йиллар бошида

мактаблар сони қисқарди, дарсликлар ёзиш, нашр қилиш тўхтади. Миллий зиёлилар, давлат арбоблари газета, журналларнинг тарбиявий, зиё тарқатувчилик ролига жиддий аҳамият бердилар ва сермазмун фаолият кўрсатдилар. 1918 йилда «Иштирокиюн» (1922-йилдан «Қизил байроқ», кейин «Туркистон» номи билан), «Меҳнаткашлар ўқи», «Меҳнаткашлар товуши» (Самарқандда), «Фарғона», «Янги Фарғона», «Эл байроғи», «Халқ», «Халқ қалқони», «Янги Шарқ», «Эркинлик» номли газеталар, «Маориф ва ўқитувчи», «Молия ахбороти», «Касабачилик ҳаракати» журналлари чиқарилди. 1923 йилдан чиқа бошлаган «Муштум» ҳажвий журнали (муҳаррири - Хожи Муин Шукриллаев) кенг ижтимоий аҳамият касб этди. Шунингдек, «Машраб» номли журнал ҳам чиққан. 1918-1920 йилларда Туркистонда ўзбек тилида 11 номда газета чиқарилди. 20-йилларда ҳам бу жараён давом этди. Янги шароитларда ўзбек миллий матбуотчилигини ривожлантиришга маърифатчи дарғалар А.Авлоний, М.Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, А. Қодирий, Чўлпон, Ашурали Зохирий, истеъдодли журналистлар Ғози Юнусов, Элбек, Пўлат Солиевлар катта ҳисса қўшдилар. Газета ва журналлар расмий ташкилотлар органлари сифатида таъсис этилган ва қаттиқ назорат қилинган. Шундай бўлсада, нашр қилинган материалларда халқпарвар, адолатпарвар рух устувор бўлган ғоялар илгари сурилди. Совет ташкилотлари сиёсий ақидаларга таяниб матбуотга таъқибни кучайтирдилар. Айрим газеталар 2-3 ой фаолият кўрсатиб улгурмасдан ёпилар, ман қилинар эди. Газеталар номларини ўзгартириб чиқариларди. Соф виждонли журналистлар таъқиб остига олиндилар, кейинчалик қатағон қилиндилар. Кутубхоналар, музейлар сони кўпайиб борди. Тошкентнинг Эски Жўва даҳасида «Турон» кутубхонаси самарали фаолият кўрсатди. Музейлар ташкил қилишга киришилди. 20-йиллар ўртасига келиб 5 та музей бор эди. Уларда халқимизнинг бой тарихи акс этган осори-атиқалар жой олди. Ўзбекистон кўп асрлик санъат турларига бой. Шарқ санъатининг шоҳ асари «Шашмақом», қатор классик куй ва ғазаллар шу заминда яратилган. Санъат труппалари, миллий театрлар тузилди ва фаолият кўрсатди. Ўзбекистонда 1924-1925 йилларда вақф маблағлари билан 150 тага яқин мактаблар, интернатлар ва бошқа таълим-тарбия муассасалари таъминланган. Ўзбекистон ҳудудида 1917-1924 йилларда маориф, маданият ва маънавиятда мураккаб жараёнлар кечиши билан бир қаторда, халқ оммаси мактаб, маърифат ва ўз миллий анъаналари учун қаттиқ кураш олиб борди. 1943йил 4 ноябрда унинг асосида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академияси зиммасига тушди. Бу академиянинг биринчи президенти этиб Т.Н.Қори Ниёзий сайланди. Фанлар академиясининг ташкил этилиши ўзбек халқи ҳаётида муҳим тарихий ҳодиса бўлди. Бу академия Ўзбекистон илмий тафаккурининг маркази бўлиб қолди. Шу билан республикада илмий тафаккурни янада ривожлантириш учун мустақкам замин яратилди. Уруш туфайли Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарлардан кўчириб келинган олимлар Ўзбекистон олимлари билан биргаликда фаолият олиб бордилар. Уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари илм-фан ютуқларини фронт эҳтиёжлари учун хизмат қилдиришга қаратилган эди.

**3.** Шарқда аёлларнинг асрлар давомида муайян урф-одатлар ва шариат мезонлари билан шаклланган ижтимоий мавқеини уларни озодликка чиқариш ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш шиори остида фавқулодда шиддат билан ўзгартирилиши Ўзбекистонда кўп тўқнашувлар ва қурбонлар бўлишига олиб келди. Турли фабрика, артел, завод, мактаб ва клублар ташкил этилиб, уларга хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш сиёсий кампания тусини олган. Унинг энг чўққиси «Хужум» кампанияси бўлиб,

у 1927—1928 йилларда ўтказилган. Аёлларни паранжи ташлаш ва «ичкаридаги туткунлик»дан озод қилишни мўлжаллаган бу кампания асрий анъаналарни ҳисобга олмаган қарорлар ва кўрсатмалар асосида олиб борилди, кўп ҳолларда зўрлик ишлатилди.

**4.** Компартиянинг маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қарорида ҳам ўз ифодасини топди. Араб ёзувига асосланган қадимги ўзбек ёзувини 1929 йили лотин алифбоси, 1940 йили эса кирилл алифбосига алмаштириш ҳам миллий ўзига хосликни бўғиш бўлди. Бу нарса халқнинг бой тарихий ўтмишидан ажралиб қолишига олиб келди, маънавий изчилликка зиён етказди. Халқ маърифатининг юксалиши йўлида ҳамон катта ғов бўлиб турган муаммо аҳолининг саводчилигини ошириш бўлиб, саводсизликка барҳам бериш давр талаби эди. Бу мақсадда кўплаб янги савод мактаблари ва курслар очилди. Минглаб аҳоли саводли бўлди. Саводсизликни тугатиш иши тикланиш даврининг дастлабки йилларида катта қийинчиликларга дуч келди: ўқитувчилар, мактаб бинолари, асбоб-жихозлар, ўқув қўлланмалари, пул маблағлари етишмас эди. Бироқ бу соҳа, гарчи қийинчилик билан бўлса-да, изга туша бошлади, катта ёшли кишиларни ўқитиш шакл ва усуллари такомиллаштирилди, савод мактаблари тармоғи бирмунча кенгайтирилди, саводсизликни тугатувчи маҳаллий ўқитувчилар сони ошди.

**5.** Ижтимоий ҳаётда шиддатли зиддиятлар ҳукм сурган бу мураккаб даврда адабиёт ва санъат миллийлик, инсонпарварлик, халқчиллик каби тамойилларга содиқлигини сақлаб қолди. Бу давр республика ижодий ҳаёти учун изланишлар, ўзларининг дунёқарашлари жихатидан бир-бирларидан фарқ қилувчи талайгина йўналишларнинг ғоят қаттиқ тўқнашувлари билан тўлиб-тошган давр, ютуқлар қўлга киритилган ва талафотлар берилган, янги-янги истеъдодлар дунёга келган ва фожиа билан тугаган тақдирлар даври бўлди. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Садриддин Айний, Ғулом Зафарий ва бошқалар ўз асарлари билан миллий қадриятларни ёқлаш ва ҳимоя қилишга уриндилар. Уларнинг муҳолифлари, айниқса, ёш адабиётчилар орасидан чиққан айрим ёзувчилар маданий жараёнларда фақат синфий ёндашувгина биринчи ўринда туриши мумкин, деб даъво қилдилар. 20-йилларда ўзбек миллий адабиётини ғоявий-бадий жихатдан бойитган талайгина асарлар яратилди. Абдулла Қодирий, Фитрат, Ғулом Зафарий, Ҳамза, Чўлпон ва бошқалар ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, озодлик учун курашини, аёллар эркинлигини, ижтимоий ўзгаришларни маҳорат билан ёритган бир қанча назарий, шеърӣ ва драматик асарлар яратдилар. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий Туркистоннинг сўнгги хонларидан Кўқон хони Худоёрхон давридаги турли табақа вакиллариининг ҳаёти, интилишлари ва ахлоқини реалистик тарзда тасвирлаган «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» каби ажойиб бадий-насрий асарларни ижод қилди.

Ўзбек миллий драматургияси ва мусиқаси, театр ва кино, тасвирий ва амалий санъати ҳам халқимиз маънавий маданиятининг ҳаётбахш манбаи бўлиб қолди ва унга хизмат қилди. Мусиқа, театр ва кино санъатининг истеъдодли миллий кадрлари етишиб чиқди. Ўзбек миллий мусиқасини ривожлантиришда ўзбек композиторларидан Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафӣ, Толибжон Содиқов, Мутаваккил Бурхоновлар кўп меҳнат қилдилар.

**6.** 20-асрнинг 20-йилларининг 2-ярми ва 30-йиллар бошида ЎзССРда «ўн саккизлар гуруҳи», «иноғомовчилик», «қосимовчилик», «бадриддиновчилик»,

«миллий иттиҳодчилар» ва «миллий истиқлолчилар», «наркомпрос иши», «ботир гапчилар» ва ҳ.к. сиёсий ишлар тўқилиши натижасида ўзбек халқининг кўплаб етуқ фарзандлари қатағон қилинди. Бу даврда партия сафларини тез-тез тозалаш туриш сиёсий кампанияга айланди. 1929-1930 йилларда ўтказилган навбатдаги партия сафларини «тозалаш» кампанияси натижасида Ўзбекистон Компартияси аъзоларининг 25,6% фирқадан чиқарилди. Ўзбекистон ССРда сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари устидан Марказнинг қаттиқ назорати кучая борган. Йирик давлат ва жамоат арбоблари, партия ва хўжалик раҳбарлари, зиёлилар, руҳонийлар ва ҳарбийлар билан биргаликда оддий кишилар—ишчилар ва колхозчилар ҳам қатағон қилинди.

Ўзбекистон ССРда сиёсий қатағонлар 1937 йилнинг ёзида айниқса авжига чиққан, республикамиздаги вилоят, туман, шаҳарлар раҳбарлари ва бошқа кўплаб хўжалик ва партия ходимлари қамоққа олиниб, совет режими томонидан отиб ташланди. Ўзбекистондаги сиёсий элита «миллатчилик ва совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш»да, шунингдек, «қуролли кўзғолон кўтаришни тайёрлаш»да айбланди. Хорижда, хусусан, Германия ва Туркияда таҳсил олган мутахассислар ҳам қатағон қилинди. 20-асрнинг 30-йиллари бошида уламолар, руҳонийлар ва диндорларни таъқиб қилиш кучайди. 1936-1939 йилларда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ислом дини вакиллари (машҳур эшонлар, муллалар, мударрислар, қорилар, имомлар, саидлар ва ҳ.к.)ни ҳам қатағон қилиш авжига чиқди. Хусусан, «мусулмон руҳонийлари» («мусдуховенство») иши бўйича Тошкентда 1937-1939 йилларда 49 киши тергов қилиниб, 1939 йил 7 июнда улардан 20 киши жиноий жавобгарликка тортилган. ЎзССРда бу даврда кўплаб мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлар бузиб ташланди. Бузилмай қолган мадрасалар ва масжидлар хўжалик омборларига айлантирилди.

1937-1939 йилларда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича Ўзбекистонда 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазоланди, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ташланган эди. Бу маълумотлар республикамиз миқёсида қизил террор қанчалик кенг миқёсда шафқатсиз равишда амалга оширилганлигининг яққол исботи ҳисобланади.

Уруш тугагач, орадан кўп ўтмай ЎзССР бўйлаб яна бир ялпи қирғин тўлқини елиб ўтди. 20-асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йиллар бошидаги қатағонлар, асосан, маданият ва фан арбобларига қарши қаратилди. Ижодкор зиёлилардан Саид Аҳмад, Шукрулло, Мирзакалон Исмоилий, Шухрат, Максуд Шайхзода, Миркарим Осим, Ҳамид Сулаймонов, Муҳиддин Қори Ёқубов ва бошқалар 1951 йилда «советларга қарши миллатчилик фаолияти» олиб борганликда айбланиб, қамоққа олинди ва 25 йилга озодликдан маҳрум этилди. Улар «халқлар отаси» И.В.Сталин вафот этгач, 1955 йил оқланиб қамоқдан қайтди. 20-асрнинг 30-50-йилларида қатағон қилинган айрим давлат ва сиёсат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва санъаткорлар оқланди. Лекин қатағонларнинг янги тўлқини доимий равишда инсонлар юрагига ғулғула ва кўрқув солиб турди.

ЎзССРнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида 1984 йил 23 июнда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК 16-пленими машъум роль ўйнаган. СССР Бош прокурори ҳузурида алоҳида муҳим ишлар бўйича махсус 12 кишилик терговчилар гуруҳи тузилиб, 1983 йилдаёқ ЎзССРга юборилган эди. Улар кейинчалик Марказдан республикага келган

«десантчилар»га таяниб, Ўзбекистонда навбатдаги қатағонни амалга оширди. 1983-1987 йилларда Москва, Ленинград ва РСФСРнинг бошқа шаҳарларидан 400 дан ортиқ «десантчи» Ўзбекистоннинг партия, совет, маъмурий-хўжалик органларига юқори раҳбар лавозимларга ишга юборилган.

1983-90 йилларда ЎзССРда «пахта иши» деган уйдирма бўйича жами 40 минг киши тергов қилинди, уларнинг аксарияти тергов изоляторларида прокурор санкциясиз ўтирди, 5 минг киши эса сохта айблар билан жиноий жавобгарликка тортилди. Марказий матбуотда эълон қилинган мақолаларда ўзбек халқи бадном этилиб, «пахта иши»га атайлаб сиёсий тус берилди ва у «ўзбеклар иши»га айлантирилди.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётида марказнинг зўравонлик сиёсати ва тазйиқи нималарда намоён бўлди?
2. Тоталитар-маъмурий буйруқбозлик тизимининг вужудга келишини объектив ва субъектив омиллари нималардан иборат?
3. 30-йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари ҳақида гапириб беринг.
4. 40-йиллар охири ва 50-йиллар бошларида илғор ўзбек зиёлиларининг қатағон қилишдан мақсад нима эди?
5. Турғунлик йилларида ўзбек зиёлиларининг ва миллий кадрларнинг ҳаёти ва фаолияти қандай кечди?
6. “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” деб ном олган жараёнларнинг асл моҳияти нимада эди?

### **Таянч тушунчалар:**

**қарамлик** — мамлакат ва ҳудудларни босиб олиш ёки бошқа хил йўллар билан уларнинг устидан бошқа давлат ва гуруҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши оқибатида давлат ҳокимиятининг олийлик ва суверенлик белгиларидан маҳрум бўлиши. Қарам давлатлар метрополия давлатларига сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарамлик занжирлари билан боғланган бўладилар.

**«қизил империя»** - 1917-1991 йилларда мавжуд бўлган собиқ шўро давлатига нисбатан ишлатиладиган атама. «Империя» сўзи лотинча бўлиб, мутлак ҳокимиятга эга ҳокимни, маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуққа эга, жабр-зулм ва эзишга асосланган идора этиш ва бошқариш усулини, мустамлакаларга эгалик қилувчи ва қарам халқларни асоратга солиб шафқатсиз эксплуатация қилувчи йирик тажовузкор давлатни билдиради.

**таназзул** – орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик.

**коренизация** - маҳаллийлаштириш

**13-Мавзу. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган хиссаси.**

**Режа:**



1. *Иккинчи жаҳон урушининг боиланиши. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши.*
2. *Республикада хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг ҳарбий изга солиниши. Фронтга умумхалқ ёрдами.*
3. *Уруш йилларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт фаолияти.*
4. *Уруш йилларида фан ва маданият, халқ таълими, адабиёт ва санъат.*
5. *Ўзбекистон жангчиларининг фронтда кўрсатган жасоратлари. Ўзбекистонда хотира ва қадрлаш куни ва унинг аҳамияти.*
6. *Советлар империясининг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон*

1. 1939 йил 1 сентябрда Германиянинг Польшага бостириб кириши билан иккинчи жаҳон уруши бошланган эди. 1941 йил 22 июнда гитлерчилар Германияси ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақидаги совет-герман шартномаси бўлишига қарамасдан тўсатдан СССРга ҳужум қилди. Бу давлат фуқаролари бўлган халқлар учун оғир синовлардан иборат уруш бошланди. Ўша куни мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги ҳақида фармон эълон қилинди. 23 июнда Тошкентда кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди.

Уруш бутун мамлакат хўжалиги, унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. 1941 йил 30 июнда Давлат Мудофаа Қўмитаси (ДМК) нинг тузилиши билан мамлакатдаги бутун сиёсий, ҳарбий ва хўжалик ҳокимияти унинг қўлига ўтди. Ушбу Қўмитанинг раиси И.В.Сталин 19 июлдан СССР Мудофаа халқ комиссари, 8 августда СССР Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони лавозимини эгаллади. У айни пайтда СССР ХКС раиси ва ВКП(б) МК Бош котиби бўлган. Урушнинг дастлабки кунларида қабул қилинган махсус қарорлар, кўрсатмаларда мамлакатнинг катта хавф остида қолгани, уни ҳимоя қилиш учун зудлик билан барча иқтисодий-маънавий кучларни мудофаа манфаатларига бўйсундириш, халқ хўжалигини тўлиқ ҳарбий изга солиш лозимлиги қайд этилди. Узоқ давом этган уруш қийинчиликлари Ўзбекистон меҳнаткашларини ҳам оғир аҳволга солди.

2-жаҳон уруши даврида республикага раҳбарлик қилган Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1-котиби Усмон Юсупов (1937-1950) ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда бош-қош бўлган.

2. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб зудлик билан фронт манфаатларига бўйсундирилди. Фронт орқаси районлари қатори Ўзбекистонга жуда катта аҳамият берилди. Урушнинг дастлабки кунларида немис қўшинлари шиддат билан Шарққа томон ҳаракат қилмоқда эди. Фронт яқинидаги шаҳар ва қишлоқлардан аҳоли, саноат корхоналари, муассасалар ва бошқа моддий бойликларни Шарққа кўчириш бошланди. Чу-нончи, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига эвакуация қилинган 308 корхонанинг 100 дан ортиғи («Лентекстильмаш», «Ростсельмаш», «Красный Аксай», Суми компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Химки авиация заводи, Москва «Подъёмник», «Электрокабель», «Электростанок» заводлари, Киев «Транссигнал» заводи ва бошқалар) Ўзбекистонга жойлаштирилди. Келтирилган корхоналарни ниҳоятда қисқа муддатларда ишга туширишга эришилди. 1941 йил охиригача шундай корхоналардан 50 таси ишга туширилди.

Халқ хўжалигини қайта қуриш билан бир вақтда ҳаракатдаги армия учун жанговар резерв (захира)лар яратиш, оммавий мудофаа ишлари билан шуғулланишга тўғри келди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари аҳолиси ва

моддий ресурсларини сафарбар қилиш ва жанговар ҳолга келтириш учун жиддий тадбирлар кўрилди. Ўрта Осиё ҳарбий округида фронт учун жанговар захиралар ва командирлар тайёрланди, хусусан, миллий ҳарбий қисмлар ҳам ташкил этилди. Ўзбекистан меҳнаткашлари миллий ҳарбий кўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. 1941 йил ноябрдан 1942 йил март ойигача Ўзбекистонда 14 та миллий бригада, жумладан, 9 та алоҳида ўқчи бригада ва 5 та отлик дивизия тузилди. Уруш йилларида 1,5 млн.дан ортиқ ўзбекистонлик фашизмга қарши оловли жанглarda қатнашди (1940 йил республика аҳолиси 6,5 млн. киши бўлган). Улардан 450 мингдан ортиқ киши жанг майдонларида ҳалок бўлди.

Ўзбекистонда мудофаа жамғармалари учун маблағ тўплаш ташкил этилди. Мудофаа жамғармасига меҳнаткашларнинг бир кунлик иш ҳақи, шахсий жамғармалари, қимматбаҳо ва ёдгорлик буюмлари, давлат заёмларини келтириб топшириш рағбатлантирилди. Урушнинг дастлабки кунларида мудофаа жамғармасига 30 млн. рубль топширилди. Ўзбекистонда ҳарбий техника, асосан, танк колонналари ва жанговар самолётлар эскадрильялари тузиш учун маблағлар йиғиш юзасидан бошланган ҳаракат анча кенгайди. Фронтга ёрдам тариқа-сида кийим-бош, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ҳам мунтазам юбориб турилди. Хусусан, 1941 йил декабрда ўзбек халқининг янги йил совғаларини топшириш учун Ўзбекистан делегацияси (Й.Охунбобоев ва Ҳасан ота Исломов бошчилигида) Ғарбий фронтга борди.

Иқтисодиётни жадал ҳарбий изга солиш энг муҳим вазифа эди. 1941 йил 26 июндан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш куни 13-14 соатга узайтирилди, меҳнат таътили бекор қилинди, мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик иш ҳафтасига ўтилди, бошқа баъзи чеклашлар ҳам жорий қилинди. Ёшлар ва хотин-қизлардан ишчилар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ корхоналарда ишчи кучи етишмас эди. Меҳнат интизомини бузганларга 5-8 йил қамоқ жазоси белгиланди.

Темир йўл ҳаракати, почта, телеграф ишлари ҳам уруш шароитига мослаштирилди. Саноат ва транспорт ниҳоятда қисқа вақт ичида ҳарбий изга кўчирилди. 1941 йил охирида республикада 300 га яқин корхона қурол-яроғ ишлаб чиқаришга мослаштирилди. 1942 йил ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш икки марта кўпайди. Энергетика базаси, қора ва ранг-ли металлургия, кимё саноати ривожлантирилди. Бу даврда 7 та ГЭС (Фарҳод ГЭС, Салор ГЭС ва бошқалар) қурилди.

**3.** Уруш йилларида Ўзбекистон фронтга қарийб 2000 самолёт, 1700 мотор, 22 млн.та мина, 500 млн.та ўқ, 2 млн.та авиабомба, 1 млн.та граната, 330 мингта парашют, 5 бронепоезд ва бошқа қурол-яроғ етказиб берди. 1945 йил кузигача 155 минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик РСФСРнинг, асосан, Урал ва Сибирдаги турли заводлари, конлари, қурилиш ва ёғоч кесиш ишларига ишчи батальонлари сифатида сафарбар қилинди. Улар жуда оғир шароитда меҳнат қилишган.

Уруш йиллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам кескин ошган. Колхозларда катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун мажбурий иш куни 1,5 марта оширилган. Белгиланган меҳнат нормасини бажара олмаган колхозчилар шафқатсиз жазоланган. Уруш йилларида пахта етиштиришни ошириш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган. Уруш йилларида ЎзССРда ирригация шохобчалари юксак суръатлар билан давом эттирилди. Шимолий Тошкент,

Шимолий Фарғона, Юқори Чирчиқ, Сўх-Шохимардон, Учқўрғон каналлари ва Рудасой, Косонсой сув омборлари бунёд этилди.

4. Фронт ва фронт орқасини зарур хом ашё ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда жангчиларни ғалаба сари руҳлантиришда Ўзбекистан халқи, хусусан, фан ва маданият арбобларининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди. Илмий муассасаларда тадқиқотлар йўналиши ҳам уруш даври манфаатларига мослаштирилди. Геолог, энергетик, кимёгар олимларнинг илмий изланишлари самарали бўлди. Бу даврда янги конлар ўзлаштирилди. Ўрта Осиё ун-тининг кимё факультети негизида фармацевтика заводи ишга туширилди. Эвакуация қилинганлар ҳисобига кўпайган республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича ҳам кўшимча имкониятлардан фойдаланилди. СССР ФА Ўзбекистан филиали негизида 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР ФА (1-президенти Т.Н.Қори-Ниёзий) ташкил қилинди.

Инсонпарварлик ғояларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида ўзбек халқи маданий меросидан фойдаланила бошланди. Тарихий мавзуда бадиий асарлар («Маҳмуд Торобий», «Муқанна», «Жалолиддин Мангуберди», «Темур Малик» ва б.) яратилди. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Абдулла Қахҳор, Уйғун, Султан Жўра, Ойдин каби шоир ва адиблар уруш мавзуига бағишланган асарлар яратди.

Республикада театр санъати, кинематография, ҳайкалтарошлик ва рассомликда ватанпарварлик мавзуидаги асарлар яратилди. Ўзбекистонда шу йилларда 35 та маҳаллий, 16 та кўчириб келтирилган театр иш олиб борди. Уруш йилларида ўзбек санъаткорлари 30 та концерт бригадаларига бўлиниб, фронтдаги жангчиларга 35 минг, госпиталларда эса 26 минг концерт намоиш этдилар.

Уруш Ўзбекистондаги ҳар бир оилани моддий жиҳатдан ҳам қийин аҳволга солиб қўйди. Шаҳарларда озиқ-овқатга карточка тизими ташкил этилиб, ишчи ва хизматчиларга кунига 400—500 граммдан, оила аъзоларига 300—400 граммдан нон берилди. Раҳбар ходимлар эса махсус озиқ-овқат (паёк) билан таъминлаб турилди. Қийинчиликлар жамиятнинг ижтимоий руҳий ҳолатида кескинликни вужудга келтирди, бироқ фашизм устидан қозониладиган ғалабага ишонч асло сусаймади. Уруш йилларида Ўзбекистонга 1 млн.дан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола эвакуация қилинди. Турли миллатга мансуб етим болаларни ўзбек халқи ўз фарзандидай ардоқлаб, уларни вояга етказди.

5. Ўзбекистонлик жангчилар Брест қалъаси, Киев, Смоленск, Одесса, Севастополь, Ленинград, Москва, Сталинград шаҳарлари мудофаасида мардлик ва матонат намуналарини кўрсатишди. 1943 йил ёзида бўлган Курск ва Орёл районидаги жанггоҳда, Днепр дарёсини кечиб ўтишда олдинги сафларда бўлишди. Ўзбекистонликлар Қаршилик кўрсатиш ҳаракати сафларида, Польша, Болгария, Венгрия, Руминия, Чехословакия, Италия, Греция, Австрия, Югославия, Франция ва бошқа давлатларни фашизмдан озод этишда фаол қатнашдилар, партизан қўшилмаларида жанг қилдилар. Ўзбекистонлик жангчилар япон милитаризмининг тор-мор қилиш (1945 йил август) да ҳам фаол қатнашдилар.

Уруш йиллари Ўзбекистонда барча турдаги кўшинлар учун зобитлар ва мутахассислар ҳам тайёрланди. Улар Тошкент пиёдалар билим юрти ҳамда кўчириб келтирилиб, турли шаҳарларда жойлаштирилган бир нечта ҳарбий билим

юртлари, олий ўқув юртларининг ҳар-бий факультетларида, ўнлаб турли курсларда тайёрланди.

Ўзбекистонлик 120 мингдан ортиқ жангчилар уруш фронтларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун жанговар орден ва медалларга, 280 киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, улардан 75 киши ўзбек эди, 82 ўзбекистонлик аскар ҳар учала дара-жадаги «Шухрат» орденини олишга муяссар бўлган.

Ғалабани таъминлашда ишчи, деҳқон, олиму муҳандислар, ихтирочилар фронт орқасида туриб ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшдилар. Шунингдек, урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга ёрдам бериш мақсадида минглаб ўзбекистонликлар ўз ихтиёрлари билан РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР ва бошқа республикаларга жўнаб кетдилар.

1999 йил майда Тошкентда Хотира ва кадрлаш майдони барпо этилиб, унда «Мотамсаро она» ҳайкали ва хиёбоннинг шимолий ва жанубий томонида қад кўтарган айвонлар токчаларида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм-шарифи битилган металл тахталар ўрнатилган.

**6. КПСС МК Апрель (1985 йил) пленуми совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш заруратини эътироф этди. Қайта қуришнинг асосий таркибий қисмлари деб ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва туб иқтисодий ислохот ўтказиш эълон этилди. Қайта қуриш ошкоралик, демократия ва фикрлар хилма-хиллигининг маълум маънода кучайишига имконият яратди. Аммо мамлакатда туб демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бошланган ислохотларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Зўрайиб бораётган иқтисодий танглик, сиёсий бошбошдоқлик ижтимоий адолатга сиёсий йўл билан эришиш мумкинлигига ишончсизлик уйғотди.**

1985-91 йиллар ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва миллий онгининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1985 йилда бошланган жараёнлар Ўзбекистонда ҳам мустақиллик тўғрисидаги ғояларнинг қайта тикланиши ва шаклланиши учун замин яратди. Миллий ўзлик ва миллий онгининг ўсиши даставвал миллий тарих, ўзбек халқи ўтмиши ва маънавиятини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайишида кўринди.

Қайта қуриш миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувида ҳам ўз аксини топди. Узоқ йиллар давомида тўпланиб, шаклланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, иқтисодий, маданий, миллатлараро муносабатларга ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас эди. Марказ жиловни қўлдан бермаслик учун бутун имкониятларни ишга солаётган бир шароитда 1989 йил май-июнь ойларида Қувасойда ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (месхети турклари билан маҳаллий ёшлар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди. У Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига тарқалиб, хавфли тус олди. 1989 йил 8 июнда Қўқонда маҳаллий аҳоли қатнашган тинч намойиш ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилиши натижасида 50 дан зиёд намойишчилар ҳалок бўлди, 200 дан ортиғи эса ярадор қилинди. Расмий маълумотларга қараганда, 1989 йил 3-12 июнда Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва намойишчиларнинг ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши натижасида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон этилган.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби қилиб И.А.Каримов сайланди. Ўзбекистон халқи ва янги сиёсий раҳбарият «пахта иши» ва «ўзбеклар иши» тўғрисидаги бўҳтонлар тўхтатилиши ва ноҳақ жазоланганлар қамокдан озод қилинишини сўраб, Марказга мурожаат қилишди. Шу аснода Ўзбекистоннинг Марказ билан кўз илғамас зиддиятли муносабатлари кескинлаша борди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда пре-зидентлик бошқаруви жорий қилинди: ЎзССР Олий Совети И.А.Каримовни Ўзбекистон ССРнинг Президенти қилиб сайлади.

1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1990 йил июнда Ўш ва Ўзганда қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида этник можаро келиб чиқди. Бу можаро натижасида юзлаб гуноҳсиз ўзбеклар ҳалок бўлди. Марказ бу воқеалардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилди, азалий қон-қардош ҳисобланган туркий халқларни бир-бирига қарши қўйди. Ана шундай мураккаб бир шароитда ўзбек халқи асрлар давомида синовдан ўтган ўзининг сабр-тоқати ва бардошини, бағрикенглигини намоён қилди, турли сиёсий кучлар ва ғаламисларнинг иғволарига учмади. Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу масалада изчил сиёсат олиб борди, бутун минтақада тинчликни сақлашда муҳим роль ўйнади.

1990 йил 20 июнда ЎзССР Олий Советининг 12-чақириқ 2-сессиясида Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ССР қонунларининг Иттифоқ қонунларидан устуворлигани таъминлаган. «Мустақиллик Декларацияси» Ўзбекистоннинг мустақиллиги сари ташланган жуда муҳим ва залворли қадам бўлди. Ўзбекистон ССР янги Конституциясини тайёрлаш учун 64 кишидан иборат Конституция комиссияси тузилди.

1990 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг аста-секин бозор иқтисодиётига ўтишининг мезонлари ва босқичларини белгилаб берган, шунингдек, республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши ва хизматнинг ўташ тартибини принципиал тарзда ўзгартиришни ва бошқа бир қанча ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий чора-тадбирларни кўзда тутган ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди. Республикадаги сиёсий тизим ҳам такомиллаштириб борилди. «Пахта иши» ва «ўзбеклар иши» натижасида ноҳақ жабрланганлар оқланиб, уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Москвада 1991 йил 19-21 августда юз берган воқеалар, КПСС МК Бош котиби ва СССР Президенти М.С.Горбачёвнинг ҳокимиятдан четлаштирилиб, вице-президент Г.Янаев бошчилигидаги олий эшелон раҳбарлари томонидан Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети (ГКЧП) тузилгани, бироқ тез орада унинг РСФСР Президенти Б.Н.Ельцин бошчилигидаги демократик кучлар томонидан тор-мор этилиши энди СССРнинг келажаги йўқлигидан далолат берарди. 1991 йил сентябрда КПССнинг фаолияти расмий равишда СССР ҳудудида таъқиқланди. 1991 йил 8 декабрда Белоруссиянинг Беляя Вежа пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари ўзаро битим имзолаб, СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 йил 25 декабрда СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди.

1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашининг 12-чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги

тўғрисида Олий Кенгаш баёноти ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди. 17 моддадан иборат мазкур қонунда суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгилари аниқлаб берилди. 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Нима учун Ўзбекистон уруш гирдобига тортилди?
2. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги уруш йилларида қандай фаолият кўрсатди?
3. Уруш йилларида фан, маориф ва маданият соҳаси вакилларининг фаолиятларини ёритиб беринг.
4. Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишдаги жасоратлари ҳақида гапириб беринг.
5. СССРни турғунлик ҳолатига олиб келган сабабларни айтинг.
6. “Қайта қуриш” сиёсати нима учун барбод бўлди?
7. 1985-1990 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият қандай эди.?
8. Иқтисодиётда турғунлик жараёнларининг чуқурлашувига нима сабаб бўлди?
9. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон қандай йўл тутди?
10. Ўзбекистонда президент лавозими қачон таъсис этилди?
11. Совет империясининг таназзулга юз тутишига нима сабаб бўлди?
12. Ўзбекистон халқлари ҳаётида муштамлақачилик қандай иллатлар қолдирди?
13. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ва унинг аҳамияти ҳақида гапириб беринг.
14. Совет даврида Ўзбекистонда амалга оширилган кадрлар сиёсатининг моҳияти нимадан иборат эди?
15. Совет муштамлақачилиги тузуми Қорақалпоқ халқлари тақдирида қандай асоратлар қолдирди?

### **Таянч тушунчалар:**

**ДМҚ** - Давлат Мудофаа Қўмитаси

**ХКС** – Халқ Комиссарлари совети

**Ўзбекистон Компартияси МК** - Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети

**Фарҳод ГЭС** - Фарҳод Гидроэлектрo станцияси

**Ўзбекистон ССР ФА** - Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Фанлар Академияси

**ГКЧП** - Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети

**МДХ** - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

**БМТ** - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

**ЕХХТ** - Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти

**ЕТТБ** - Европа тикланиш ва тараққиёт банки

**14-мавзу: Советлар империясининг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши.**

## Режа:

1. *Мустақиллик сари биринчи қадам. Давлат суверенитетининг эълон қилиниши.*
2. *И.А.Каримов - мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.*
3. *Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли.*
4. *Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон давлатчилиги тараққиёти.*

1. Собиқ иттифоқда 1985 йил апрелдан бошлаб Михаил Сергеевич Горбачев бошчилигида амалга оширилган қайта қуриш сиёсати шўро салтанатини сақлаб қолишга қаратилган сўнгги уриниш эди. 1991 йил 19-21 августда Москвада Янаев бошчилигида содир этилган давлат тўнтаришига уриниш эса, улуғ давлатчилик, шовинстик ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини чуқурлаштиришга интилишнинг якуни бўлди. XX аср 90-йилларида социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Югославия парчаланиб, ўрнида бир неча давлатлар таркиб топди. Чехословакия - Чехия ва Словакия суверен давлатларига айланди. 80-йиллар охирида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида жонланиш бошланди.

И.А.Каримов 1989 йил июнда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозимига сайланди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 11-чақириқ 11-сессиясида «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Бу мустақиллик сари ташлаган биринчи қадам бўлди. И.А.Каримов марказдан юборилган «кадрлар тўдаси»га зарба берди, улар Ўзбекистондан бирин-кетин чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

«Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси»ни тайёрлашга киришилди. Унга кўра, «Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодига ўтишнинг асосий принциплари» ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида Ўзбекистон дадиллик билан иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенитетни қўлга киритиш учун амалий ҳаракат қила бошлади. 1989 йил 20 октябрда 11-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 11-сессиясида «Конституция (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш» тўғрисидаги масала махсус муҳокама этилди. Ҳукуматнинг бир йилда камида бир марта Олий Кенгаш олдида ҳисоб бериши мажбурий қилиб қўйилди. Олий Кенгаш бюджетни назорат қилиш, министрлик ва идоралар ишини текшириш, депутатлар сўровини муҳокама қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқадиган бўлди. Конституцияга киритилган бу қўшимчалар депутатлар томонидан яқдиллик билан кутиб олинди.

1990 йил 18 июнда ўз ишини бошлаган Ўзбекистон Олий Кенгашининг 11-чақириқ 2-сессияси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишидаги навбатдаги муҳим қадамни қўйди. 200 дан ортиқ депутат сессия бошланишидаёқ «Мустақиллик Декларацияси» муҳокамаси масаласини кун тартибига киритиш ва кечиктирмасдан шу сессияда уни қабул қилишни қатъий талаб қилдилар. Сессиянинг 3-кунида «Мустақиллик Декларацияси» муҳокама қилинди. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 12-чақириқ 2-сессиясида «Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинди. Шу кундан бошлаб Республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда хал қилина борди. Ўзбекистонда Республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзларини тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари ҳам дадил бошлаб юборилди. 1991 йил

15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

Давлат суверенитетининг эълон қилиниши.1991 йил 19-21 августда Москвада давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниб кўрилди. «Фавқулодда Ҳолат Давлат Комитети» тузилиб, М.Горбачев ўз вазифасидан четлаштирилди. Президент ваколатлари вице-президент Г.Янаевга ўтказилганлигини эълон қилдилар. Фитначиларнинг мақсади - Иттифоқ ҳудудида яшовчи барча халқларнинг мустақилликни кўлга киритишларига, ўз тақдирларини ўзлари хал қилишларига йўл қўймаслик эди. Халққа марказдан ҳар қандай кўрсатмалар, турли ваъдалар берилиши, дағдағалар қилинишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсий йўлидан қайтмаслиги таъкидланди. 1991 йил 21 августда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан «Фавқулодда Ҳолат Давлат Комитети»нинг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди. И.А.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни таклиф қилди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессияси бир овоздан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Ўзбекистон ССРнинг номи «Ўзбекистон Республикаси» деб ўзгартирилди. Сўнгра «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Олий Кенгаш мазкур Баёнот орқали суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси қарор қабул қилиб, унда: «1 сентябрь - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин», - деб белгиланди. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун ўз моҳиятига кўра Республика учун вақтинча Конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. 17 моддадан иборат бу Қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб берди. Бу Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик учун курашнинг натижаси эди. Бу Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган еттинчи сессиясида Конституциявий Қонун мақоми берилди. Унда шундай дейилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига Конституциявий мақом берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституция моддалари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қоидаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин».

1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашнинг саккизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорда қуйидагилар белгиланган эди: 1) 1991 йил 29 декабрь якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин. 2) Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги тарзда киритилсин: «Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?». 1991 йил 29 декабрда ўтказилган умумхалқ референдумига 10 миллионга яқин киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94 фоизи катнашди. Ўзбекистон



Республикасини мустақил давлат деб эълон қилинишини ёқлаб 9,7 миллион киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98 фоизи овоз берди. Ўзбекистонни 4 ой мобайнида 60 дан ортиқ давлат тан олди. Ҳозирда Ўзбекистон билан 170 дан ортиқ мамлакат дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш ғояси Олий Кенгашнинг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган 2-сессиясида илгари сурилган. 1992 йил 8 декабрда 12- чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. 8 декабр умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 1992 йил 2 июлда Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 1992 йил 10 декабрда Олий Кенгашнинг 11-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 1994 йил 16 июндаги Фармонга мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўм муомалага киритилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги 8-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Президент лавозимига икки номзод - Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясидан И.А.Каримов ҳамда «Эрк» демократик партиясидан Салой Мадаминов (Муҳаммад Солих) номзоди кўйилди. МДХ, АҚШ, Туркия, Малайзия ва бошқа халқаро ташкилотлардан келган бетараф кузатувчилар гувоҳ бўлди. Сайловлар якунига кўра, 8,5 миллиондан ортиқ киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи И.А.Каримов номзодини, 1,2 миллион сайловчи (12,3 фоиз) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига асосан И.А. Каримов 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 26 мартда Президент И.А.Каримовнинг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди. 1995 йил 26 мартда ўтказилган умумхалқ референдумида Ўзбекистон халқи мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб овоз берди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов 2000 йил 9 январда бўлиб ўтди. Сайловда рўйхатга олинган 12,7 миллион сайловчидан 12,1 миллиони иштирок этди. Бу сайловчилар умумий миқдорининг 95,1 фоизини ташкил этади. Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган И.А.Каримов учун сайловчиларнинг 91,9 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловга 4,2 фоиз сайловчи овоз берди. 2000 йил 9 январда ўтказилган Президентликка сайлов якунига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ И.А.Каримов яна 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди. 2002 йил 27 январь куни «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгартирилишига розимисиз?», мавзуида референдум ўтказилди. Президентлик ваколат муддати 5

йилдан 7 йил қилиб ўзгартирилди. Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 8-сессиясида Президент ваколати муддатини 2007 йилгача чўзишга қарор қилинди.

3. Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида Ўзбекистон истиқлолининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилиб, жамият сиёсий ривожининг, иқтисодий тараққиётининг, маънавий покланишининг асосий йўл-йўриқлари янгича мушоҳада ва ёндашув билан кўрсатиб берилди. У ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида янгиланган жамиятда яшовчи кишининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий турмуш тарзини кафолатловчи йўллари кўрсатди. И.А.Каримов «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида (1993) «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, Республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин», - деди.

4. 1924 йилда Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоғистон мухтор (Автоном) вилояти ташкил қилинди. Вилоят волостларга бўлинадиган Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округларидан иборат эди. 1925 йил 12-19 февралда Тўрткўл шаҳрида мухтор вилоят Шўроларнинг 1-таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг Қозоғистон АССР таркибига «ўз ихтиёри билан кирганлиги» қонунлаштирилди. Албатта, вилоят аҳолисининг миллий таркиби ҳам эътиборга лойиқ эди. Мухтор вилоят ташкил этилган пайтда аҳолининг 38,5%ини қорақалпоқлар, 28,7%ини ўзбеклар, 28,6%ини қозоқлар ва бир фоизга яқинини (шаҳар аҳолисидан ташқари) руслар ташкил этган. Орадан 8 йил ўтар-ўтмас Қорақалпоғистон мухтор вилоятини яна «ўз ихтиёрига кўра» Қозоғистон таркибидан олиб РСФСР таркибидаги Қорақалпоғистон мухтор Шўро Социалистик Республикаси (ҚҚАССР)га айлантириш зарурати туғилди. Бу Қорақалпоғистон вилояти Ижроия Қўмитасининг 1932 йил 5 мартдаги навбатдан ташқари бўлиб ўтган 4 пленумида асосланди. Бутуниттифоқ МИК Президиуми 1932 йил 20 мартдаги қарори билан Қорақалпоғистон мухтор вилояти Қорақалпоғистон мухтор шўро социалистик Республикасига айлантирилиб РСФСР таркибига киритилди. Орадан яна бор-йўғи 4 йил ўтар-ўтмас Қорақалпоғистон мухтор Шўро Социалистик Республикасини РСФСР таркибидан Ўзбекистон Шўро Социалистик Республикасига «ошириш эҳтиёжи» пайдо бўлди. Бу «эҳтиёж» учун РСФСР билан ҚҚАССР ўртасида умумий чегаралар йўқлиги «асос» бўлди. 1936 йил май ойида тайёрланган СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ҚҚАССРни РСФСР таркибидан чиқариб, Ўзбекистон таркибига киритиш кўзда тутилди. Бутуниттифоқ Шўроларининг 1936 йил 5 декабрда бўлиб ўтган фавқулодда 8-қурултойида СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Мазкур Конституция асосида тайёрланиб 1937 йил 12 февралда тасдиқланган Ўзбекистон ССР Конституциясида ҚҚАССРнинг Ўзбекистон шўро социалистик Республикаси таркибига кирганлиги қонун билан мустаҳкамланди. Бу Конституцияда (70-75-моддалар) ҳам ўз аксини топди. 21-моддага асосан Қорақалпоғистон фуқароси айти пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Конституциянинг 82-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосарларидан бири - Олий

Мажлис депутати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳисобланади. Конституциянинг 98-моддасига биноан Қорақалпоғистон ҳукумати раҳбари лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. 107-моддага биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг худди шундай суд органларининг раҳбарлари киради. Суд ҳужжатлари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ тилида ҳам олиб борилади (115-модда). Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида белгилаб қўйилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга бўлмоғи керак. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ўзининг 12-сессиясида (1993 йил 9 апрелда) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди. Қорақалпоғистон Республикаси нинг Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига ҳеч қандай монелик қилмайди, уни бош ҳуқуқий асос сифатида билади ва Қорақалпоғистонда тўла амал қилинишини таъминлайди. Ўзбекистон қонунлари Қорақалпоғистонда мажбурий эканлиги эътироф этилган. Қорақалпоғистон суверен давлатнинг барча рамзларига эга: 1992 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг 11-сессиясида Қорақалпоғис тон Давлат байроғи тасдиқланди. 1993 йил 9 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-сессиясида Давлат герби тасдиқланди. 1993 йил 4 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг 14-сессиясида Давлат мадҳияси тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосан 1994 йил 25 декабрда Олий Кенгашнинг 75 депутатдан иборат янги таркиби муқобиллик асосида сайланди. Республика парламенти Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси деб аталди. Жўқорғи Кенгеснинг 1995 йил 11 январда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган 1-чақириқ 1-сессиясида Жўқорғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосарлари, мандат комиссияси, 8 та қўмита раислари ва унинг аъзолари сайланди. Қорақалпоғистон Республикаси ижроия ҳокимият органи Вазирлар Кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибига Раис, иккита биринчи ўринбосар ва 4 та тармоқ ўринбосарлари киради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ўзининг иш олиб борувчи доимий вакилига эга.

### ***Мавзунинг такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги қачон ва қай тарзда эълон қилинди?
2. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг муносабати қандай бўлди?
3. Ўзбекистон Президенти қандай Конституциявий мақомларга эга?
4. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” деганда нимани тушунаси?
5. Ўзбекистонда демократик жараёнларга эътиборнинг кучайиши нималарда кўринади?
6. Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгилари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон парламентида икки палатали тизимга ўтишнинг асосий сабаблари нимада?
8. Маҳаллий ҳокимият тизимида ўтказилган туб ислохотларнинг моҳиятини ёритиб беринг.
9. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

10. Мустақиллик йилларида кадрлар сиёсати масаласида қандай ислоҳотлар олиб борилди?
11. Қорақалпоғистон Республикасидаги демократик жараёнлар ҳақида гапириб беринг.
12. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида қандай муаммолар мавжуд?
13. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди?
14. Қорақалпоғистон Республикасида экологик тангликнинг кучайиши сабаблари нимада?
15. Қорақалпоғистон Республикасида фан ва маданият равнақи ҳақида гапириб беринг.
16. Демократиянинг бутун дунёда тан олинган тамойиллари нималардан иборат?
17. Ўзбекистонда суд ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?
18. Мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш учун қандай тадбирлар амалга оширилди?
19. Республикада демократик сайлов тизимини барпо этилиши юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?
20. Ўзбекистонда кўппартиявийлик муҳитини яратиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?
21. Ўтиш даврининг қийинчиликлари нималардан иборат бўлди?
22. Ҳуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситалари қандай ўрин тутуди?
23. Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳияти ва мақсадлари нималардан иборат?
24. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда милларлараро тотувлик ва ҳамкорлик масаласининг долзарблигини тушунтириб беринг.
25. Республикада миллий хавфсизлик ва мудофаа тизимининг шакллантирилиши ҳақида гапириб беринг.

### **Таянч тушунчалар:**

**ҳокимиятнинг уч асосий тармоғи** - давлат ҳокимиятининг тақсимланиши тамойили, яъни давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлиниши демократик ҳуқуқий давлатга хосдир.

**ҳуқуқий демократик давлат** - жамият тараққиёти ва давлат шакллариининг ривожланиши жараёнида юзага келган, давлатни ташкил қилишнинг энг мукамал шакли ва мазмуни. Ҳуқуқий демократик давлат учун кураш бундан тўрт-беш аср мукаддам бошланиб, фақат XX асрнинг иккинчи ярмида ҳақиқатга айлана бошлади.

**фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари** - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига биноан, шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари.

**Ўзбекистонда суд ҳокимияти** - мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг уч мустақил тармоқларидан бири ҳисобланиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил иш юритади. Суд ҳокимиятини мамлакатимизда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, Тошкент шаҳар суди, вилоят судлари, шаҳар ва туман судлари амалга оширади.

**тўртинчи ҳокимият** - жамиятдаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг, яъни газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларининг жамият аъзоларига таъсир кучига айтилади.

**ГКЧП** - Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети

**МДХ** - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

**БМТ** - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

**ЕХХТ** - Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти

**ЕТТБ** - Европа тикланиш ва тараққиёт банки

**15-мавзу: Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиёти**

**Режа:**

1. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши.
2. Маҳаллий давлат бошқарув тизимидаги туб ўзгаришлар.
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг ҳуқуқий асослари яратилиши.
4. Давлат мулкани хусусийлаштириши. Мулкдорлар синфининг шакллантирилиши.
5. Бозор инфраструктурасининг шакллантирилиши.
6. Аграр соҳадаги ислоҳотлар.
7. Маънавий қадриятларнинг тикланиши ва миллий ўзликни англаш.
8. Таълим тараққиёти.
9. Маданият ва спорт соҳаларидаги ютуқлар

**4.** Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади - ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат яратишнинг назарий-илмий асослари ва амалий муаммолари Конституция ва И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларида илгари сурилган. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак, деб кўрсатган эди. Сиёсий соҳада бу: «... Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, Республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириши мумкин», деб таъкидлаган эди.

Ҳуқуқий давлат фуқароларининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили келтирилган. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятига бўлиниши қонунлаштирилган. Уч ҳокимиятдан ҳар бири мустақил фаолият юритади. Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади» - дейилган. Бу вазифани бажарувчи вакиллик органларини парламент деб ҳам юритилади. БМТга аъзо давлатларнинг 185 тасидан 160 тасида Парламент институти мавжуд.

5. Маҳаллий ҳокимият органлари тизими таркиби: вилоят, шаҳар, шаҳарлар таркибидаги туман, туман, қишлоқ, овул, посёлка доирасидаги ҳокимият муассасалари. Конституциясининг 99-моддаси: вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидаги ваколатли ҳуқуқлар берилган: Қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш. Худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш. Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалари ҳосил қилиш. Маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш. Норматив ҳужжатлари қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш. Аммо маҳаллий ҳокимият органларига берилган бу ваколатлар чегара эмас. Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳам ўз расмий ҳужжатлари билан маҳаллий ҳокимият органларига янги вазифалар юклаши, янги ваколатлар бериши мумкин. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташқил этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ вилоят, туман, шаҳар ҳокими маҳаллий худуднинг олий мансабдор шахси сифатида тегишли худуд ижроия ҳокимиятини бошқарадиган бўлди. Мамлакатнинг 12 вилояти ва Тошкент шаҳрида Президент томонидан тайинладиган ва тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида тасдиқладиган ҳокимлар бошчилигидаги ҳокимликлар ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг Қонунлари билан тартибга солинадиган бўлди. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси: «Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бажаришида қатнашишига доир ўз ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз худудларидаги ижтимоий ва хўжалик масалаларини ҳал этиш, оммавий, маданий тадбирлар ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига қонунларни, қарорларни бажаришда ёрдамлашади».

4. Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади - ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат яратишнинг назарий-илмий асослари ва амалий муаммолари Конституция ва И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларида илгари сурилган. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» китобида: «Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак, деб кўрсатган эди. Сиёсий соҳада бу: «... Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, Республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириши мумкин», деб таъкидлаган эди.

Ҳуқуқий давлат фуқароларининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили келтирилган. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятига бўлиниши қонунлаштирилган. Уч ҳокимиятдан ҳар бири мустақил фаолият юритади. Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади» - дейилган. Бу вазифани бажарувчи вакиллик органларини парламент деб ҳам юритилади. БМТга аъзо давлатларнинг 185 тасидан 160 тасида Парламент институти мавжуд.

5. Маҳаллий ҳокимият органлари тизими таркиби: вилоят, шаҳар, шаҳарлар таркибидаги туман, туман, қишлоқ, овул, посёлка доирасидаги ҳокимият муассасалари. Конституциясининг 99-моддаси: вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидаги ваколатли ҳуқуқлар берилган: Қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш. Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалари ҳосил қилиш. Маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш. Норматив ҳужжатлари қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш. Аммо маҳаллий ҳокимият органларига берилган бу ваколатлар чегара эмас. Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳам ўз расмий ҳужжатлари билан маҳаллий ҳокимият органларига янги вазифалар юклаши, янги ваколатлар бериши мумкин. 1993 йил 2 сентабрда қабул қилинган «Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкис этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ вилоят, туман, шаҳар ҳокими

маҳаллий ҳудуднинг олий мансабдор шахси сифатида тегишли ҳудуд ижроия ҳокимиятини бошқарадиган бўлди. Мамлакатнинг 12 вилояти ва Тошкент шаҳрида Президент томонидан тайинланадиган ва тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида тасдиқланадиган ҳокимлар бошчилигидаги ҳокимликлар ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг Қонунлари билан тартибга солинадиган бўлди. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси: «Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бажаришда қатнашишига доир ўз ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик масалаларини ҳал этиш, оммавий, маданий тадбирлар ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига қонунларни, қарорларни бажаришда ёрдамлашади».

1. Бозор иқтисодининг асосида товар-пул муносабатлари ётади ва ана шу муносабатларга хос иқтисодий қонунлар ҳаракат қилади. Бозор муносабатларининг икки тури мавжуд:

1) тартибсиз, ўзи бўларчилик асосида, стихияли ривожланадиган бозор иқтисоди муносабатидир.

2) тартибга солинадиган, бошқариладиган бозор иқтисоди муносабатидир.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлининг асоси қилиб 2-йўлни танлади. Бозор иқтисоди муносабатларининг ўзига хос сифат белгилари ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Товар ишлаб чиқарувчи иқтисод.жиҳатдан эркин бўлади.

2. Товар ишлаб чиқарувчи мулк эгаси бўлади ёки ижара мулкига эга бўлади ва уни ўзи билганича ишлатади.

3. Товар ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотининг эгаси, хўжайинидир.

4. Бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади.

5. Бозор иқтисодиёти монополизмни, яъни яқка ҳукмронликни инкор этади.

6. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартини кўяди, чунки пул унинг қўлида бўлади.

7. Ишлаб чиқарилган товарга сарф қилинадиган меҳнат харидорнинг маҳсулотга талаби даражаси миқдорида бўлиши лозим.

8. Бозорда қандай товарга талаб ошиб борса, ўша маҳсулотни ишлаб чиқариш фойда келтиради.

9. Бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар, жамият аъзолари ўз даромадлари миқдorigа қараб табақаланадилар.

Бозор иқтисоди ҳақида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарларида баён қилиб берилган. Бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойил қуйидагилар:

1) на сиёсат, на мафкура иқтисодни назорат қилиш, унга тазйиқ ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги зарур, яъни иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги.



2) миллий иқтисодни шакллантириш, мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни ҳимоя қилиш, жаҳон хўжалиги билан интеграцияга эришиш ва халқ манфаатини юзага чиқариш учун иқтисод давлат томонидан тартибга солиб турилиши лозим. Давла - бош ислоҳотчи.

3) Бозор иқтисодиётига ўтишда қонун ва қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Қонун устуворлиги тамойили.

4) Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш зарур.

5) Бозор иқтисодига ўтиш эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

**2.** Бозор иқтисоди муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишнинг асосий шарти: 1) давлат мулкани хусусийлаштириш; 2) кўп укладли иқтисодни вужудга келтириш; 3) ишлаб чиқариш корхоналари ва мулкдорлар ўртасида ўзаро рақобатлашиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш; 4) мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир.

1992 йил февралда Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис қилинди. 1994 йилда у Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди. Бу қўмига муҳим вазифалар юклатилди. Улар: 1) кўп укладли иқтисодни шакллантиришда ягона сиёсатни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш; 2) мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш; 3) хусусий бизнес ривожланишига ёрдам кўрсатиш.

1992-1993 йилларда 28,8 минг юридик шахс 53,9 мингта хусусий объект эгаси бўлди. Шу йилларда 1 миллион квартира хусусийлаштирилди. 2002 йилда Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми қайсидир шаклдаги мулк эгаси бўлди. Хусусийлаштириш Дастурига асосан дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизими қамраб олди. Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилинди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун имтиёзли тизим яратилди. 1998 йилда хусусийлаштирилган корхоналар тармоғи кескин кўпайди. 2003 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 120 мингдан ошди.

**3.** Бозор инфраструктураси - товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминловчи иқтисодий воситалар - тегишли молия ва кредит тизими, суғурта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими. 1991 йилда мамлакатда биринчи бўлиб «Тошкент» товар-фонд биржаси тузилди ва дастлабки ким ошди савдосини ўтказди. 1992 йилда 30 дан ортиқ шундай биржалар иш олиб борди. 1994 йилдан бошлаб мамлакатда кредит ресурслари бозори фаол ишлай бошлади. 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига оловчи катта тармоқ ташкил этилди. Ҳар бир туманда меҳнат биржалари барпо қилинди. 1991-1993 йилларда рубл зонасида бўлган даврда ишлаб чиқаришнинг бутунлай инқирозга юз тутишига ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, савдо балансининг аҳолини яхшилашга, иқтисодий тизимни

такомиллаштиришга қаратилган сиёсат олиб борилди. 2003 йилга келиб мамлакатда 35 та тижорат банки ва уларнинг ҳудудларида 805 та филиаллари фаолият кўрсатди. Халқаро молия ташкилотлари ва чет эл давлатлари банкларининг ваколатхоналари очилди. Бундан ташқари, мамлакатда мини банклар фаолияти кенг йўлга қўйилди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Халқаро валюта фонди ўртасида иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари юзасидан меморандум имзоланди. Ҳозирги вақтда Халқаро валюта фонди томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда. Ўзбекистон ва Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) ва Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) билан ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди. И. Каримов 1993 йил 7-майда Олий Кенгаши сессиясида «мустақил давлат бошқа давлатлардан айри тарзда иқтисодий хур бўлиши учун ўз пулига, ўзининг мшлий валютасига эга бўлмоғи керак. Бу иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан биридир», - деган эди. 1994 йил 1-июлдан бошлаб миллий валюта - сўм муомалага киритилди. Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводи, «ЎзДЕУавто» ва «СамКочавто» автомобил заводлари ишга туширилди. Нархлар 1992 йил январдан бошлаб босқичма-босқич, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чораларни олдиндан кўриб қўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди. 1994 йилнинг октябрь - ноябрь ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида жиддий босқич бўлди. 12 август «Солиқчилар куни» деб эълон қилинди. 1997 йилдан бошлаб Давлат кўмитасига айлантирилди. Дастлаб Чилонзор ва Шайхонтохур тумани солиқ инспекцияларида тажриба ўтказилиб, кейин республика миқёсида ёйилди.

**4.** Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми - 60 фоиздан ортиқроғи қишлоқларда яшайди, уларнинг 50 фоизидан ортиғини 18 ёшга етмаганлар ташкил этади. 1992 йилда Президент Фармони билан Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи комплекс ташкил қилинди. 1991-2003 йиллар давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари бўйича 10 дан ортиқ қарорлар қабул қилди. 2003 йилда 3541 минг гектар экин майдонининг 3326 минг гектари ёки 94% ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлса, бугунги кунда улар деярли шундан 992 минг гектари фермер хўжаликлари тасарруфига ўтди. Республикада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ва замонавий билимлар соҳиби бўлган юқори малакали олий ва ўрта махсус таълим олган мутахассис кадрларни Тошкент давлат аграр университети, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институтлари ва 100 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари тайёрлаб бермоқда. 2003 йилдан Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали иш бошлади ва воҳа қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

**5.** Республикада 1991 йили Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Пушкин номидаги Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинди ва унинг 600 йиллиги мамлакат ва жаҳонда кенг нишонланди. 1992 йил май ойида мамлакатимиз пойтахтида бошланган машрабхонлик кунлари унинг ватани Наманганда кенг нишонланди. Бу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди. 1998 йил 24 октябрь куни Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги, 1999 йил 5 ноябрда Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига,

1999 йил 17 декабрь куни Хоразмда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги, 1999 йил 18 декабрь куни Нукусда Ажинёз Қосибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида имзоланган битим фақат маданият, илм-фан ва маориф соҳалари муаммолари билан чекланиб қолмайди. 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, 1999 йил 6 ноябрь куни Термизда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. 2000 йилда ҳазрат А.Навоийнинг 560 йиллиги яна ҳам кенгроқ нишонланди. 2001 йилда Хоразмда «Авесто»нинг 2700 йиллиги кенг нишонланди. «Авесто» китоби дунёга келганидан буён илк маротаба ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди. 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида кенг байрам қилинди. 2003 йилда Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги нишонланди. Мамлакат Маънавий ҳаётини янада такомиллаштиришда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. 1991 йилдан ҳар йили 21 март - «Наврўз» байрами умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Бу кун дам олиш куни деб эълон қилинди. Имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги (1995 йил), Нажмиддин Қубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги (1993 йил) ва Ҳожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги кенг кўламда нишонланди. 2000 йили Ислом оламининг улуғ ҳуқуқшуноси Бурҳониддин Марғилонийнинг 1200 йиллиги ва беназир аллома Абу Мансур Мотуридидийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Имом Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари чоп этилди. Қуръони Карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. 2002 йили Қуръони Каримнинг изоҳли таржимаси шайх Абдулазиз Мансур томонидан тайёрланди. Тошкент шаҳрида эса Тошкент ислом университети, Халқаро ислом тадқиқотлар маркази, Имом Бухорий номидаги Ислом масъҳади, эшон Бобоҳон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили мамлакатимиздан 4 мингга яқин фуқаролар Маккаи Мунаввара ва Мадинаи Мукаррамага сафар қиладилар.

6. 1994 йилда 80 минг ўринли 209 та, 1995 йилда 55 минг ўринли 134 та, 1996 йилда 64 минг ўринли 198 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Энг замонавий ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Навоий кон-металлургия институти, мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси каби ўнлаб янги олий ўқув юртлари ташкил этилди. Вилоятларда янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Президент Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. 10 мингдан ортиқ халқ таълими ходимида давлат уйлари бепул хусусийлаштириб берилди, 22 мингдан ортиқ ходимга эса ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги уйлар хусусийлаштирилди. 50 мингдан ортиқ педагог ходимга шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратилди. Олий Мажлиснинг 1996 йил декабрдаги Қарори билан 1 октябрь - «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб белгиланди. Узлуксиз таълимга асос 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ умумий ўрта таълим таркиб жиҳатдан 5 босқичдан, яъни бошланғич (1- 4 - синфлар), таянч (5-9-синфлар) ва ўрта таълим (10-11-синфлар)дан ташкил топган эди. 1992 йилда қабул қилинган «Таълим

тўғрисида»ги Қонун эски тузум сарқитларини кўрсатиб беришга, иллатларни англаб олишимизга, аниқроғи эски тизимдан янгисига ўтишга кўприк вазифасини ўтади. 1997 йил февралда И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кўтарди. У шундай деди: «Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қуйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қуйиш лозим». Янги «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича таълим турлари мактабгача таълим (6-7 ёшгача), умумий ўрта таълим (9 йиллик), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (3 йиллик), олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат қилиб белгиланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мактабгача таълимдан то фанлар академиясигача бўлган замонавий, янги узлуксиз таълим тизимини вужудга келтиришга, Ўзбекистон таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлди. Янги таълим тизими бўйича «мактабгача таълим» деб номланиб «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида нафақат «боғча» болалари, балки Республикадаги 6-7 ёшгача бўлган жамики болаларни мактаб таълимига тайёрлаш масаласи қўйилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил августда тасдиқланган «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари» асосида янги ўқув дастурлари амалиётга жорий этилди. 2001-2002 ўқув йилидан эътиборан мактаб ўқувчиларига дарсликларни ижарага бериш тизими асосида таъминлашга босқичма-босқич ўтила бошланди. 2001 йилдан бошлаб дарсликларни танлов асосида яратиш йўлга қўйилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижросининг 1-босқичи асосий вазифаларидан бўлган мониторинг тизими шакллантирилди. Янги таълим тизимига мувофиқ иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар учун 500 дан ортиқ янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этилди. Кўплаб иқтидорли ўқувчиларимиз турли халқаро олимпиадаларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритмоқдалар. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан олий таълим икки босқичда - бакалаврият ва магистратурадан иборат. Фаолият кўрсатаётган 62 та олий ўқув юртида 260 минг талаба таҳсил олмоқда. Шу кунларда мамлакатимиздан 700 нафар талаба хорижий мамлакат ўқув юртларида иқтисодий ихтисослар бўйича ўқишмоқда. Бир неча минг талаба 3 ойдан бир йилгача хорижий ўқув юртларида таълим олмоқда.

7. 1991 йилда Фарғонада ва 1993 йилда Хивада давлат кўғирчоқ театрлари иш бошлади. 1993 йилда Тошкент шаҳрида хашаматли «Туркистон» саройи иш бошлади. 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида кўғирчоқ гуруҳлари очилди. 2001 йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри бутунлай қайта қурилиб, унга Ўзбек миллий академик театри номи берилди. 2002 йилда Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси ишга туширилиб, унга Ўзбекистон давлат консерваторияси мақоми берилди. Андижонда жамоатчилик асосидаги ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, у 1994 йилда Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар ва болалар театрига айлантирилди. 2000 йили Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри тўла таъмир этилди. 1998 йили Аҳмад Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги шарафига Алишер Навои номидаги катта опера ва балет театрида М.Вафоевнинг «Ал-Фарғоний» асари сахналаштирилди. 1995 йил

декабрда «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзуидаги кўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси - «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб эълон қилинди. Анъанавий «Шарқ тароналари» фестивали 5 китъа санъат аҳлининг диққатини ўзига тортмоқда. 2003 йили «Шарқ тароналари» фестивали 4-мартга ўтказилди. А.Навоийнинг юксак инсоний ғояларни диний манбалар асосида ёритувчи «Муножот», «Арбаъм», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳокимлар ҳақида») асарлари нашрдан чиқди. А.Ҳайитметовнинг «Амир Темур ва ўзбек адабиёти» асари, А.Ориповнинг «Соҳибқирон» асари, М.Жалилнинг «Соҳибқирон Темур» драмалари дунёга келди.

1992 йилдан Термиз ва Шахрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказила бошланди.

1994 йилда Тошкентда теннис саройи қурилиб, унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини» учун теннис бўйича катта халқаро мусобақа ўтказилмоқда.

1992-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари спорт турлари бўйича бир қанча Жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, 1994 йили Ўзбекистон Республикаси спортчилари 1-мартда Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффақиятларга эришдилар. Улар 42 медални, жумладан 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистон футбол терма жамоаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. 1996 йил Ўзбекистон спорти тарихида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси Артур Григорян Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, мутлақ чемпион «Олтин камар»ини қўлга киритди. 2002 йилгача 17 марта жаҳон чемпиони номини сақлади. 1996 йил январда Халқаро Олимпия Қўмитасининг қарорига мувофиқ, жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ва олимпия ғояларига садоқати учун И.Каримов Олимпия Олтин ордени билан мукофотланди. Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди. Уни Халқаро олимпия қўмитасининг Президенти Х.А.Самаранч И.Каримов билан бирга тантанали равишда очиб берди. Х.А.Самаранч Дўстлик ордени билан тақдирланди. 2001-2002 йиллардан бошлаб ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида 4 босқичда (мактаб, туман, вилоят ва республика босқичлари) « Умид ниҳоллари», Академик лицей, коллеж ва 9-11-синф ўқувчилари орасида «Баркамол авлод», ҳар 2 йилда бир марта олий ўқув юртлари талабалари орасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказилиши йўлга қўйилди. 2003 йилда Республика миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастурлари тузилди. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган. Мусобақалар ҳар йил «Наврўз» байрами арафасида маҳаллалар миқёсида ўтказиладиган бўлди. 2002 йилнинг ўзида ўзбек спортчилари турли мусобақаларда қатнашиб 186 дан ортиқ Олтин медални қўлга киритдилар.

### ***Мавзунинг такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурияти ва аҳамияти нимада?
2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилини таҳлил қилинг.
3. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилди?

4. Мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни қандай кечаётганлигини сўзлаб беринг.
5. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қандай амалий тадбирлар амалга оширилди?
6. Республикада амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг моҳиятини очиб беринг.
7. Республикада аграр ислохатлар ва уларнинг натижалари ҳақида гапириб беринг.
8. Республикада саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши масалаларини ёритиб беринг.
9. Маънавий мерос ва уни тиклаш деганда нимани тушунаси?
10. Давлат тили тўғрисидаги Қонун ва унинг аҳамияти ҳақида гапириб беринг.
11. Диний қадриятлар деганда нимани тушунаси?
12. Миллий ва маданий қадриятларга эътиборнинг кучайиши сабаблари нимада?
13. Амир Темур хотирасини тиклашнинг тарихий аҳамияти ва зарурияти нимадан иборат?
14. Миллий ғоянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
15. Миллий ғоянинг тарихий илдизлари ҳақида гапириб беринг.
16. Мафкуравий иммунитет нима?
17. Мустақиллик йилларида таълим соҳасида ўтказилган ислохотлар ҳақида нималар биласиз?
18. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти нималардан иборат?
19. Ўзбекистонда маданият соҳасида қандай ишлар амалга оширилди?
20. Ўзбекистонда спорт соҳасида қандай ислохотлар ўтказилди?

### **Таянч тушунчалар:**

**миллий қадриятлар** — миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга жиҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавий бокликлар. Миллий қадриятлари бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллат — миллий қадриятларнинг соҳиби; миллатнинг таназули — миллий қадриятларнинг таназулидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

**қадриятлар** — борлиқ, жамият, нарсалар, воқеалар, ходисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятлар билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг энг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади.

### **16- мавзу: Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти**

#### **Режа:**

1. Ташқи сиёсат асосларининг яратилиши. Ўзбекистон - БМТ аъзоси.
2. Мустақиллик йилларидаги халқаро алоқалар.
3. МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик.
4. Марказий Осиё мамлакатлари билан қардошлик алоқалари.
5. Буюк Ипак йўли - тараққиёт йўли.

## **1. Ташқи сиёсат асосларининг яратилиши. Ўзбекистон - БМТ аъзоси.**

1991 йил 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 2-чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Олий Кенгаш Баёнотида республиканинг ташқи сиёсатдаги йўли аниқ қилиб белгиланди. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир», - деб алоҳида уқтирди. Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгиладиган, давлатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида 165 та давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. 20 дан ортиқ давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди. Иқтисодий ислохотларнинг 1-босқичи ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йиллари бўлди. Ислохотларнинг 1-босқичида ташқи савдо 2 йўналишда амалга оширилди. Биринчидан, мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар асосида. Иккинчидан, узоқ хориж мамлакатлари билан эркин муомаладаги валюта ҳисоб-китоб қилиш асосида савдо-сотик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатди. Мамлакатимиз экспортида АҚШ, Туркия, Белгия, Япония, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Жанубий Корея Республикаси, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия каби давлатлар етакчи ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинди. 1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Президент И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрда бўлган 48-сессиясида иштирок этди. Ўзбекистон номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, нарқобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди. 1995 йил январда Тошкентда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар-кенгаш ўтди. Унда Ўзбекистон тараққиётининг стратегик муаммолари, ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўллари муҳокама этилди. Ўзбекистон ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда иштирок этган 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигини таъминлаш, можароларнинг олдини олиш,

интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан таклифларини айтдилар.

Ўзбекистон БМТнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол қатнашди. И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил 22-24-октябрда бўлган юбилей сессиясида нутқ сўзлади. У нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларни баён этди. Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан бошланадиган жараён эканлиги, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билангина жаҳон хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Афғонистондаги урушга барҳам бериш учун унга ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш, қурол олиб киришни таъқиқлаш таклифлари илгари сурилди. Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, қурол савдосини чеклаш тўғрисида, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммони ҳал этишга халқаро молия тузилмаларини ва ривожланган мамлакатларни жалб қилиш, БМТнинг ташкилотчилик ишини фаоллаштириш тўғрисида бир қатор таклифларни илгари сурди. 1997 йил 15-16 сентябри кунлари Тошкентда «Марказий Осиё ядро қуролидан ҳоли зона» мавзуида халқаро конференция бўлди. Унда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари, барча давлатлар Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонани барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни барпо этишга қўмаклашишга чақирилди. 1999 йилнинг 19-20 июль кунларида Тошкентда БМТ ҳомийлигида Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда гуруҳга аъзо мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги делегациялари, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус элчиси Лахдар Брахимий иштирок этди. Учрашув якунида Афғонистондаги можарони ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида Тошкент Декларацияси имзоланди. 2000 йил 8 сентябрида И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида қатнашди. 150 дан кўпроқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган ушбу сессияда И.Каримов нутқ сўзлади. 2002 йилнинг 18-20 октябрь кунлари БМТнинг бош котиби Кофи Аннанинг юртимизда бўлиши Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзо бўлгандан кейинги ва И.Каримовнинг БМТда сўзлаган нутқидан кейинги энг эътиборли воқеалардан бири бўлди.

**2. Мустақиллик йилларидаги халқаро алоқалар.** Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида тинчликни мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот - Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) аъзо бўлиб кирди. И.Каримов 1992 йил 9-10 июлда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлисида иштирок этиб, 10 июлда бўлган мажлисида раислик қилди. 1994 йил 28-30 сентябрда Тошкентда ЕХХТнинг халқаро анжумани ўтказилди. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди. Мазкур халқаро ташкилот Орол муаммосини ҳал қилишга қўмаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХХТнинг минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига



қўшилди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1995 йилда АҚШда, 1997 йили Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди. Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир.

БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот - ЮНЕСКО билан алоқалари мустаҳкамланди. 183 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади - барча халқлар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрнатишга кўмаклашишдир. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилиш маросими бўлди.

1992 йил 15-16-февраль кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йилда Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

1991 йилнинг август-сентябрь ойларига келиб собиқ СССР таркибидаги барча 15 та Республика ўзини мустақил давлат деб эълон қилинган бўлса-да, СССР Президенти, парламенти, ҳукумати ўз фаолиятини тугатмаган эди. 1991 йил 8 декабрда Россия, Украина ва Беларус раҳбарлари Беловежское Пушчеда (Минск, Беларус) мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисидаги Битим имзолادилар. 1991 йил 21 декабрда Алматида МДХни тузиш тўғрисидаги Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳам имзо қўйдилар. Шу кун ушбу давлатлар раҳбарлари Россия, Украина ва Беларус раҳбарлари билан биргаликда «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мақсад ва тамойиллари тўғрисидаги Шартнома»ни имзолادилар. Мазкур ҳужжатда СССР давлатининг фаолияти ва СССР Конситуцияси тўхтатилади деб эълон қилинди. Кенгашда Алмати Декларацияси қабул қилинди. 1993 йил МДХга Грузия қўшилди. Бу билан МДХга аъзо бўлган давлатлар сони 12 тага етди.

**3. МДХ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик.** Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг қудратли, улкан имкониятига эга бўлмиш Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида бўлди. 1991 йил 26-октябрда И.Каримов Москвага борди. Учрашувда И.Каримов ва Б.Елцин икки давлат ўртасида мухтор ваколатхоналар очиш, бир-бирларининг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, ташқи сиёсатда ва иқтисодий масалаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. 1992 йил 30 майда И.Каримов бошлиқ делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, элчихоналар очилди.

И.Каримовнинг 1992 йил 25-26-август кунлари Киевга ташриф буюрди ва Л.Кравчук билан суҳбатлашди. 1994 йил 10-11 ноябрда И.Каримовнинг

Украинага иккинчи ташрифи бўлди. Унда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури имзоланди. 1995 йил 20-21-июнь кунлари Украина президенти Ўзбекистонга келди. Музокаралар Халқлар дўстлиги саройида давом эттирилди ва Декларация қабул қилинди. Ўзбекистон ва Украина ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартнома имзоланди. 1999 йилда Ўзбекистон ва Украина давлат раҳбарлари имзоланган 1999-2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унда кўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотикни яхшилаш, маҳсулот ва транспорт транзитига кенг йўл очиш ҳамда кучайтириш каби вазифалар акс этди. Украина Президенти 2000 йил 12-13-октябрь кунларида Ўзбекистонга ташриф буюрди. ГУУАМ (Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбайжон ва Молдова) доирасида ҳамкорлик ҳамда Евроосиё транспорт йўлагини ташкил этиш борасида фикр алмашилди. Самарқанд ва Львов шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандуми, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий унверситети билан Тарас Шевченко номидаги Киев миллий унверситети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, икки мамлакат ўртасида депортация қилинган ва Ўзбекистондан Украинага қайтиш хоҳишида бўлган шахсларнинг фуқаролиги масаласини ҳал қилишда ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аҳдлашув қабул қилинди. Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1992-2003 йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникация, фан-техника, саноат, савдо ҳамкорлик бўйича 80 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилмоқда.

1994 йил 22 декабрда Белорус Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистонга келди. Шу куни Халқлар дўстлиги саройида 2 давлат раҳбарларининг суҳбати бўлди. 18 та ҳужжат имзоланди. 1996 йил 12 май куни Ашгабадда Ўзбекистон, Грузия Туркменистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви бўлди. Учрашувда 4 мамлакат ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида, транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. И.Каримовнинг Грузияга сафарида халқаро Транс-Кавказ йўли, унинг Грузиядан ўтадиган қисмини барпо этиш, Грузиянинг Поти бандаргоҳи имкониятларидан Ўзбекистон юкларини ташишда фойдаланиш масалалари бўйича аҳдлашиб олинди. Ўзбекистон билан Грузия ўртасида молия-саноат гуруҳи тузиш, ҳуқуқ-тартибот, почта алоқаси, савдо, солиқ, божхона тизими каби 15 тага яқин ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Озарбайжонга сафар чоғида 20 га яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат раҳбарлари халқаро Транс-Кавказ йўлини барпо этиш, унинг Озарбайжондан ўтадиган қисмини шакллантириш, Ўзбекистон юкларини Озарбайжон ҳудуди орқали Европа томон чиқариш, Озарбайжон бандаргоҳларини таъмирлаш масалалари тўғрисида келишиб олдилар. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар тўғрисида протокол имзоланди. 1997 йилда Тошкентда Озарбайжон элчихонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. 1998 йилнинг 6 январ куни Тошкентда Ўзбекистон,

Озарбайжон ва Грузия ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Транс-Кавказ йўли орқали юк ташиш ҳажмини янада ошириш, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш, Транс-Кавказ йўли инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

1998 йилнинг 17-18 декабрь кунлари Молдова Республикасининг Президенти Петру Лужински Ўзбекистонда бўлди. И.Каримов Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис билан транспорт ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисида Декларация, ҳукуматлараро фуқаролик, меҳнат, ҳуқуқ-тарғибот, халқаро автомобиль қатнови, темир йўл транспорти, маданият, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. И.Каримовнинг 1995 йил июнь ойида Литвага ташрифи чоғида Президент А.Бразаускас билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма Декларацияни имзолади.

**4. Марказий Осиё мамлакатлари билан қардошлик алоқалари.** Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи учрашуви 1990 йил июнь ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1991 йил 13-15-август кунлари Тошкент шаҳрида бўлди. Ундаги энг муҳим ҳужжат - Ўрта Осиё ва Қозғистон Республикалараро маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Маслаҳат Кенгашининг вазифаси бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратишдан, бозор муносабатларига ўтишда минтақа манфаатларини ҳимоя қилувчи келишилган сиёсат юритишдан иборат. 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда Марказий Осиё давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Тажан-Серахс йўл қурилиши бўйича битим имзоланди. Уни Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистон Президентлари имзоладилар. Беш давлат бошлиқлари Чернобиль ҳалокати, Орол фожеаси оқибатларини тугатиш масаласида биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар. 1993 йилнинг 4 январиди И.Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат раҳбарлари ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди.

**1993 йил 26 мартда Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлат бошлиқларининг Россия давлат делегацияси иштирокида биринчи анжумани бўлиб ўтди.** 1993 йил 28 июлда Алматида Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида битим имзоланди. 1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё мамлакатлари бошлиқларининг Россия Федерацияси давлат делегацияси иштирокида иккинчи конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Орол денгизи хавзасидаги ҳозирги аҳвол билан боғлиқ масалалар, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси маблағлари қандай тўпланаётганлиги муҳокама қилинди, экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин 5 йил ичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Оролни кутқариш бўйича давлатлараро

Кенгаш Низоми тасдиқланди. 1994 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси билан Қирғистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида шартнома имзоланди. 1994 йил 30 апрелда Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида Ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланди. 1994 йил 8 июль Алмати шаҳрида учрашув бўлиб ўтди. 1995 йил январида Қозоғистон Президенти Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир битим ва қатор ҳужжатларга имзо чекилди. Битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Натижада уч мамлакат ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, маҳсулот айрибошлаш имконияти яратилди. Тошҳовуз учрашувида Марказий Осиё Республикалари Президентлари Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалаларини кўриб чиқдилар ва кўшма Баёнот имзоладилар. 1995 йил 3 мартда Тошҳовузда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлди. 1995 йил 14 апрель куни Чимкентда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон Президентларининг учрашуви бўлди. Тожикистон ва Афғонистон чегарасидаги вазият ҳақида маслаҳатлашиб олинди. Қабул қилинган Баёнотда Тожикистон муҳолифат кучлари томонидан 1995 йил 7 апрелда қилинган қон тўқишга олиб келган ҳужум қораланди. 2000 йилгача дастур маъқулланди. 1995 йил 15 декабрда Жамбулда ўтказилган давлатлараро Кенгаш мажлисида, 1997 йил 9-10 январь кунлари Бишкекда ва 1997 йил 12 декабрь куни Қозғистоннинг янги пойтахти Остана (Оқмола) шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарлари учрашдилар. 1998 йил 5-6 январда Ашгабадда Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бешала давлатнинг миллий манфаатларига, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка мос келадиган дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни чуқурлаштиришга содиқ эканлиги тасдиқланди. Тожикистон Президенти И.Раҳмонов мазкур ягона иқтисодий ҳудудга Тожикистон ҳам қўшилишини билдирди.

И.Каримов ташаббуси билан 2000 йил 20-21 апрелда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда 1999 йилдаги Қирғизистон билан боғлиқ фожиалар кўриб чиқилди. Саммит қатнашчилари халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, минтақа барқарорлигига таҳдид солувчи омилларга қарши кураш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. 2001 йилнинг 1-ҳафтасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари Алмати шаҳрида учрашдилар. Мажлисида И.Каримов Марказий Осиё Республикалари Иқтисодий Ҳамжамияти Форумини чақириш тўғрисида таклиф киритди. 2002-2003 йилларда ушбу Саммит ўз ишини давом эттирди. И.Каримов «Туркистон умумий уйимиз» деган ғояни илгари сурди. 1-навбатда, ижодкор зиёлилар-ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг эътиборини Туркистон тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклашга қаратди. И.Каримов томонидан 1995 йил 5 майда Олий Мажлис 2-сессиясида «Туркистон -умумий уйимиз» шиорининг илгари сурилиши, унинг мазмуни ва кўзланган мақсад минтақавий барқарорликни таъминлашдир.

**5. Буюк Ипак йўли - тараққиёт йўли.** Биринчи марта Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни боғлайдиган «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт йўлаги - ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи кўрилди ва Декларация қабул қилинди. «Лазурит йўли», кейинроқ «Шоҳ йўли», «Буюк Ипак йўли»... Бугун эса - ТРАСЕКА. И.Каримов 1998 йил 8 сентябрь куни Озарбайжон пойтахтида иш бошлаган Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этди. Бу анжуманда жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда БМТ, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. 1996 йили Серахсда Марказий Осиё билан эрон темир йўл тармоқларнинг туташтирилгани ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. Худди ўша, 1996 йил 13 май куни Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги шартнома имзоланди. Буёғи Япониядан то Адриатика денгизига қадар чўзилган йўлдан фойдаланишни бошлаган республикаларнинг сарф-харажати камаяди. Ўзбекистон учун мазкур шартнома кучга киргач, пахта ташишга кетадиган ҳаражатнинг 12 миллион доллари иқтисод қилинади. Чунки, ТРАСЕКА шимолий йўналишга нисбатан 2 минг километр қисқадир. Ўзбекистон ўз пахтасини, Қозоғистон ва Россия орқали Украина портларига етказиш учун тоннасига 100 доллардан зиёд маблағ сарфлайди. ТРАСЕКА орқали ташилганда эса ушбу кўрсаткич 55 долларни ташкил этади, холос. Ҳозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакати ТРАСЕКА йўлаги орқали ўз юкларини манзилларига етказмоқда. ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда Европадаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатяпти. Боку конференциясида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро комиссияни ташкил этиш, унинг доимий котибиятини таъсис этиш ва бош қароргоҳни Бокуда жойлаштириш бўйича ўртага ташланган таклиф иштирокчилар томонидан маъқулланди. Анжуман ниҳоясида Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш ва бошқариш транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутди. Анжуманда Боку Декларацияси қабул қилинди. ТРАСЕКА дастури бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида бу дастур иштирокчилари бўлган давлат орасидаги ҳамкорликларни янада кучайтирди.

### ***Мавзуни такрорлаш юзасидан саволлар***

1. Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юргизишда дастлабки йилларда қанақа қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келди?
2. Ўзбекистон қайси давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган?
3. Ўзбекистон бугунги кунга келиб қандай халқаро ташкилотларга аъзо бўлган?
4. Ўзбекистон ЮНЕСКО билан ҳамкорликда сўнгги йилларда қандай тадбирларни амалга оширди?
5. Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан муносабатлари қандай ривожланмоқда?
6. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
7. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви деганда нимани тушунасиз?
8. Ўзбекистон ва БМТ алоқалари ҳақида гапириб беринг.
9. Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?
10. Ўзбекистоннинг минтақавий ташкилотлар билан алоқалари қандай ривожланмоқда?
11. Марказий Осиё давлатлари ўртасида олиб борилаётган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида сўзлаб беринг.
12. Минтақавий можаролар ва терроризм хавфини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

### **Таянч тушунчалар**

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ** (БМТ) - Ер юзида тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йилда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонган мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида тузилган халқаро ташкилот.

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ** - тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган халқаро ҳукуматлараро ташкилот. 2006 йил бошланишида олтита давлатни — Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни ўз ичига олади.

**ЕврАзЭС** — Европа—Осиё Иқтисодий ҳамжамияти, 2000 йил октябрь ойида Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон мустақил давлатлари раҳбарлари имзо чеккан Шартнома асосида тузилган халқаро ташкилот.

**глобаллашув** (глобализация) — лотинча «глоб» сўзидан олинган бўлиб, айнан уни «думалоқлашув», «курралашув» деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади.

